




**USAID**  
AMERIKA XALQIDAN



**ДИССЕРТАЦИЯ УСТИДА  
ИШЛАШ БЎЙИЧА  
АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**ПРАКТИЧЕСКОЕ РУКОВОДСТВО  
ПО ПОДГОТОВКЕ  
НАУЧНОЙ ДИССЕРТАЦИИ**





**USAID**  
AMERIKA XALQIDAN



# ДИССЕРТАЦИЯ УСТИДА ИШЛАШ БЎЙИЧА АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА



Тошкент  
«Akademnashr»  
2023

УЎК: 001.891(072)

КБК: 72.4

X 21

**X 21 Холиқова, М., Исоқов, Л., Хамдамова, Ф., Алимухамедова, Н.**

Диссертация устида ишлаш бўйича амалий қўлланма [Матн] / Моҳира Холиқова, Луқмонжон Исоқов, Фируза Хамдамова, Наргиза Алимухамедова. – Тошкент: Akademnashr, 2023. – 256 б.

*Ушбу амалий қўлланма докторант ва абитуриентларга илмий мақола тайёрлашдан диссертация ҳимоясигача бўлган қийин йўлни босиб ўтишда ёрдам берадиган маълумотнома сифатида муаллифлар жамоаси томонидан ишлаб чиқилган. Қўлланмада илмий тадқиқот тушунчаси, унинг мақсад ва вазифалари, илмий тадқиқотчининг малакаси, ҳуқуқшунослик фанида илмий тадқиқотни лойиҳалаш муаммолари, илмий мақолаларни нашрга тайёрлаш масалалари муҳокама қилинган. Муаллифлар томонидан академик тадқиқотлар, турли илмий нашрлар ва китобларни қамраб олувчи фойдали ҳаволалар ва манбалар тўпланган.*

*Қўлланмада, шунингдек, назарий-эмпирик тадқиқотлар ўтказиш бўйича услубий тавсиялар берилган.*

*Амалий қўлланма илм-фан соҳаси вакиллари, ҳуқуқшунос-тадқиқотчилар, докторантлар, мустақил изланувчилар учун мўлжалланган.*

Мазкур нашр АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) орқали кўрсатилган Америка халқининг ёрдами асосида яратилган. Маҳсулот мазмуни бўйича масъулият Tetra Tech DPKга юклатилади ва USAID ёки АҚШ ҳукумати расмий нуқтаи назарини акс эттириши шарт эмас.

**Муаллифлар:**

**Моҳира Холиқова** – Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази директори, фалсафа доктори

**Луқмонжон Исоқов** – Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Илмий инновацион тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва илмий ходимларни тайёрлаш маркази бошлиғи, юридик фанлар доктори

**Фируза Хамдамова** – Гендер тенглик бўйича эксперт, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

**Наргиза Алимухамедова** – Тошкент Халқаро Вестминстер университети Тадқиқот методологиялари магистратура курси раҳбари, иқтисод фанлари доктори

Амалий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази Ўқув ва илмий-услубий кенгашининг 2023 йил 22 декабрдаги 20-сон қарори билан нашрга тавсия этилган.

**Тақризчилар:**

**Акмал Саидов** – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори, юридик фанлар доктори, академик

**Жаҳонгир Мусоев** – Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги масъул ходими, педагогика фанлари доктори, профессор

Қўлланма USAIDнинг Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислохотлар дастури кўмагида тайёрланди.

ISBN 978-9910-9840-7-5

© М. Холиқова, Л. Исоқов,  
Ф. Хамдамова, Н. Алимухамедова  
«Диссертация устида ишлаш бўйича амалий қўлланма»  
© «Akademnashr», 2023

# МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	5
<b>I БОБ. ДОКТОРАНТ ВА МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИНИНГ МАВЗУ ТАНЛАШИДАН ИЛМИЙ ДАРАЖА ОЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ДИПЛОМНИ ОЛИШГАЧА БОСИБ ЎТАДИГАН ЙЎЛИ .....</b>	<b>7</b>
1.1. ДИССЕРТАЦИЯ ТАДҚИҚОТИ УСТИДА БЕВОСИТА ИШЛАШДАН ОЛДИНГИ БОСҚИЧ.....	8
1.2. ДИССЕРТАЦИЯ ТАДҚИҚОТИ УСТИДА ИШЛАШ БОСҚИЧИ .....	21
1.3. ДИССЕРТАЦИЯ ТАДҚИҚОТИНИ ЁЗИШ ТУГАЛЛАНГАНИДАН KEYИНГИ БОСҚИЧ .....	26
1.4. ИЛМИЙ ЭТИКА ҚОИДАЛАРИ ЁКИ ИЛМИЙ ЖАМОА ЭТИКАСИ.....	37
<b>II БОБ. ДОКТОРАНТ ВА МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛАРНИНГ ДИССЕРТАЦИЯ ТАДҚИҚОТИ ДОИРАСИДА ИЛМИЙ НАШРЛАРИ .....</b>	<b>41</b>
2.1. ИЛМИЙ НАШРЛАР: ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ .....	42
2.2. ИЛМИЙ МАҚОЛА ИЛМИЙ НАШРЛАРНИНГ АСОСИЙ ТУРИ СИФАТИДА.....	47
2.3. ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА МАЗМУНИ .....	49
2.4. ИЛМИЙ ЖУРНАЛЛАРДА ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАРНИ ЧОП ЭТИШ .....	60
<b>III БОБ. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ, МАЗМУНИ ВА ОҒЗАКИ ТАҚДИМОТИ.....</b>	<b>81</b>
3.1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ .....	82
3.2. КИРИШ.....	85
3.3. АСОСИЙ ҚИСМ .....	101
3.4. ХУЛОСА.....	102

3.5. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (библиографик рўйхат).....	104
3.6. ҲИМОЯДА ОҒЗАКИ ТАҚДИМОТ .....	109
ХУЛОСА.....	117
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	118
Академик тадқиқотлар, турли илмий нашрлар ва китобларни қамраб олувчи сайтлар рўйхати .....	110

## КИРИШ

*Дунёда илмдан ўзга нажот йўқ ва бўлмагай.*

**Имом ал-Бухорий**

Глобал технологик тамаддун ва экспоненциал тараққиёт билан боғлиқ XXI асрда бутун дунёда илм-фаннинг жамиятга таъсири кучайиб бормоқда. Илмий билим бугунги замонавий дунёда энг муҳим қадриятлардан биридир, чунки фан янги билимларни яратиш орқали кўплаб ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга эътиборни қаратади. Мамлакатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, барқарор иқтисодиёт Ўзбекистонда фан ривожланганда бўлади.<sup>1</sup> Шу нуқтаи назардан, фан ва илмий-педагогик фаолият учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш мамлакатимиз олдидаги муҳим вазифалардан биридир. Айниқса, глобал ўзгаришлар шароитида мамлакатда амалга оширилаётган туб ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш тобора долзарблашиб бормоқда. Ҳуқуқий тадқиқотлар методологиясининг ва юридик фан тараққиётининг аҳамияти ортмоқда. Юридик таълим ва илм-фанни ривожлантириш мамлакатимизнинг истиқболларини белгилаб берувчи, чуқур ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-иқтисодий ислохотларнинг самарадорлигини таъминловчи асосий омиллардан биридир.

Мазкур қўлланма юридик фан соҳасида илмий иш билан шуғулланувчи докторант ва тадқиқотчиларга ёрдам бериш мақсадида тайёрланди.

Қўлланма юридик фан соҳасида диссертация тайёрлашнинг бутун жараёни – диссертация мавзуси ва илмий раҳбарни танлашдан тортиб уни оммавий ҳимоя қилишгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Шунингдек, қўлланмада диссертацияни ёзиш ва уни ҳимоя қилиш бўйича ишларни режалаштиришга бўлган эҳтимолий ёндашувлар акс эттирилган. Диссертацияни ҳимояга тайёрлаш ва уни ҳимоя қилиш тартибининг ташкилий жиҳатлари кўриб чиқилган. **Илмий этика масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.**

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Фанлар академияси Ядро физикаси институтида академиклар, олимлар ва олий таълим муассасалари раҳбарлари билан учрашувдаги нутқи, 2018 йил 20 июнь. [Эл.ресурс] URL: <https://www.gazeta.uz/ru/2018/07/24/science/>

**Биринчи бобда** диссертация тадқиқоти устида ишлашнинг барча босқичлари – диссертация мавзуси ва илмий раҳбарни танлашдан тортиб уни оммавий ҳимоя қилишгача бўлган босқичлари баён этилган.

**Иккинчи боб** докторант-тадқиқотчининг диссертация устида ишлаётган илмий нашрларига бағишланган. Бобда илмий нашрларнинг турлари, уларнинг тузилиши тавсифланган, уларни ёзиш, лойиҳалаш ва нашр этиш бўйича амалий аҳамиятга эга тавсиялар берилган.

**Учинчи боб** диссертация тадқиқотининг тузилиши ва мазмунига бағишланган. Қўлланмада диссертацияни яратиш ва уни ҳимоя қилиш бўйича ишларни режалаштиришнинг мумкин бўлган ёндашувлари кўрсатилган. Шунингдек, диссертацияни ҳимояга тайёрлашнинг ташкилий жиҳатлари ва диссертацияни ҳимоя қилиш тартиби кўриб чиқилган.

Қўлланма фан доктори илмий даражасини олишга даъвогар докторантлар ва мустақил изланувчилар, докторантларнинг илмий маслаҳатчилари ва олий таълим муассасининг илмий-педагогик кадрларни тайёрлашга масъул бўлган бўлинмалари раҳбарлари учун мўлжалланган.



I БОБ

**ДОКТОРАНТ ВА МУСТАҚИЛ  
ИЗЛАНУВЧИНИНГ МАВЗУ  
ТАНЛАШИДАН ИЛМИЙ ДАРАЖА  
ОЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ  
ДИПЛОМНИ ОЛИШГАЧА БОСИБ  
ЎТАДИГАН ЙЎЛИ**

## 1.1. ДИССЕРТАЦИЯ ТАДҚИҚОТИ УСТИДАН БЕВОСИТА ИШЛАШДАН ОЛДИНГИ БОСҚИЧ

*Илм – жуда қийин иш.  
Илм фақатгина кучли ақллар учун мос келади.  
М. Монтень, француз файласуфи*

Диссертация ўзида танланган тадқиқот мавзусининг илмий ишланмалари натижаларини акс эттиручи илмий мазмундаги иш ҳисобланади. Диссертация фан тизимида малакавий функцияни бажариши билан, яъни илмий ишни ҳимоя қилиш ва илмий даража олиш мақсадида тайёрланганлиги билан бошқа илмий ишлардан фарқ қилади.

### ҲУҚУҚИЙ АСОС



Тегишли фан йўналишлари бўйича **фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD), фан доктори (Doctor of Science (DSc))** илмий даражаларини, профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонларини бериш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

**(Ўзбекистон Республикасининг 29.10.2019 йилдаги «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги ЎРҚ-576-сонли Қонуни<sup>2</sup>, 24-модда)**

Диссертация муаллифининг асосий вазифаси диссертация ишини ҳимоя қилиш даврида ўзининг илмий малака даражасини, биринчи навбатда, илмий муаммоларни мустақил қўя олиш ва аниқ илмий вазифаларни ҳал қила билиш қобилиятини кўрсатишдир.

Диссертация тадқиқот ишини бошлаш учун, аввало, докторантурага ўқишга кириш ёки мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш керак бўлади.

<sup>2</sup> Хужжат матни <https://lex.uz/ru/docs/4571492> да мавжуд.

## ҲУҚУҚИЙ АСОС

таянч докторантурага **магистр даражасига ёки олий маълумотга (мутахассислик дастурлари бўйича) эга бўлган** ёхуд клиник ординатурани тугатган (тиббиёт фанлари учун) шахслар ўрнатилган талабларга мувофиқ қабул қилинади;

докторантурага **фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD)** ёки хорижий давлатларда берилган, унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахслар ўрнатилган талабларга мувофиқ қабул қилинади;

ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчи сифатида расмийлаштирилган, **магистр даражасига ёки олий маълумотга (мутахассислик дастурлари бўйича) эга бўлган** ёхуд клиник ординатурани тугатган (тиббиёт фанлари учун) шахсларга ҳам фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга рухсат берилади;

ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчи сифатида расмийлаштирилган, **фалсафа доктори (PhD) ёки фан номзоди ёки хорижий давлатларда берилган, унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахсларга** ҳам фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга рухсат берилади.

**(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.02.2017 йилдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сонли Фармони)<sup>3</sup>**

**Докторантурага кириш ёки мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун бир нечта масалаларни ҳал қилиб олиш керак.**

**Биринчидан,** нима учун диссертация ишини бошламоқчисиз ва нима учун у сизга кераклигини тушуниб олинг. Қуйидаги саволларга жавоб бериб кўринг: *Сизга илмий даража нима учун керак? Сизда илмий тадқиқотчилик фаолиятига қизиқиш борми? Умрингизнинг бир неча йилини илмий тадқиқотга бағишлашга тайёрмисиз? Диссертация устида мунтазам ва тизимли ишлашга тайёрмисиз?*

<sup>3</sup> Хужжат матни <https://lex.uz/docs/3119697> да мавжуд.

Кўпчилик энг муҳими – докторантурага кириб олиш деб ўйлайди. Кирдимиз, демак, диссертация ишини ёзиш ва уни муваффақиятли ҳимоя қилиш кафолатлангандек. Бироқ ундай эмас. Барча докторантурага кирганлар ҳам уни ҳимоя қилишга етиб боролмайди. Диссертация нафақат илмий-малака ва илмий-тадқиқот иши, балки ўқув фаолияти ҳамдир. Тадқиқот устида мунтазам ишламай туриб самарали натижаларга эриша олмайсиз. Илмда тайёр, осон йўл йўқлигини, буюк олим бўлишга интилмаган докторант ёки мустақил изланувчининг олимликка нолайиқ эканлигини тушуниш муҳим.

**Одатда, фан доктори илмий даражасини олишга қизиқувчи номзодларни бир нечта асосий гуруҳларга бўлиш мумкин:**

- олий ўқув юртидаги ишни ва илмий фаолиятни ўзининг ҳаётдаги иши сифатида танлаган олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари;
- муҳим илмий асосларга эга бўлган илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари;
- кўшимча билим ва малакага эришишни мақсад қилган тадбиркорлар, менежерлар, вазирликлар, идоралар, корхоналарнинг раҳбар ходимлари;
- турли фаолият йўналишларидаги профессионал маслаҳатчилар (масалан, бошқарув бўйича), экспертлар;
- асосий иш жойидаги фаолиятини тугатганидан сўнг олий таълим муассасаларида профессионал фаолиятни давом эттирувчи юқори тоифали ишлаб чиқариш мутахассислари;
- таълим муассасаларининг раҳбарлари.<sup>4</sup>

**Умуман олганда, илмий-тадқиқот ишини ҳимоя қилишнинг афзалликларини қуйидагиларда кўриш мумкин:**

- Ўзига баҳо беришнинг ошиши.
- Ижтимоий мақомнинг кўтарилиши, имиж, обрўнинг яхшилалиши.
- Мустақилликнинг ошиши ва руҳий хотиржамлик.
- Ижод қилиш ва ташаббус учун кенг майдон.
- Ўз гоёларига камроқ жисмоний ва ақлий меҳнат билан йўл очиш имконининг пайдо бўлиши.

<sup>4</sup> Резник С.Д. Докторант высшего учебного заведения: учеб. пособие / С.Д. Резник. – Пенза: ПГУАС, 2013. – С.37.

- Юқори илмий даражага эга бўлган кишига китоб чиқариш ҳам осонроқ. Китоб эса юқорига тезда бир неча қадам юқорилашдир. Соҳага оид журналларда фан докторларининг материалларига катта эътибор билан қаралади.
- Илмий ишларни чиқариш эксперт позициясини эгаллашга ёрдам беради ва унинг обрўси ташкилотнинг имижига ишлайди.
- Тегишли талабларга эга бўлган илмий даража олий ўқув юртларида, турли курсларда дарс бериш имконини беради.<sup>5</sup>

**Иккинчидан, кундузги докторантурага** кириш ёки диссертация ишини **мустақил изланувчи/тадқиқотчи** сифатида қилиш кераклигини аниқлаштириб олиш керак.

## ҲУҚУҚИЙ АСОС

### **23-модда. Илмий даражали кадрларни тайёрлаш**

Илмий даражали кадрларни тайёрлаш **таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчилик асосида** амалга оширилади.

Таянч докторантура ва докторантура доирасидаги илмий фаолият **ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда** олиб борилади.

Мустақил изланувчилик доирасидаги илмий фаолият **ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда** олиб борилади.

**(Ўзбекистон Республикасининг 29.10.2019 йилдаги «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги ЎРҚ-576-сонли Қонуни)**

**таянч докторантура** – фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли;

**докторантура** – фан доктори (Doctor of Science (DSc) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли;

<sup>5</sup> Тимофеев М. Доцентом можешь ты не быть, но кандидатом быть обязан...// Образование и карьера. 2006. №4 (97).

## ҲУҚУҚИЙ АСОС



**мустақил изланувчилик** – фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD)) ёки фан доктори (Doctor of Science (DSc)) илмий даражаларига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли;

**докторант** – илмий ташкилот ёки таълим муассасаларига таянч докторантура ёки докторантурага белгиланган тартибда қабул қилинган шахс.

**мустақил изланувчи** – илмий ташкилот ёки таълим муассасаларига мустақил изланувчиликка белгиланган тартибда қабул қилинган шахс;

**изланувчи** – фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини тайёрлаган шахс.

**(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.05.2017 йилдаги «Олий таълимдан кейинги таълим тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ВМҚ-304-сонли Қарори<sup>6)</sup>)**

**Учинчидан, диссертация мавзусини** аниқлаштириб олиш лозим. Бунинг учун айнан қандай муаммони ҳал қилиш устида ишламоқчилигингизни аниқлаштириб олинг. Агар сиз иш тажрибасига эга бўлсангиз, унда тадқиқот мавзуингиз фаолият соҳангизга алоқадор бўлиши мумкин. Мавзуни танлаш ва уни шакллантиришга илмий тажрибага эга ҳамкасблар ва илмий раҳбар ёрдамлашади.

Баъзилар агар диссертация газета ва журналларда ёзиладиган илм-фандаги **«замонавий тенденция»**га мос келса, ҳимоя қилиш осонроқ деб ҳисоблашади. Аслида, ундай эмас, аксинча, бундай йўналишларга жуда эҳтиёт бўлиб ёндашиш керак, сабаби, айрим замонавий тенденциялар бир йил ичида ўзгариб кетади, диссертация иши бир неча йил вақт олиши ва унинг мавзуси ҳимоя кунига қадар ўз долзарблигини йўқотиши мумкин.

<sup>6)</sup> Хужжат матни <https://lex.uz/docs/3213407> да мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясининг Бюллетенини кўриб чиқишни маслаҳат берамиз.<sup>7</sup> ОАК юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни баҳолаш масалалари бўйича «ОАК Бюллетени» журналини нашр этади. Мазкур журналда тадқиқотчиларнинг диссертация мавзулари, диссертацияларга аннотациялар, диссертациялар ҳимояси, изланувчиларга илмий даража ва унвонлар бериш тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа маълумотлар эълон қилиниб боради. Бюллетен билан танишиб чиққач, диссертациялар ҳимояси, ўзингизнинг тадқиқот мавзуингизга яқин бўлган диссертациялар ҳимояси ҳақида тасаввурга эга бўласиз.

Шунингдек, **Юқори малакали илмий ва илмий-педагогик мутахассислар Номенклатураси** билан танишишни маслаҳат берамиз.<sup>8</sup>

**Тўртинчидан, илмий раҳбар** (фалсафа доктори/ PhD даражасини олиш учун) **ёки илмий маслаҳатчини** (фан доктори даражаси/DScни олиш учун) танлаш керак.

## ҲУҚУҚИЙ АСОС

**илмий раҳбар** – илмий изланишлар олиб бораётган изланувчига илмий ва ўқув-методик ёрдам кўрсатиш мақсадида белгиланган тартибда тайинланган, фаол тарзда илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб борувчи фан доктори, шунингдек, илмий унвонга эга бўлган фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD);

**илмий маслаҳатчи** – фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун илмий изланишлар олиб бораётган изланувчига илмий ва ўқув-методик ёрдам кўрсатиш мақсадида белгиланган тартибда тайинланган, фаол тарзда илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб борувчи фан доктори;

**(2017-йилдаги Илмий даражаларни бериш тартиби тўғрисидаги Низом<sup>9</sup>)**

<sup>7</sup> ОАК Бюллетени <https://oak.uz/pages/53> да мавжуд.

<sup>8</sup> Ҳужжат матни [https://oak.uz/userfiles/files/lxtisosliklar\\_ro'yxati\\_2021.pdf](https://oak.uz/userfiles/files/lxtisosliklar_ro'yxati_2021.pdf) да мавжуд.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясининг 2017 йил 31 майдаги 239/4-сонли Қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 июнда 2894-сон билан рўйхатга олинган.

**Илмий раҳбар** бу – тадқиқот мавзусини аниқлаштиришда, тадқиқот усулларини танлашда, экспериментни ташкиллаштиришда ёрдамлашувчи, маслаҳатлар берувчи, шунингдек, бир қанча керакли адабиётларни ҳам тавсия қилувчи тажрибали педагог ва олим. Илмий раҳбар докторантни йўналтириб туради, унга йўналишни топишда ёрдам беради, бироқ унинг ишини қилиб бермайди. Илмий раҳбарлар диссертация мавзуси билан биргаликда таълимнинг энг бошида олий таълим муассасасининг илмий кенгаши томонидан тасдиқланади.

И.Д. Котляровнинг фикрига кўра, илмий раҳбар томонидан бажарилиши керак бўлган асосий функцияларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

«ўқитувчи функцияси» – ўз ичига «мавзу танлаш, адабиётлар танлашда ёрдам бериш, фан тарихи ва фалсафаси ҳамда хорижий тил бўйича номзодликни баҳолаш имтиҳонларини топшириш учун мавзу ва материалларни танлашда кўмаклашиш, диссертациянинг талаб қилинадиган илмий даражасини, унда долзарблик ва илмий янгиликнинг мавжудлигини таъминлаш, диссертациянинг мутахассислик паспортига мувофиқлигини таъминлашни олувчи илмий раҳбарлик;

«ўргатувчи функцияси» – «индивидуал режани бажариш графигига амал қилиниши устидан назорат, бюрократик расмиятчиликни таъминлаш (талаб қилинадиган миқдорда илмий мақолаларни нашр эттириш ва ҳ.к.), диссертация ҳимоясида кенгашни тўплашда ёрдам беришни назарда тутувчи ташкилий раҳбарлик;

«устоз-шогирд аънанаси» – докторант илмий этика билимларини сингдириш (бошқаларни ва ўзининг ишидан кўчирмачилик (плагиат) қилмаслик ва мақолаларни бир вақтнинг ўзида фақатгина битта журналда нашр эттирмаслик, биргаликда бажарилган ишда ҳар бир тадқиқотчининг иштирок даражасини тўғри аниқлай олиш, илмий фаолият билан шуғулланишдан асосий мақсад карьеравий, молиявий аҳволини яхшилаш эмас, балки табиат, жамият ва инсон ҳақидаги билимларни оширишга интилиш кераклигини англаш).<sup>10</sup>

<sup>10</sup> Резник С.Д. Докторант высшего учебного заведения: учеб. пособие / С.Д. Резник. – Пенза: ПГУАС, 2013. – С.177.

**ҲУҚУҚИЙ АСОС**

Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни сифатли тайёрлашни таъминлаш, шунингдек, диссертация тадқиқотларни ўтказишда уларга илмий ва ўқув-услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш истагидаги талабгорлар Коллегиал орган қарори билан **илмий раҳбарларга**, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш истагидаги талабгорлар эса **илмий консультантларга** бириктирилади.

Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланадиган диссертация тадқиқотлари **илмий консультантни тайинланмасдан** ҳам амалга оширилиши мумкин.

8. **Фан доктори** бир вақтнинг ўзида тўрттадан кўп изланувчиларга илмий раҳбар ва консультант бўлиши мумкин. Сўнгги уч йилда изланувчилари ўз вақтида ҳимоя қилган илмий раҳбар ва илмий консультантларга илмий ёки таълим ташкилотларининг коллегиал органи хулосаси асосида **олтитадан кўп бўлмаган** изланувчилар бириктирилиши мумкин.

Илмий унвони бўлган **фан номзоди ёки фалсафа доктори** (PhD) бир вақтнинг ўзида **иккитадан кўп бўлмаган** изланувчиларга илмий раҳбарлик қилиши мумкин. Сўнгги уч йилда изланувчилари ўз вақтида ҳимоя қилган илмий раҳбарларга таълим ёки илмий ташкилотнинг коллегиал органи хулосаси асосида **учтадан кўп бўлмаган** изланувчилар бириктирилиши мумкин.

Хорижий фуқароларга ёки фуқаролиги бўлмаган изланувчиларга ўрнатилган меъёрдан ортиқ илмий раҳбар ёки консультантлар тайинланиши мумкин.

**(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.05.2017 йилдаги «Олий таълимдан кейинги таълим тизими янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ВМҚ-304-сонли Қарори»<sup>11)</sup>**

**Бешинчидан**, илмий даражани олиш бўйича тегишли илмий кенгаш бўлган илмий ташкилот ёки таълим муассасасини танлаш керак.

**Илмий кенгаш** – муайян фан тармоғининг (тармоқларининг) тегишли ихтисосликлари йўналишида талабгорлар учун кўзда ту-

<sup>11</sup> Хужжатнинг тўлиқ матни <https://lex.uz/docs/3213407>

тилган аттестация тадбирларини амалга оширишни ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси (бундан буён матнда ОАК деб юритилади) қарори билан етакчи олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси ҳузурида муайян муддат давомида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиш учун тузилган илмий-ташкिलий тузилма. Илмий кенгашлар рўйхати билан ОАКнинг сайтида та-нишишингиз мумкин.<sup>12</sup>

## ҲУҚУҚИЙ АСОС



### **25-модда. Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш**

Илмий даража олиш учун тайёрланган диссертация илмий ташкилот ва таълим муассасаси қошида тегишли ихтисослик бўйича тузилган **илмий даражалар берувчи илмий кенгашда** ҳимоя қилинади.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш аъзоларининг ярмидан кўпи мазкур кенгашни тузган, илмий ташкилот ва таълим муассасасида фаолият юритаётган олимлардан иборат бўлиши шарт.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш жамоатчилик асосида фаолият олиб боради ва диссертациянинг танланган ихтисосликка мослиги, экспертизанинг сифати ва ҳолислиги, қабул қилинган қарорнинг асослантирилганлиги учун масъул ҳисобланади.

**(Ўзбекистон Республикасининг 29.10.2019 йилдаги «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги ЎРҚ-576-сонли Қонуни)**

**Илмий кенгаш** – муайян фан тармоғининг (тармоқларининг) тегишли ихтисосликлари йўналишида талабгорлар учун кўзда тутилган аттестация тадбирларини амалга оширишни ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси (бундан буён матнда ОАК деб юритилади) қарори билан етакчи олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси ҳузурида муайян муддат давомида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиш учун тузилган илмий-ташкиллий тузилма.

**(2017 йилдаги Илмий даражаларни бериш тартиби тўғрисидаги Низом<sup>13</sup>)**

<sup>12</sup> Расмий сайт ОАК <https://oak.uz/pages/5145>

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясининг 2017 йил 31 майдаги 239/4-сонли Қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 июнда 2894-сон билан рўйхатга олинган.

**Олтинчидан**, қонунчилик талабларига мувофиқ, **илмий мақола ва тезислар** нашр эттирилиши керак. Хусусан, қонунчиликка мувофиқ, таянч докторантурага қуйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:

- магистр даражасига ёхуд клиник ординатурани тугатган (тиббиёт фанлари учун), олий маълумот тўғрисидаги дипломга (мутахассислик дастурлари бўйича) эга бўлганлар;
- фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу **жумладан, илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола** ҳамда тегишли йўналишлар бўйича **иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига** эга бўлганлар.

**Докторантурага қуйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:**

- фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даражалар;
- фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олгандан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган **илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга** эга бўлиш.<sup>14</sup>

Юқорида кўрсатилган топшириқлар ҳал қилинганидан кейин **керакли ҳужжатларни** тўплаш керак бўлади. Стажёр-тадқиқотчилик ва таянч докторантурада ўқишга талабгорлар илмий ташкилот ёки таълим муассасаларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- *ариза;*
- *қисқача биографик маълумотнома;*
- *меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);*

<sup>14</sup> Ҳужжатнинг тўлиқ матни <https://lex.uz/docs/3213407>

- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки клиник ординатурани тугатганлик (тиббиёт фанлари учун), олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

**Докторантурада ўқишга талабгорлар илмий ташкилот ёки таълим муассасаларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:**

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.<sup>15</sup>

Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил) бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар. Кириш имтиҳонлари саволлари илмий ташкилот ёки таълим муассасасининг қабул комиссияси томонидан мутахассисликнинг моҳиятидан келиб чиқиб тузилади ва Коллегиал орган томонидан тасдиқланади. Стажёр-тадқиқотчилик ва докторантурада ўқиш учун кираётган талабгорлар Коллегиал орган томонидан ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтадилар.

Ўқишга қабул қилингандан сўнг танланган илмий ёки таълим муассасида диссертация тадқиқотининг мавзуси тасдиқланиши керак. Мавзу тасдиқланганидан сўнг мавзу ОАК Бюллетенида эълон қилинади.<sup>16</sup>

<sup>15</sup> Ҳужжатнинг тўлиқ матни <https://lex.uz/docs/3213407>

<sup>16</sup> ОАК Бюллетени <https://oak.uz/pages/53> да мавжуд.

## ҲУҚУҚИЙ АСОС

### 14-модда. Илмий фаолият юритувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### Илмий фаолият юритувчи шахслар:

- илмий фаолият тури, йўналиши ва воситаларини танлаш;
- илмий фаолиятни яқка тартибда ёки жамоавий асосда олиб бориш;
- инсон ҳаёти ва саломатлиги, атроф табиий муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган илмий фаолиятда қатнашишни рад қилиш;
- бажарган ишининг даражаси ва сифатига кўра моддий рағбат олиш, шунингдек, илмий фаолияти натижаларини амалиётга татбиқ этишдан мукофот ёки даромад олиш;

Олдинги таҳрирга қаранг.

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармалари ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган илмий лойиҳалар бўйича танловларда қонунчиликда белгиланган тартибда иштирок этиш;
- ўзи томонидан ёки ҳаммуаллифликда бажарилган илмий ишланмалар натижаларидан, агар улар давлат, хизмат ва тижоратга оид ёки қонунчиликка мувофиқ муҳофаза қилинадиган бошқа сирлардан таркиб топмаган бўлса, эркин фойдаланиш, уларни тарқатиш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;
- илм-фан соҳасида тадбиркорлик фаолиятини қонунчиликка мувофиқ амалга ошириш;
- педагогик фаолият билан шуғулланиш, маслаҳатчи ва эксперт бўлиш;
- агар қонунчиликда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, илмий фаолият натижаларини илмий маъруза, мақола, монография ва диссертация ҳимояси кўринишида ҳамда бошқа шаклларда тақдим этиш ҳуқуқига эга.

#### Илмий фаолият юритувчи шахслар:

- инсон ҳаёти ва саломатлиги, атроф табиий муҳитга зарар етказмасликка;
- кўчирмачиликка йўл қўймасликка, ўзгаларнинг илмий ишланмаларини ўзлаштирмасликка ва ёлғон маълумотларга асосланмасликка;
- интеллектуал мулк ҳуқуқлари ва илмий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишга мажбурдир.

## ҲУҚУҚИЙ АСОС



### **15-модда. Илмий фаолият юритувчи жисмоний шахсларнинг меҳнат ҳуқуқлари**

Илмий фаолият юритувчи шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш, уларга **йиллик ҳақ тўланадиган меҳнат таътили**, шунингдек, ижодий таътил бериш қонунчилиққа мувофиқ амалга оширилади.

Давлат илмий ташкилотларида илмий фаолият юритувчи шахсларга **қирқ саккиз иш кунидан иборат йиллик ҳақ тўланадиган ҳамда моддий ёрдамни кўзда тутадиган меҳнат таътили** берилади.

Давлат илмий ташкилотларида илмий ходимларнинг етакчи олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ва лабораторияларида, шу жумладан, чет элда амалиёт ўташлари ёки малака оширишлари учун **бир йилгача бўлган муддатга таътил** берилади.

**(Ўзбекистон Республикасининг 29.10.2019 йилдаги «Илмфан ва илмий фаолият тўғрисида»ги ЎРҚ-576-сонли Қонуни)**

## 1.2. ДИССЕРТАЦИЯ ТАДҚИҚОТИ УСТИДА ИШЛАШ

*Буюклик чўққисига қийин йўл олиб боради.  
Сенека, қадимги юнон файласуфи*

Диссертация тадқиқот иши ОАК Бюллетенида эълон қилингандан кейин диссертация устида ишлашни бошлаш мумкин.

Диссертация сўзи лотинча «**dissertatio**» сўзидан олинган бўлиб, сўзма-сўз таржима қилганда «фикрлаш», «тадқиқот» деган маъноларни англатади. Диссертациялар қўлёзма кўринишида махсус илмий ишлар сифатида ёзилган ва расмийлаштирилган, уларнинг натижаларини илмий даражага даъвогар, одатда, университет ҳудудида ўтказилган оммавий оғзаки муҳокама жараёнида ҳимоя қилиши талаб қилинган.

Маълумки, биринчи докторлик даражаси диссертациянинг омма олдида ҳимоя қилиниши асосида 1130 йилда Болонья шаҳридаги университетда берилган.

Париж университетиди докторлик илмий даражалари 1231 йилдан бериб келинади. Диссертация ишини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш жараёни босқичма-босқич тартибга солиниб, XVI асрда нафақат қўлёзма кўринишида, балки босма шаклда ҳам расмийлаштириладиган бўлди. Университетлар низомларида диссертацияларни тайёрлашга бўлган талаблар ўрнатила бошланди.

Биринчи навбатда ушбу тизим немис тилида сўзлашадиган мамлакатларда тарқалди, кейинроқ, XVII асрда бошқа мамлакатларда ҳам тасдиқланди. Ўша вақтлардаёқ диссертация ишига илмий даража олмоқчи бўлган изланувчи ўз ҳисобидан эълон қиладиган ва тарқатадиган, мазкур соҳадаги малакали олимларга улар ҳимоя вақтида оммавий муҳокамада иштирок этиши учун юборадиган мустақил ёзма иш сифатидаги тасаввур шаклланиб бўлган эди.

Диссертация тадқиқотчининг ўтказган тадқиқоти ва эълон қилган илмий ишлари асосида тайёрланади. Диссертацияни расмийлаштириш ва ҳимояси тадқиқотчининг танловига кўра ўзбек, рус, қорақалпоқ, инглиз ёки ОАКнинг розилигига кўра бошқа тилда амалга оширилади.<sup>17</sup>

<sup>17</sup> 2017 йилдали Илмий даражаларни бериш тўғрисидаги Низом.

## АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР



**Диссертация** бу – илмий янгилик ва амалий натижаларни тадқиқот моҳиятига кўра тизимли асослаб берган ва тегишли талабларга жавоб берадиган, муаллиф томонидан амалга оширилган тўлиқ ва яхлит илмий иш сифатида қўлёзма ҳуқуқларига оид илмий иш.<sup>18</sup>

Диссертация устида ишлаш учун режалаштириш жуда муҳим. Расмий **шахсий иш режаси** ва **иш режадан** ташқари ўзингиз учун батафсил иш режасини тайёрлашингизни ва диссертация устида самарали ишлашингиз учун вақтингизни тўғри тақсимлашингизни тавсия қиламиз.

Шунингдек, **диссертация ишининг дастлабки режаси** ва мундарижасини ҳам қилиш керак бўлади. Ишлаш жараёнида режага ўзгартиришлар киритиш ёки боблар ва параграфларни шакллантиришда тузатишлар киритиш мумкин. Одатда, PhD даражасини олиш учун диссертация тадқиқот иши 3-4 бобдан, DSc даражасини олиш учун 4-5 бобдан иборат бўлиши керак. Диссертацияни расмийлаштириш қоидалари билан танишиб чиқинг.<sup>19</sup>

Диссертация ишининг режаси келишилгандан сўнг диссертация бўйича адабиётларни тўплаш ва ўрганиш жараёни бошланади. Диссертация мавзуси бўйича адабиётларни ўрганиш чоғида тадқиқот мавзуси бўйича **адабиётлар ҳақида қисқача маълумотни (обзор)** ва **адабиётлар рўйхатини** шакллантириб олиш керак.

Мазкур босқичда тезислар ва ҳисоботлар билан конференцияларда фаол иштирок этиш муҳим ҳисобланади. Конференция тўпламаларида илмий тезисларининг мавжуд бўлиши ОАКнинг талаби бўлибгина қолмай, ҳимоя учун муҳим бўлган нотиклиқ қобилиятини ошириш имкони ҳамдир. Бундан ташқари, конференцияларда иштирок этиш илмий алоқаларни йўлга қўйишда ёрдам беради.

Диссертация тадқиқоти устида амалга ошириладиган ишлар диссертация мавзусига оид илмий мақолалар чоп этиш билан

<sup>18</sup> 2017 йилда Илмий даражаларни бериш тўғрисидаги Низом.

<sup>19</sup> Диссертация ва диссертация авторефератини расмийлаштириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси Раёсатининг Қарори // <https://lex.uz/acts/2622518>

биргаликда олиб борилади. **Илмий мақолаларни нашр этиш** нафақат муваффақиятли ҳимоя қилиш шарти, балки илмий ғояларни тақдим этиш малакасини ошириш имконияти ҳамдир.

Диссертация доирасидаги ишларни режалаштиришда диссертация бутун матнининг дастлабки варианты таклиф қилинаётган ҳимоядан 8-10 ой олдин **кафедранинг муаммоли гуруҳига** топширишни режалаштириш керак. Бу диссертацияни унинг ҳимоясидан камида 3-4 ой олдин якунлаш ва кафедра муҳокамасига тақдим этиш имконини беради.

Қонунчиликка кўра<sup>20</sup>, ўз тасарруфида олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасаси бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда изланувчилар фаолияти самарадорлигини назорат қилиб боради.

Мониторингни ўтказиш учун ишчи гуруҳи тузилиб, унинг таркиби тасарруфида олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасаси бўлган тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан тасдиқланади.

**Қонунчиликка мувофиқ**, фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун изланувчилар фаолияти самарадорлигининг мониторинги қуйидаги мезонлар бўйича амалга оширилади:

**а) ўқишнинг биринчи йилида:**

- диссертация мавзуси бўйича тасдиқланган яқка тартибдаги режанинг мавжудлиги ва унинг бажарилиши;
- ихтисослик бўйича тасдиқланган назарий-методологик дастурнинг мавжудлиги ва унинг бажарилиши;
- ОАК рўйхатида кўрсатилган ихтисослаштирилган илмий журналларда диссертация мавзуси бўйича камида битта илмий мақоланинг чоп этилганлиги;
- илмий конференцияда диссертация мавзуси бўйича маъруза билан иштирок этганлиги;
- диссертация мавзуси бўйича таҳлилий умумлаштирувчи қисқача маълумотнинг мавжудлиги;
- илмий ташкилот ёки таълим муассасаси семинарида диссертация мавзусига доир таҳлилий умумлаштирувчи қисқача маълумот натижалари бўйича (илмий раҳбар билан биргаликда) маъруза қилганлиги;

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.05.2017 йилдаги «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ВМҚ-304-сонли Қарори.

**б) ўқишнинг иккинчи йилида:**

- ОАК рўйхатида кўрсатилган ихтисослаштирилган илмий журналларда диссертация мавзуси бўйича ҳисобот даврида чоп этилган камида битта илмий мақоланинг мавжудлиги;
- диссертация мавзуси бўйича ҳисобот даврида илмий конференция материалларида камида битта чоп этилган маъруза тезисининг мавжудлиги;
- ОАК рўйхатида кўрсатилган хорижий журналда диссертация мавзуси бўйича камида битта чоп этилган илмий мақола мавжудлиги;
- диссертация ишининг дастлабки натижалари бўйича илмий ташкилот ёки таълим муассасаси илмий-ташкилий бўлини маси (кафедра, лаборатория, бўлим, сектор) илмий семинарида диссертация ишининг дастлабки натижалари бўйича (мустақил) маъруза билан иштирок этиш;
- диссертация мавзуси бўйича яқка тартибдаги режасининг бажарилиши бўйича ҳисобот бериш;

**в) ўқишнинг учинчи йилида:**

- ОАК талабаларига мувофиқ, журналларда, шу жумладан, хорижий журналларда сони белгиланган талабларга мувофиқ чоп этилган илмий мақолалари мавжудлиги;
- ОАК талабларига мувофиқ тайёрланган тугалланган диссертация иши, авторефератининг мавжудлиги;
- илмий ташкилот ёки таълим муассасаси илмий-ташкилий бўлинмалари мажлисларида диссертация ва авторефератининг кўриб чиқилганлиги ва муҳокама қилинганлиги.

**Фан доктори (DSc) илмий даражаси учун изланувчилар фаолиятининг самарадорлиги мониторинги қуйидаги мезонлар бўйича амалга оширилади:**

**а) ўқишнинг биринчи йилида:**

- диссертация мавзуси бўйича яқка тартибдаги режанинг мавжудлиги ва унинг бажарилиши;
- диссертациянинг биринчи ва иккинчи боблари тайёрлиги;
- ОАК рўйхатида кўрсатилган журналларда диссертация мавзуси бўйича тегишли журналларда камида учта илмий мақола чоп этилганлиги;
- диссертация мавзуси бўйича республика ва халқаро илмий конференциялар материалларида камида битта маъруза тезиси чоп этилганлиги;
- диссертация мавзуси бўйича илмий конференция ёки семинарда маъруза қилиш;

- диссертация мавзуси бўйича таҳлилий шарҳ;
- диссертация мавзуси бўйича таҳлилий шарҳ натижалари бўйича семинарда сўзга чиқиш;

**б) ўқишнинг иккинчи йилида:**

- диссертациянинг учинчи ва тўртинчи боблари тайёрлиги;
- ОАК рўйхатида кўрсатилган журналларда диссертация мавзуси бўйича ҳисобот даврида чоп этилган камида тўртта илмий мақола эълон қилинганлиги (жумладан, биттаси хорижда);
- диссертация мавзуси бўйича халқаро ва республика илмий конференциялар материалларида чоп этилган камида битта маъруза тезисининг мавжудлиги;
- диссертация ишининг дастлабки натижалари бўйича семинар ўтказиш;
- конференция ёки семинарда маъруза билан қатнашиш (камида бир марта);
- диссертация мавзуси бўйича якка тартибдаги режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот;

**в) ўқишнинг учинчи йилида:**

- ОАК рўйхатида кўрсатилган журналларда диссертация мавзуси бўйича ҳисобот даврида чоп этилган камида учта илмий мақола эълон қилинганлиги;
- диссертация натижалари бўйича (ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича) чоп этилган монографиянинг мавжудлиги;
- ОАК талабларига мувофиқ тайёрланган тугалланган диссертация иши ва авторефератнинг мавжудлиги;
- диссертация ёки авторефератнинг илмий ташкилот ёки таълим муассасаси илмий-ташкилий бўлинмаларида кўриб чиқилганлиги ва муҳокама этилганлиги.

Мониторинг натижалари Коллегиал орган томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Якка тартибдаги режаларини бажармаган изланувчиларга нисбатан тегишли қарорлар қабул қилинади.

Якка тартибдаги режаларини бажармаган докторантлар Коллегиал орган қарори билан таянч докторантура ёки докторантурадан четлатилади ва ўқишга қайта тикланмайди.

Докторантурадан мониторинг натижалари бўйича четлатилган ёки диссертациясини муддатида ҳимоя қилмаган шахслар диссертациясини тугатиш ва ҳимоя қилиш даврида мустақил изланувчи сифатида расмийлаштирилиши мумкин. Илмий ташкилот ёки таълим муассасасининг ички тартиби ва қоидаларини бузганлиги учун ўқишдан четлатилган шахслар ўқишга тикланмайди.

Якка тартибдаги режаларини бажармаган мустақил изланувчиларнинг илмий раҳбарлари ва консультантларига нисбатан Коллегиал орган қарори билан раҳбарлик ва маслаҳат учун тўланадиган ҳақ тўхтатилади.

Мунтазам равишда (қаторасига икки марта ва ундан кўп) изланувчиларнинг диссертацияларини ўз вақтида ҳимоя қилишни таъминламаган илмий раҳбарлар ва консультантлар Коллегиал орган қарори билан уч йилгача бўлган даврга илмий раҳбарлик ёки маслаҳатчиликдан четлатилиши мумкин.<sup>21</sup>

Мазкур босқичда тадқиқот иши натижаларини амалиётга жорий қилиш ва тегишли идораларнинг тасдиқловчи маълумотномаларини олиш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, малака имтиҳонларини ҳам топшириш керак.<sup>22</sup>

<sup>21</sup> Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан, от 22.11.2017 г. №937 «О мерах по дальнейшему совершенствованию порядка подготовки и аттестации научных и научно-педагогических кадров высшей квалификации»//<https://lex.uz/docs/3422653>

<sup>22</sup> Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси раёсатининг қарори // <https://lex.uz/acts/2903347>

## 1.3. ДИССЕРТАЦИЯ ТАДҚИҚОТИНИ ЎЗИШ ТУГАЛЛАНГАНИДАН КЕЙИНГИ БОСҚИЧ

*Илмни асрлар давомида қуриш керак ва ҳар бир киши  
унга ўз тошини қўйиш керак, бу тошни қўйиш эса ундан  
бутун умрни талаб қилади.*

**Анри Пуанкаре, француз математиғи, физиги ва астрономи<sup>23</sup>**

### КАФЕДРА МУҲОКАМАСИ

Диссертация ёзилиб, автореферат тайёрланганидан кейин диссертация у бажарилган жойдаги муассасанинг кафедра йиғилишида кўриб чиқишга тайёрланиши керак. Илмий даражага даъвогар докторант ёки мустақил изланувчи кафедра раҳбарига **диссертация матни ва авторефератни**, тадқиқот иши бўйича чоп этилган **барча илмий ишларни** тақдим этади.

Ташкилот раҳбари диссертацияни малакали таҳлил қилишга қодир мутахассислар орасидан 2-3 нафар тақризчини тайинлайди. Тақризчилар қаторига камида битта диссертация мавзуси бўйича мутахассис бўлган фан доктори киритилади. Тақризчилар илмий тадқиқот ўтказилганлигининг сифатини ва олинган натижаларнинг репрезентативлигини, диссертациянинг илмий аҳамиятини ва тақдим этилган нашрларда диссертация тадқиқоти натижаларининг тўлиқ акс этирилишини текширадilar.

Кўриб чиқилган диссертация бўйича ёзма тақризлар номзодга диссертация кафедра мажлисида муҳокама қилинишидан 10 кун олдин тақдим этилиши керак.

**Тақризда қуйидаги масалалар ўз аксини топган бўлиши керак:**

- тадқиқот мавзусининг долзарблиғи ва иш бажарилган ташкилотнинг тадқиқот ишлари билан боғлиқлиғи,
- янги илмий натижалар олишда муаллифнинг шахсий иштироки,
- диссертацияда баён этилган илмий қоидалар, хулосалар ва тавсияларнинг асосланганлик даражаси,

<sup>23</sup> Антология мудрости / сост. В.Ю. Шойхер. – М.: Вече, 2007. – С.593.

- диссертация тадқиқотининг асосий қоидалари ва натижаларини илмий журналларда нашр этишнинг тўлиқлиги тўғрисидаги хулоса,
- олинган тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ва улардан келгусида фойдаланиш бўйича тавсиялар,
- диссертация тузилиши, тили ва илмий материални тақдим этиш услубини баҳолаш,
- диссертация мавзусининг ихтисосликка мослигига кўра диссертация ҳимоясига қабул қилиниши учун кенгашнинг розилиги.

Тақризчининг диссертацияга амалий шарҳлари бўлса, улар нутқда ёки ёзма тақризда ўз аксини топади. Тақризчи ўз нутқда диссертацияни ҳимояга **тавсия қилиш** ёки **тавсия қилмаслик** тўғрисидаги хулосани аниқ шакллантириши шарт.

Агар мажлисда фан докторлари, диссертация ихтисослиги ёки илмий тадқиқот мавзуси бўйича мутахассислар иштирок этган бўлса, диссертация муҳокамаси қонуний ҳисобланади. Агар диссертация кафедра бошлиғининг илмий раҳбарлигида бажарилган бўлса, ушбу тадқиқот муҳокама қилинадиган йиғилишга унинг ўринбосари ёки кафедра аъзоларидан бири раислик қилиши мумкин.

#### КАФЕДРАДА ДИССЕРТАЦИЯНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ

- Тақризлар тайёрланар экан, кафедра бошлиғи кафедра мажлисини тайинлайди. Йиғилишни очади ва кун тартибини эълон қилади, талабгор номини, диссертация мавзуси ва тақризларни ўқиб эшиттиради.
- Диссертация мавзуси бўйича маъруза қилиш учун сўз талабгорга берилади. Сўнгра унга диссертация мазмуни, илмий тадқиқот методологияси ва методикаси бўйича жавоб бериши керак бўлган саволлар берилади.
- Тақризчилар сўзга чиқадилар. Тақризчиларнинг билдиргилари, таклифлари ва истакларига тадқиқотчи жавоб беради.
- Мажлисда ўтирганларга сўз берилади.
- Муҳокамага яқун ясалади.

Хулоса лойиҳасини муҳокама қилишда унинг ҳар бир банди таклиф ва изоҳларни ҳисобга олган ҳолда муҳокама қилинади.

Хулоса очиқ овоз бериш йўли билан йиғилишда ҳозир бўлганларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади ва кўриб чиқиш жараёни кўрсатилган кафедра мажлиси баённомасидан кўчирма шаклида тузилади.

Диссертация иши бажарилган ташкилот диссертациянинг мазмунига оид, таҳририй-услубий, техник, грамматик тузатишлар киритишни ҳисобга олган ҳолда ҳимояга тавсия қилиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Бундай ҳолатда диссертация муаллифи илмий раҳбар ва тақризчиларни иш тартибида юқорида кўрсатилган ўзгартиришларнинг амалга оширилиши тўғрисида хабардор қилиши шарт.

Диссертация иши бажарилган ташкилот диссертацияни ҳимояга тавсия қилмаслик ва тадқиқотчига диссертация жиддий ўзгартиришларни киритишни таклиф қилиши мумкин.<sup>24</sup>

**Кафедра мажлиси баённома билан расмийлаштирилади.**

- Баённомага мажлисда қатнашган барча шахслар фамилияси бўйича илмий даражаси ва илмий унвонини кўрсатган ҳолда киритилади. Кўрилаётган диссертацияда мутахассисларнинг (фан докторларининг) мақбуллиги ва мавжудлиги аниқлаштирилади.
- Кун тартибида: диссертация муҳокамаси, унинг мавзуси, диссертация тури (қўлёзма, илмий маъруза, монография, ўқув қўлланма), у қайси даражага даъвогарлик қилаётгани ва қайси мутахассислик бўйича диссертация иши бажарилгани, унинг бажарилиш жойи, тадқиқотчининг асосий иш жойи ва лавозими, аспирантура (докторантура)да ўқиганлиги ёки мустақил изланувчи сифатида тадқиқот ишини амалга оширганлиги кўрсатилади.
- Илмий раҳбар ва илмий маслаҳатчи кўрсатилади.
- Тақризчиларнинг рўйхати қилинади.
- Диссертация мавзуси бўйича тадқиқотчининг ҳисоботи илова қилинади.
- Тақризчиларнинг ва барча муҳокамада қатнашганларнинг саволлари.
- Тақризчиларнинг тақриزلари ҳақида маълумот, сўзга чиққанларнинг нутқлари стенограммаси.
- Илмий раҳбар ва илмий маслаҳатчининг сўзга чиқиши.
- Хулоса лойиҳасини муҳокама қилиш жараёни белгиланади.

<sup>24</sup> Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси раёсатининг қарори // <https://lex.uz/acts/3244217>

- Хулоса ва диссертацияни ҳимояга тавсия қилишни тасдиқлашда очиқ овоз бериш натижалари қабул қилинади.
- Кафедра бошлиғи баённомага имзо қўяди.
- Диссертация иши бажарилган ташкилотнинг хулосасини олгач, муаллиф тугалланган диссертация бўйича уни ҳимояга тақдим этиш учун исталган диссертация кенгашига мурожаат қилишга ҳақли.

## ИЛМИЙ КЕНГАШ ҚОШИДАГИ ИЛМИЙ СЕМИНАР<sup>25</sup>

Кафедрада диссертация иши маъқулланганидан сўнг **илмий семинарга** тақдим этилади. Илмий семинарга диссертация тадқиқот иши, автореферат, тақризлар ва тақдимот берилади.

Илмий семинар муҳокамаси якунларига кўра диссертация ишини ҳимояга тавсия қилиш ёки қайта ишлаш ҳақида қарор қабул қилинади. Диссертация ҳимояга тавсия қилинганда докторант/мустақил изланувчига оппонент ва етакчи ташкилот тайинланади.

Тадқиқот иши ҳимояга тавсия қилинганда **Илмий кенгашга диссертацияни тақдим этиш учун** ҳужжатлар тайёрланиши керак.

Илмий кенгаш белгиланган рўйхат бўйича керакли ҳужжатлар мавжуд бўлганда диссертацияни дастлабки кўриб чиқиш учун қабул қилади.

Илмий кенгаш раҳбари диссертацияни кенгаш томонидан кўриб чиқишга тақдим қилади.

Диссертация кенгаши **расмий оппонентлар** ва **етакчи ташкилотни** тайинлайди.

**Оппонент** – диссертациянинг ОАК талабларига мувофиқлигини баҳоловчи илмий соҳадаги мутахассис. Диссертация бўйича кенгашлар холис хулоса беришга қодир бўлган, ўзида ўта қатъиятлик ва талабчанликни намоён қила оладиган, илм-фаннинг тегишли тармоғида илмий ютуқларга эришган ва мутахассислиги бўйича чуқур профессионал билимларга эга бўлган малакали олимлар орасидан уларнинг розилигига кўра тайинланади.

**Етакчи ташкилот** – диссертация ташкилоти томонидан тайинланган, фаолияти диссертация ишининг мавзусига тўғри келадиган, илм-фан ва халқ хўжалигининг тегишли тармоғида

<sup>25</sup> Положения о порядке присуждения ученых степеней // <https://lex.uz/docs/3244221>

Ўзининг илмий ютуқлари билан танилган, диссертациянинг натижалари ва хулосалари бўйича муаллиф томонидан олинган илм-фан ва ишлаб чиқариш учун натижалар ва аниқ таклифларнинг аҳамиятини ўзида акс эттирган диссертацияга изоҳ бериши сўралган ташкилот.

Кенгаш қарори, агар уни ёқлаб кенгаш аъзоларининг оддий кўпчилиги овоз берса, қабул қилинган деб ҳисобланади.

Агар диссертация кенгаши тадқиқотчининг диссертациясини ҳимояга қабул қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилса, у тадқиқотчига диссертацияни ҳимояга қабул қилишни рад этиш сабабини асословчи хулосани топшириши ва илмий даража учун даъвогарлик қилаётган тадқиқотчига у томонидан тақдим этилган барча материалларни қайтариши шарт. Мазкур қарор овоз бериш натижаларига кўра қабул қилинади. Кенгаш йиғилиши бўйича баённома тузилади.

## ТАЛАБГОРЛАР ТОМОНИДАН ИЛМИЙ КЕНГАШГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ариза
2. Диссертация ажратилган ташкилотдан йўналтирувчи хат (Сопроводительное письмо).
3. Ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси.
4. Объективка.
5. Магистр дипломининг ёки олий таълим тўғрисидаги дипломнинг нусхаси (PhD), фан номзоди ёки фалсафа доктори дипломининг нусхаси (PhD) ёки тенглаштирилган фан доктори (DSc) илмий даражаси учун чет элда олинган шунга тенлаштирилган бошқа илмий даражалар тўғрисидаги дипломнинг нусхаси.
6. Малакавий имтиҳонларни топширганлиги тўғрисидаги сертификат.
7. Диссертация ва автореферат.
8. Диссертация бажарилган ташкилотнинг диссертациянинг номи, «ОАК» журналида қаерда ва қачон тасдиқлангани ҳамда қандай рақам билан эълон қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган хулосаси (2 нусхада). Хулоса илмий семинар (лаборатория, сектор, кафедра) мажлиси баённомасидан батафсил кўчирма шаклида расмийлаштирилади, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади ва ташкилот муҳри билан қўйилади.

## ТАЛАБГОРЛАР ТОМОНИДАН ИЛМИЙ КЕНГАШГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

9. Тадқиқотчи томонидан имзоланган ва илмий раҳбари томонидан тасдиқланган илмий ишлар рўйхати (3x4 форма). Рўйхат қуйидаги 3 бўлимдан иборат бўлиши керак:
  - монографиялар, илмий журналлар ва тўпламлардаги мақолалар;
  - патентлар ва муаллифлик гувоҳномалари;
  - тезислар, сақланган ишлар.
10. Барча илмий ишларнинг нусхаси (журналларда, шунингдек, ОАК рўйхатига кирган чет эл журналларида чоп этилган мақолаларнинг нусхаси) (фан доктори учун асосий илмий ишларнинг нусхаси) (2 нусхада).
11. Ташкилот Илмий кенгашининг диссертация мавзусини тасдиқлаш тўғрисидаги қароридан кўчирма (ОАК Бюллетенида қаерда ва қайси рақам билан эълон қилинганлиги тўғрисида).
12. Фан доктори учун илмий маслаҳатчининг (фалсафа доктори учун илмий раҳбарнинг) фикри.
13. Тадқиқотчининг асосий иш жойидаги раҳбари томонидан вақти кўрсатилган ва муҳр қўйилган ҳолда имзоланган унинг илмий-педагогик, ишлаб чиқариш фаолиятининг тавсифи (1 нусхада)
14. Фан доктори илмий даражасини олиш учун номзодлик диссертациясининг автореферати (2 нусхада).
15. Ҳаммуаллифларнинг ёзма розилиги.
16. Паспорт нусхаси (2 нусхада).
17. Диссертация натижаларининг жорий этилганлиги тўғрисида далолатнома.
18. Фан доктори (DSc) учун монография керак бўлади.

## ҲИМОЯГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

Диссертация кенгашининг ҳимояга қабул қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилинганидан кейин тадқиқотчи қуйидаги ишларни амалга оширади:

- диссертация авторефератини чоп этиш ва ҳимояга бир ойдан кечиктирмай тегишли ташкилотларга юбориш (Авторефератнинг тарқатилган санаси қвитанция ёки почта маркаси билан тасдиқланиши керак);

- диссертация матни ва авторефератнинг иккита нусхасини диссертация ҳимоя қилинадиган ташкилот кутубхонасига топшириш;
- диссертация матни ва авторефератини расмий оппонентларга ва етакчи ташкилотга юбориш;
- ҳимоядан 11-12 кун олдин диссертация кенгашига мурожаат қилиш ва расмий оппонентлар ва етакчи ташкилотнинг изоҳлари нусхаларини олиш.

Шундан сўнг тадқиқотчининг диссертация ҳимоясига тайёрланишидаги энг муҳим босқич бошланади. Асосий эътиборни кенгаш мажлисидаги сўзга чиқишга қаратиш керак. Бу босқичда тадқиқотчи ўзининг назарий жиҳатдан юқори даражадаги тайёргарлигини, билимдонлигини кўрсатиши ва тадқиқотдан олинган натижаларни чиройли тарзда тақдим этиши лозим. Нутқида диссертацияда ўзи томонидан ишлаб чиқилган янги назарий ва амалий қоидаларни гапиришга эътибор қаратиши зарур. Фикр-мулоҳазаларга жавоблар аниқ, асосли ва лўнда бўлиши шарт.

Бундан ташқари, диссертациясини ҳимоя қилаётган тадқиқотчи (илмий раҳбари билан биргаликда) қуйидаги бир қатор муҳим масалаларни назорат қилиши ва зарур бўлса ҳал қилиши керак бўлади:

- кенгашда диссертацияни ҳимояга қабул қилиш мақсадида дастлабки кўриб чиқиш бўйича ҳужжатларнинг лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уларни расмийлаштириш;
- кенгашнинг ишида кенгаш аъзоларининг етарлича қисми иштироки (кворум)ни таъминлаш (масалан, транспорт масаласида ёрдам бериш);
- агар бошқа шаҳардан келадиган оппонентлар бўлса, уларни диссертация ҳимояси бўладиган жойга олиб келиш ва қайта олиб бориш (улар билан келишган ҳолда), уларнинг бу ерда қолиши масаласида ғамхўрлик қилиш;
- агар зарурат бўлса, кенгаш ишида таклиф қилинган мутахассисларнинг иштирокини ташкиллаштириш;
- кенгашда изланувчини диссертацияни ҳимоя қилиш учун етишмаётган техник воситалар билан таъминлаш (масалан, рақамли проекторга эга бўлган компьютер);
- диссертация кенгаши хулосасининг лойиҳасини тайёрлаш ва расмийлаштиришда иштирок этиш;
- тадқиқотчининг маърузасига иллюстратив материалларни тайёрлаш ва тарқатиш (агар деворга илиб қўйиладиган катта иллюстратив кўргазмалар қилинмаётган бўлса);

– *диссертация ҳимояси иштирокчилари учун сув ва бошқа шу каби нарсаларнинг мавжудлигини таъминлаш.*

**Диссертация кенгашини ҳимояга тайёрлаш тўлиғича илмий котиб зиммасига юкланади.** Унинг мажбуриятларига авторефератни почта орқали юборишдан олдин тасдиқлаш ва унинг тарқатилишини назорат қилиш, диссертация ва автореферат матнларини расмий оппонентларга ва етакчи ташкилотга юбориш киради.

Илмий котиб кенгаш аъзоларини бўлғуси ҳимоя тўғрисида огоҳлантиради, муассасанинг кўзга кўринадиган жойида бўлғуси ҳимоя тўғрисида маълумот (эълон)ни жойлаштиради.

Диссертация кенгаши оппонентлик қилишни мутахассислиги бўйича чуқур профессионал билимга ва илмий ютуқларга эга бўлган (диссертация тадқиқоти муаммоси бўйича илмий ишлар чоп эттирган), асосли ҳулоса беришга қодир ва қатъий илмий позициясига эга олимларга топшириши мумкин.

Расмий оппонентлар диссертацияни дастлабки кўриш ва ҳимояга қабул қилиш бўйича мажлисга кенгаш томонидан тайинланади. Шундан кейин кенгаш оппонентларга оппонент сифатида қатнашиш тўғрисидаги хат, диссертация ва авторефератни юборади.

Расмий оппонентларнинг кенгаш мажлисидаги диссертация ҳимояси бўйича нутқи тадқиқот муаммоси бўйича ижодий баҳс-мунозаранинг муҳим элементи ҳисобланади.

Расмий оппонентлар имзо ва муҳр қўйилган чоп этилган диссертация, автореферат ва илмий ишларни ўрганиб чиқиш асосида ҳимоядан 10 кун олдин кенгашга танланган мавзунинг долзарблиги, диссертацияда шакллантирилган илмий қоидаларнинг, ҳулоса ва таклифларнинг асосланганлик даражасини, уларнинг ишончлилиги ва илмий янгилиги акс эттирилган, диссертация ва авторефератнинг талабларга мувофиқлиги ва диссертация мазмунига авторефератнинг мувофиқлиги акс эттирилган изоҳни юборади.

Бундан ташқари, оппонент тадқиқотчи томонидан мазкур масалани тадқиқ қилишдаги қўшган ҳиссасига, илмий таҳлил ва адекватлик даражасига ва илмий тадқиқот методларидан фойдаланишнинг тўлиқлигига, эмпирик материалларнинг репрезентативлигига эътибор қаратиши керак. Шунингдек, тадқиқотнинг асосий илмий натижалари ва амалий таклифларнинг ҳусусиятини баҳолаши, ҳимоя қилинаётган диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотларнинг ривожланишининг мақсадги мувофиқ-

лиги ҳақида фикр билдириши лозим. Агар диссертация илмий маъруза кўринишида тайёрланган бўлса, у ҳолда диссертацияни илмий маъруза шаклида ҳимояга тақдим этишнинг қонунийлигини асослаб бериш зарур.

Расмий оппонентнинг ўзининг изоҳида диссертациянинг мазмунини, ишнинг тугатилганлигини баҳолаши, диссертация ва авторефератни расмийлаштириш қоидаларига амал қилинганлигини белгилаши, тадқиқот чоп этилган асосий натижаларини тасдиқлаши керак. Номзодлик диссертацияси долзарб илмий муаммоларга (айнан қайси эканлиги аниқ айтилиши керак) янги ечим берилган, илм-фаннинг тегишли соҳасида муҳим аҳамиятга эга бўлган тугалланган илмий тадқиқот иши эканлигини таъкидлаши лозим.

## ДИССЕРТАЦИЯ ҲИМОЯСИ

*Диссертация ишингизни муваффақиятли ҳимоя қилишингиз илм-фан биносига яна битта гишт қўйганлигингизнинг тан олинисидир. Бу «гишт»нинг қанчалик катта ва мустақамлигини эса келгусида вақт кўрсатади.<sup>26</sup>*

Тадқиқотчи томонидан диссертация кенгашида диссертацияни очиқ ҳимоя қилиш юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кардларни аттестациядан ўтказишнинг муҳим босқичи ҳисобланади.

Диссертациянинг ҳимояси илмий муҳокама характерида бўлиши ва юқори талабчанлик, илмий этикага риоя қилиш бўйича ўта талабчанлик муҳитида ўтиши, диссертацияда келтирилган илмий ва амалий характердаги барча хулосалар ва тавсияларнинг ишончлилиги тўлиқ таҳлил қилиниши керак. Шу билан бирга, тадқиқотчига чинакам ҳурмат ва эътибор унинг хизматлари бўрттирилиб кўрсатилиши ва асоссиз мақтовларда эмас, талабчанлик ва илмий этикага риоя қилишда ифодаланиши лозим.

<sup>26</sup> Новиков А.М. Докторская диссертация? Пособие для докторантов и соискателей ученой степени доктора наук. – М.: Эгвес, 2003. – С.22.

## ДИССЕРТАЦИЯНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ

1. Раислик қилувчи диссертация кенгашининг йиғилишини очиб беради, кенгаш йиғилишида қатнашганлар сонини маълум қилади. Кенгашнинг ваколатлари аниқланади ва кун тартиби эълон қилинади.
2. Илмий котиб тадқиқотчи томонидан кенгашга берилган ҳужжатлар ҳақида маълумот беради.
3. Тадқиқотчи диссертациянинг асосий қоидаларини қисқача баён қилади. Аудитория томонидан берилган саволларга жавоб беради.
4. Илмий раҳбар ёки илмий маслаҳатчи тадқиқотчининг иши тўғрисида ўз изоҳлари билан сўзга чиқади.
5. Илмий котиб диссертацияга ёзма изоҳ (етақчи ташкилот ҳулосаси) ва авторефератга ёзма изоҳни ўқиб беради. Тадқиқотчи етақчи ташкилот томонидан диссертацияга берилган ёзма изоҳдаги танқидларга жавоб қайтаради.
6. Расмий оппонентлар сўзга чиқишади. Ўз нутқида оппонент диссертация бўйича ўзининг танқидий изоҳларини баён қилади, изоҳларнинг қолган қисми исталган шаклда баён қилиниши мумкин. Ҳар бир оппонент сўзга чиққанидан кейин тадқиқотчи ҳар бир саволга ва танқидий изоҳга нисбатан ўзининг жавобини баён қилади.
7. Оппонентлар сўзга чиқиб бўлганидан ва тадқиқотчи жавоб бериб бўлганидан кейин муҳокама бошланади. Унда кенгаш аъзолари ҳам, ҳимояда ўтирганлар ҳам иштирок этишлари мумкин. Раислик қилувчи муҳокама яқунларини чиқариши мумкин.
8. Тадқиқотчига яқукий сўз берилади. Яширин овоз бериш учун санок комиссияси тайинланади. Танаффус эълон қилинади ва овоз бериш ўтказилади. Овоз бериш натижалари эълон қилинади ва тадқиқотчи томонидан лойиҳаси тайёрланадиган ва кенгашга тақдим қилинадиган кенгаш ҳулосаси тасдиқланади.

## ҲИМОЯ БЎЙИЧА МАТЕРИАЛЛАРНИ ОАҚка ТАЙЁРЛАШ

Диссертация ҳимоясидан сўнг ОАҚка кенгаш мажлиси (ҳимоя)нинг стенограммасини ва кенгаш ҳулосасини юбориш керак бўлади. Ҳужжатлар диссертация ҳимояси жиҳатидан ҳам, расмий жиҳатдан ҳам эҳтиёткорлик билан тайёрланиши шарт.

## ҲИМОЯДАН СЎНГ ОАККА ТАҚДИМ ҚИЛИНАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

1. Илмий даража бериш учун илмий кенгаш раиси (йиғилиш раиси) томонидан имзоланган муассаса бланкидаги кузатув хати.
2. Тадқиқотчи ҳақида объективка.
3. Илмий кенгаш раиси (мажлис раиси) ва илмий котиб томонидан имзоланган илмий кенгаш мажлисининг стенограммаси (стенограммага Илмий кенгаш аъзоларини рўйхатга олиш варақаси илова қилинади).
4. Расмий оппонентлар ва етакчи ташкилотнинг изоҳи илова қилинади.
5. ОАК сайти ёки «ОАК Ахборотномаси» журналида ва республика марказий газетасида диссертация ҳимояси ҳақидаги эълоннинг нусхаси.
6. Диссертация натижаларидан амалиётда фойдаланилаётганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.
7. Тадқиқотчи паспортининг нусхаси.
8. Тадқиқотчи фаолиятининг натижалари ва сертификацияланган фаолиятини тасдиқловчи ҳужжат (олий таълим тўғрисидаги ҳужжат нусхаси; фан номзоди дипломининг ёки фан номзодига тенглаштирилган бошқа дипломининг нусхаси ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун фалсафа доктори (PhD) дипломининг нусхаси; малака имтиҳонларини топширганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси; илмий ишларни диссертацияга ҳаммуаллифликка тўлиқ ёки қисман киритиш учун ҳаммуаллифларнинг ёзма розилиги).
9. Диссертациядан бир нусха, диссертация авторефератидан икки нусха ва тадқиқотчининг асосий илмий ишларининг нусхаси.
10. Фан доктори ёки фалсафа доктори ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражага даъвогарлик қилаётган тадқиқотчи учун диссертация автореферати.
11. Диссертация, диссертация автореферати ва тадқиқотчи ҳақидаги объективканинг электрон версияси жойланган SD-диск.

Олий таълимдан кейинги таълимга қўйилган мазкур қонунчилик талабларини бажарган ва ўрнатилган тартибда диссертация ҳимоя қилган шахсларга тегишли **давлат таълимининг фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) дипломи** берилади.

## 1.4. ИЛМИЙ ЭТИКА ҚОИДАЛАРИ ЁКИ ИЛМИЙ ЖАМОА ЭТИКАСИ

*Тажриба – ҳақиқат гарови.*  
**Френсис Бэкон**

Академик жамоага қабул қилиниш ва олим сифатида тан олин-нишнинг энг муҳим шарти илмий этика қоидаларига сўзсиз риоя қилиш ҳисобланади. Олим илмий тадқиқотлар билан муваффақиятли шуғулланиши учун илмий этика тамойилларига амал қилиши лозим.

Диссертация устида ишлашни бошлашдан олдин ва у билан ишлаш жараёнида илмий этиканинг асосий тамойиллари билан танишиш ва унга қатъий риоя қилиш муҳим.

**Илмий этика** нафақат маъмурий қоидалар, балки олимлар илмий фаолиятда амал қиладиган ва фаннинг фаолият юрити-шини таъминлайдиган ахлоқий тамойиллар мажмуидан иборат.

Фан этикасига киритилган муаммолар қаторига олимлар фао-лиятининг ахлоқий мезонлари ва уларнинг кашфиётлари ва улар-ни қўллаш тақдири учун ижтимоий жавобгарлиги, шунингдек, олимнинг ахлоқий меъёрлари ва қадриятлари, унинг гуманистик интилишларини акс эттирувчи муносабатлари киради.<sup>27</sup>

Илм-фан ахлоқининг асосий ғоясини Аристотель қуйидаги-ча ифодалаган: «Афлотун менинг дўстим, лекин ҳақиқат ундан азиздир».

19-асрдан бошлаб илмий фаолият профессионал тус олди. Фан этикаси касбий этиканинг бир турига айланди.

Роберт Мертон ўзининг фан социологиясига оид асарларида тўртта ахлоқий тамойилни яратди:

*Коллективизм* – тадқиқот натижалари илмий жамоатчилик учун очиқ бўлиши керак.

*Универсализм* – ҳар қандай илмий ғоя ёки гипотезани баҳо-лаш фақат унинг мазмунига ва илмий фаолиятнинг техник стан-дартларига мувофиқлигига боғлиқ бўлиши лозим, бу жараён муаллифнинг хусусиятлари, масалан, унинг ижтимоий мавқеига боғлиқ бўлмаслиги керак.

<sup>27</sup> Слярова А.М. Этические нормы и принципы научной деятельности // БИБЛИОСФЕРА. 2006. №3. – С.26 – 29.

*Манфаатни кўзламаслик* – илмий натижаларни нашр этишда тадқиқотчи муаммони ҳал қилишдан қониқишдан бошқа ҳеч қандай шахсий манфаатни кўзламаслиги зарур.

*Уюшган скептицизм* – тадқиқотчилар ҳам ўз ғояларига, ҳам ҳамкасблари томонидан илгари сурилган фикрларга танқидий муносабатда бўлишлари даркор.<sup>28</sup>

Юқоридагиларга қўшимча равишда замонавий муаллифлар энг юқори профессионалик (касбий этикага қатъий риоя қилиш) тамойилини таъкидлайдилар.<sup>29</sup>

Тадқиқотчи ўз фаолиятининг ҳар бир босқичида илмий жамоадаги ҳамкасблари билан мулоқотда бўлганда ҳам, тадқиқот олиб бориш ва унинг натижаларини нашр этишда ҳам илмий этика қоидаларига риоя қилиши шарт.

Илмий маълумотларни сохталаштириш, шу жумладан, натижаларни алмаштириш ёки интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузиш, хусусан, рухсатсиз фойдаланиш ҳамда муаллифлик ҳуқуқини эгаллаб олиш (плагиат) ва тадқиқот усуллари, ғояларини ўзлаштириш (ғояларни ўғирлаш) илмий этиканинг бузилиши сифатида кўрилиши мумкин.

Илмий этиканинг энг муҳим қоидаларидан бири **плагиатга йўл қўйилмаслигидир**.

Афсуски, бугунги кунда рақамли технологиялар ривожини ша-роитида олимнинг муаллифлик ҳуқуқи унинг хабарисиз кўп ҳолларда бузилади.

Европа тилларида ҳозирги маъносида «плагиат» сўзи XVII асрда қўлланила бошланди. Рим ҳуқуқида *plagium* (ўғирлаш) эркин одамни жиноий йўл билан қулликка сотишни англатган, бу эса калтаклаш орқали жазоланган (*ad plagas*).

Шу маънода «Кулаётган одам» романида бола ўғирлигига нисбатан эсга олинади. Дастлаб адабий мулкни ўғирлаш *plagium litterarium* деб номланган, шунингдек, лотинча *plagiator* «адабиёт ўғриси» демакдир.

Илмий, илмий-оммабоп ва ўқув ишларида плагиат бошқа одамларнинг асарлари ёки ғояларини келтирилган асарга тўғри ҳаво-

<sup>28</sup> Более подробно в следующих трудах Р.Мертон: Merton R.K. Social theory and social structure. – New York: The Free Press, 1949; Merton R.K. Science and technology in a democratic order // Journal of Legal and Political Sociology. 1942. Vol. 1. – P.115 – 126.

<sup>29</sup> Склярова А.М. Этические нормы и принципы научной деятельности // БИБЛИОСФЕРА. 2006. №3. – С.26 – 29.

лаларсиз тақдим этишга нисбатан ишлатилади. Плагиат бошқа бировнинг асарини ўз номидан нашр этишда, шунингдек, олинган манбани кўрсатмасдан бошқа одамларнинг асарларидан парчаларни олишда намоён бўлади. Плагиатнинг шартли белгиси муаллифлик ҳуқуқини беришдир. Плагиат олимнинг обрўсига салбий таъсир кўрсатадиган илмий этиканинг қўпол бузилишидир.

**Илмий мунозара қоидалари алоҳида аҳамиятга эга.** Илмий мунозара қоидаларини билиш турли илмий тадбирларда (семинарлар, конференциялар) иштирок этишда, шунингдек, диссертация ҳимоясида зарур бўлади. Илмий тадбирларнинг мазмуни ва самарадорлиги илмий мунозара қоидаларига риоя қилишга боғлиқ.


**Илмий мунозара ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш ва рақиб фикрини рад этиш мақсадида ўткир оммавий низо шаклидаги мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир.**

**Илмий мунозара ўтказишда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:**

- муҳокама қилинаётган мавзудан четга чиқмаслик муҳим. У асосий нарса атрофида ўтказилиши ва тафсилотларга алмаштирилмаслиги керак;
- психологик босим усулларига, шахсиятга ўтишга, шеригини муҳокамани ўтказиш учун сабаблар этарли эмасликда айбланишга ва ҳоказоларга йўл қўйиб бўлмайди;
- ўта қатъиятчиликни эмас, балки муайян позицияни эгаллаш ва оқилона яхлитликни кўрсатиш лозим;
- пичирлаш, номақбул ҳазил қилиш тақиқланади. Муҳокама мавзуси билан боғлиқ ўткир ва ўринли сўз мамнуният билан қабул қилинади;
- хушмуомалалик, самимийлик, ишонч, ўзаро ҳурмат, босиқлик, чидамлилиқ, хайрихоҳлик ва бошқаларни кўрсатиш керак.

**Илмий ахлоқ қоидаларига риоя қилиш бўйича асосий тавсиялар**

1. *Ҳеч қачон илмий ишларингизда плагиатга йўл қўйманг.*
2. *Илмий нашрларингизда иқтибос келтириш маданиятига амал қилинг.*
3. *Илмий баҳсларда қатнашиш қоидаларини эгаллаш, бошқа ҳамкасблар фикрини тинглай олиш қоидаларини ўзлаштиринг.*
4. *Нафақат танқидчи, балки ўз-ўзини танқид қилувчи бўлинг.*
5. *Илмий журналларнинг нашр этикаси қоидалари билан танишинг.*



II БОБ

**ДОКТОРАНТ ВА МУСТАҚИЛ  
ИЗЛАНУВЧИЛАРНИНГ  
ДИССЕРТАЦИЯ ТАДҚИҚОТИ  
ДОИРАСИДАГИ ИЛМИЙ  
НАШРЛАРИ**

## 2.1. ИЛМИЙ НАШРЛАР: ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

Бугунги кунда илмий ишларни чоп этиш (нашр қилиш) илмий ҳамжамиятда ўзининг ўрнига эга бўлишга интилаётган исталган мутахассис фаолиятининг асосий қисми ҳисобланади. Илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижалари кенг тарқалиши ва бошқа олимлар томонидан баҳоланиши керак. Илмий тадқиқот натижалари билан таништириш эса уларни чоп этиш орқали амалга оширилади. Илмий ишнинг қиймати нашр этилганидан сўнг дарҳол ёки бир неча ўн йиллар ўтгач баҳоланиши мумкин.

Илмий ишнинг натижаси, албатта, тегишли кўринишда диссертация, илмий ҳисобот, илмий маъруза, реферат, мақола, монография ва бошқа шаклларда тақдим қилиниши керак. Мазкур талаб учта шарт билан ифодаланади.

**Биринчидан**, қатъий илмий тилдаги фикр ва натижалар фақатгина ёзма кўринишда баён этилиши мумкин.

**Иккинчидан**, нафақат янги илмий билимларни олиш, балки уларни одамларга етказиб бериш ҳам муҳим. Агар мазкур «янги илмий билим» фақатгина тадқиқотчининг онгида қоладиган бўлса ва у ҳақида кенг жамоатчилик хабар топмаса, бу билимга эҳтиёж бўлмайди.

**Учинчидан**, чоп этилган илмий ишларнинг сони ва ҳажми исталган илмий ходим самарадорлигининг расмий кўрсаткичи бўлади. Шунинг учун тадқиқотчи ўзининг чоп этилган илмий ишлари рўйхатини тўлдиришдан манфаатдор бўлади.<sup>30</sup>

Диссертация тадқиқотининг натижалари албатта чоп этилиши керак. Докторантлар ўзларининг тадқиқот натижаларини мақола, монография, услубий тавсия, ўқув қўлланма ёки дарслик шаклида чоп этиришлари мумкин. Барча кўринишдаги илмий нашрлар ичида муҳимроғи даврий илмий нашрлардаги мақоладир.<sup>31</sup>

<sup>30</sup> Резник С.Д. Докторант высшего учебного заведения: учеб. пособие / С.Д. Резник. – Пенза: ПГУАС, 2013. – С.113.

<sup>31</sup> Резник С.Д. Докторант высшего учебного заведения: учеб. пособие / С.Д. Резник. – Пенза: ПГУАС, 2013. – С.225.

## АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР # 1

**Илмий нашр** – маълум бир илмий муаммонинг моҳиятини, уни тадқиқ қилиш усуллари ва натижаларини таҳлил қилишни ва илмий асосланган хулосаларни ўз ичига олган илмий тадқиқотнинг нашр этилган тавсифи.

**Докторантлар ва мустақил изланувчилар томонидан диссертация тадқиқоти доирасида чоп этиладиган илмий нашрларнинг асосий турлари қуйидагилар:**

илмий маъруза;  
маъруза тезиси;  
мақола;  
монография;  
автореферат.

## ҲУҚУҚИЙ АСОС

**Ўзбекистон Республикасининг «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Қонуни**

**14-модда. Илмий фаолият юритувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Илмий фаолият юритувчи шахслар:

агар қонунчиликда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, илмий фаолият натижаларини **илмий маъруза, мақола, монография ва диссертация ҳимояси кўринишида ҳамда бошқа шаклларда** тақдим этиш ҳуқуқига эга.<sup>32</sup>

Илмий нашрлар чиқарганлик ОАКнинг докторантурага қабул қилиш ва докторант/мустақил изланувчининг сўнгги уч йилдаги фаолиятини баҳолаш учун энг муҳим талабларидан бири ҳисобланади.

<sup>32</sup> Хужжат матни <https://lex.uz/docs/4571492> да мавжуд.

## ҲУҚУҚИЙ АСОС



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.05.2017 йилдаги «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ВМҚ-304-сонли Қарори

**38. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка қуйидагилар расмийлаштирилади:**

белгиланган илмий мақолаларига эга бўлганлар.

**41. Мустақил изланувчиликка талабгор қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан илмий ташкилот ёки таълим муассасасига Ягона электрон тизим орқали мурожаат қилади:**

...

илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхаси.

**53. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун изланувчилар фаолияти самарадорлигининг мониторинги қуйидаги мезонлар бўйича амалга оширилади:**

**а) ўқишнинг биринчи йилида:**

тегишли журналларда диссертация мавзуси бўйича **камида битта илмий мақоланинг** чоп этилганлиги;

**б) ўқишнинг иккинчи йилида:**

тегишли журналларда диссертация мавзуси бўйича ҳисобот даврида чоп этилган **камида битта илмий мақоланинг** мавжудлиги;

диссертация мавзуси бўйича ҳисобот даврида илмий конференция материалларида **камида битта чоп этилган маъруза тезисининг** мавжудлиги;

тегишли **хорижий журналда** диссертация мавзуси бўйича **камида битта чоп этилган илмий мақола** мавжудлиги;

**в) ўқишнинг учинчи йилида:**

журналларда, шу жумладан, хорижий журналларда сони белгиланган талабларга мувофиқ чоп этилган **илмий мақолалари** мавжудлиги.

**54. Фан доктори (DSc) илмий даражаси учун изланувчилар фаолиятининг самарадорлиги мониторинги қуйидаги мезонлар бўйича амалга оширилади:**

**а) ўқишнинг биринчи йилида:**

...

диссертация мавзуси бўйича тегишли журналларда **камида** учта илмий мақола чоп этилганлиги;

диссертация мавзуси бўйича республика ва халқаро илмий конференциялар материалларида **камида битта маъруза тезиси** чоп этилганлиги;

диссертация мавзуси бўйича илмий конференция ёки семинарда маъруза қилиш;

диссертация мавзуси бўйича таҳлилий шарҳ;

диссертация мавзуси бўйича таҳлилий шарҳ натижалари бўйича семинарда сўзга чиқиш;

**б) ўқишнинг иккинчи йилида:**

тегишли журналларда диссертация мавзуси бўйича ҳисобот даврида чоп этилган камида тўртта илмий мақола эълон қилинганлиги (жумладан, биттаси хорижда);

диссертация мавзуси бўйича халқаро ва республика илмий конференциялар материалларида чоп этилган **камида битта маъруза тезисининг** мавжудлиги;

конференция ёки семинарда **маъруза билан қатнашиш** (камида бир марта);

**в) ўқишнинг учинчи йилида:**

тегишли журналларда диссертация мавзуси бўйича ҳисобот даврида чоп этилган **камида учта илмий мақола эълон** қилинганлиги;

диссертация натижалари бўйича (ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича) чоп этилган монографиянинг мавжудлиги.<sup>33</sup>

Илмий ишларни чоп эттиришдан олдин, одатда, мустақил мутахассислар томонидан амалга ошириладиган илмий тақризлаш жараёни туради. Яна шуни таъкидлашимиз керакки, илгари кўпчилик илмий ишлар қоғозда чоп эттирилган бўлса, ҳозирги даврда илмий нашрларнинг катта қисми электрон шаклда чоп этилмоқда.

Илмий ишларнинг аҳамияти шундаки, улар илм-фаннинг ҳолатини акс эттиради ва **илмий алоқа** воситаси бўлиб хизмат қилади.

## АСОСИЙ ҚОИДАЛАР #2

**Илмий алоқа** – илмий жамоатчилик ва ундан ташқарида, яъни жамиятда илмий ғояларнинг ҳаракатланиш жараёнлари ва механизмлари.

Илмий алоқани иккита босқичга ажратишади: ички ва ташқи. Ички илмий алоқа босқичида унинг субъектлари сифатида илмий жамоатчилик доирасида олимлар намоён бўлишади. Ташқи босқичда илмий жамоатчилик билан катта аудиториянинг ўзаро алоқаси намоён бўлади. Бу илмий билишни оммавий онга айлантириш, яъни илмни оммалаштириш босқичи ҳисобланади.

<sup>33</sup> Хужжат матни <https://lex.uz/docs/3213407> да мавжуд.

Ҳозирги вақтда илмий жамоатчиликни тадқиқот натижаларининг тўлиқ алмашувисиз, мунозараларсиз, замонавий илм-фан ривожланишининг долзарб масалаларини муҳокама қилмасдан тасаввур қилиш қийин.

### МАЪЛУМОТ УЧУН:



XVII асрдан бошлаб Европада шахсий алоқаларга асосланган ва шахсий учрашувлар ва хат алмашувлари орқали амалга оширилган илмий жамоатчилик амалиёти шаклланди. Бу амалиёт тарихга «Кўринмас коллежлар» (терминни 1646 йилда Роберт Бойль киритган) ёки «Хатлар республикаси» (биринчи марта 1684 йилда П.Бейл томонидан ишлатилган), кейинчалик «Олимлар республикаси» (М.Мерсенн, илмий ахборотнинг экрин тарқатувчиси, турли мамлакатдан 78 та мухбир билан қилинган илмий ёзишмаларнинг ташкилотчиси) номлари билан кирган Европадаги юқори маълумотли одамларнинг илмий жамоатчилик фаолияти бўлган.

Илмий нашрларнинг сони ва сифати илмий ташкилотлар, муаллифлар ва илмий журналлар самарадорлигининг муҳим мезони бўлган **чоп эттириш фаоллигининг** даражасини белгилаб беради.

### АСОСИЙ ҚОИДАЛАР #3

**Чоп эттириш фаоллиги** – муаллиф, жамоанинг илмий ишларни чоп эттириш кўринишидаги илмий тадқиқотчилик фаолиятининг натижаси. Чоп этилган илмий ишларнинг сони, «иқтибослар индекси» (ҳар бир чоп этилган илмий ишга ҳавола берилганлиги бўйича), илмий ишлар чоп этиладиган импакт-фактор журнали кўрсаткичлари бўйича чоп эттириш фаоллиги баҳоланади.

Чоп эттириш фаоллиги ва ҳаволалар индекси илмий ғояларнинг келгусида тарқалиши ва уларнинг илмий жамоатчилик, шунингдек, олимларнинг академик карьераси томонидан тан олинишига боғлиқ.

## 2.2. ИЛМИЙ МАҚОЛА ИЛМИЙ НАШРЛАРНИНГ АСОСИЙ ТУРИ СИФАТИДА

*Олимнинг ва ёзувчининг ҳаётидаги асосий биографик  
фактлар китоблар, муҳим воқеалар фиклардир.  
Василий Ключевский, рус тарихчиси*

Илмий тадқиқот доирасида докторант ёки мустақил изланувчи ОАК тавсия қилган илмий журналларда бир қатор илмий мақола-ларни чоп эттириши керак бўлади. Илмий мақолани чоп эттириш учун докторант/мустақил изланувчи диссертациянинг асосий ил-мий натижаларини чор эттириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашриётлар рўйхати билан танишиб чиқиши зарур.<sup>34</sup> Ушбу рўй-хатда докторантлар/мутсақил изланувчилар ўзларининг илмий мақолаларини эълон қилишлари мумкин бўлган миллий ва хори-жий илмий журналлар кўрсатилган.

Илмий мақола ҳақиқий муаллифлик асари бўлиб, унда олиб борилган илмий тадқиқотлар тавсифи амалга оширилади. Бу илмий давомийлик доирасида муаллифнинг аниқ муаммоларни ва уларни ҳал қилиш йўлларини асослантиришни тушуниши ва изоҳидир.

### АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР #4

**Илмий мақола** – аниқ муаммога бағишланган, тугалланган ва мантиқий бутун асар.

Илмий мақола диссертация тадқиқоти (магистрлик, номзод-лик, докторлик) доирасида ёки алоҳида тайёрланиши мумкин.

<sup>34</sup> Асосий илмий натижаларни жорий қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашрларнинг Рўйхати. Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан тасдиқланган. – Тошкент, 2019. – 160 б.

«Илмий мақолалар ҳимояга киритилган илмий қоидаларнинг апробацияси функциясини бажариши керак. Айнан уларни аниқлаштириш илмий мақоланинг вазифаси ҳисобланади».<sup>35</sup>

## МАЪЛУМОТ УЧУН



Илмий мақола XIX асрда илмий адабиётнинг жанри сифатида жорий қилинган. Унгача илмий хатлар (аниқ мақсадли), нашрлар (қасидалар, поэмалар) қўринишда тарқалган.<sup>36</sup>

Илмий мақоланинг муҳим хусусияти – кўриб чиқиладиган материалнинг янгилиги, гипотезаларнинг асосланганлиги, хулосаларнинг холислиги, етказиб беришнинг аниқлиги.

**Тадқиқот мавзуси ва услубига қараб нашр этилган илмий мақолаларнинг бир неча турлари мавжуд:**

**Илмий-назарий мақолалар** – аниқ соҳадаги мавжуд шаклда тақдим этиладиган илмий ишланмалар. Мазкур мақолаларнинг қиймати катта – унда муаллиф умумий қонуниятларни таҳлил қилади ва уларнинг сабабларини тушунтириб беради.

**Илмий-амалий мақолалар** – экспериментал тадқиқотларнинг наشري, бундай ишларда олинган тажрибалар тақдим этилади ва уларнинг аҳамияти очиб берилади.

**Кузатув тадқиқотлари** – тадқиқ қилинадиган масала бўйича турли олимларнинг фикри бериладиган ва муаллиф ўзининг фикрини тақдим этадиган умумлаштирувчи маълумотнома.

<sup>35</sup> Чистяков В.В., Ястребова Е.В. Еще раз о критериях к статьям, публикуемым в журналах, рекомендованных ВАК РФ // Бизнес в законе. 2008. №3. – С.12 – 14.

<sup>36</sup> Рощина Н.В. Научная периодика сегодня: виды статей, цели публикаций и мотивации авторов // Вестник УГТУ–УПИ. 2010. №3. – С.136.

## 2.3. ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА МАЗМУНИ

**Илмий мақола бу – аниқ тузилган материал.** Илмий мақоланинг тузилиши умумқабул қилинган характер касб этади. Одатда, у ўз ичига қуйидагиларни олади:

- **сарлавҳа (номи)** – муаллиф томонидан олиб борилаётган тадқиқотнинг умумий моҳиятини қисқача ифодаловчи қисм. Мақоланинг номи қисқа ва тушунарли бўлиши керак. Жуда кўп сўзларни ишлатишдан қочиш лозим. Сарлавҳа мақоланинг мазмунини акс эттириши, айти пайтда, жозибали, эътиборни тортадиган бўлиши даркор. Бу ҳозирда маълумот оқими жуда катталиги туфайли муҳимдир. Нотўғри сарлавҳа боис муҳим ва керакли мақола эътибордан четда қолиши мумкин. Дастлабки босқичда сиз «ички ном»дан фойдаланишингиз мумкин. Мақола бўйича ишларни тугатгач, унга ном қўйиш анча осон бўлади.
- **мақоланинг муаллифи ҳақида маълумотлар**, одатда, исм, фамилия ва отасининг исми, илмий унвони, илмий даражасини, иш / ўқиш жойини, алоқа учун маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Муаллифларнинг сони чекланмаган. Одатда (илмий этика қоида-дасига кўра), рўйхатнинг бошида турган муаллиф мақолада баён қилинган ишнинг қатта қисмини бажарган бўлади. Етакчи муаллиф рўйхат бошида тўғри жойлаштирилиши зарур. Агар муаллифлар мақолага бир ҳил ҳисса қўшишган бўлса, унда уларнинг фамилиялари алифбо тартибида жойлаштирилиши лозим.

- **аннотация (резюме)** – асосий тадқиқ қилинаётган муаммонинг, фойдаланилган усуллар ва ишдаги хулосаларнинг қисқача мазмуни. Аннотация – мақоланинг қисқартирилган шакли эмас, белгиланган қоидаларга мувофиқ ёзилиши керак бўлган матннинг алоҳида тури. Аввал ҳам айтиб ўтилганидек, аннотация мақоланинг кенгайтирилган номи вази-фасини бажаради ва ишнинг мазмуни ҳақида сўзлайди. Умуман олганда, аннотация (резюме) ўзида тадқиқотнинг асосий мақсадлари ва ҳажмини кўрсатиши, фойдаланилган методологияни баён қилиши, асосий хулосаларни ифода-лаши керак. Ёмон ёзилган аннотация яхши мақола ҳақидаги тасаввурни бузиб юборади. Аннотация мақола хулосалари-

нинг нухаси эмас. Аннотация энг охирида – мақоланинг тўлиқ матни ёзиб бўлинганидан кейин ёзилади. Аннотацияни ёзишда «Минимум сўзлар, максимум мазмун» қоидасига амал қилиш керак. Одатда, унинг ҳажми 100 – 300 сўздан иборат бўлади.

- **калит сўзлар** – илмий базадаги материалларни излаш жараёнини осонлаштирадиган, объект, илмий соҳа ва тадқиқот усуллари нуқтаи назаридан матн мазмунини ифодаловчи сўз ва иборалар тўплами. Калит сўзларнинг тавсия қилинган миқдори 5 – 7 та. Мақола мавзуси бўйича адабиётларни умумлаштириш вақтида кейинчалик улардан калит сўзларни шакллантириш мумкин бўлган глоссарийни тузиш тавсия этилади. Калит сўзлар нафақат она тилида, балки инглиз тилида ҳам бўлиши керак. Терминларни таржима қилишга диққат билан ёндашиш керак бўлади.
- **асосий матн** кириш, асосий қисм ва хулосадан иборат бўлади.

**Кириш** ўқувчига ўрганилаётган муаммонинг долзарблигини кўрсатиши керак. У ўқувчини ишнинг мазмунини тушуниб олишига ва мақоланинг зарурлигини асослашга хизмат қилиши лозим. Киришни чўзиб юбормаслик шарт, акс ҳолда, асосий қисм ёки хулоса гижимланган бўлиб қолади. Матннинг ҳажмига қараб кириш икки хатбошидан бир саҳифагача жойни эгаллаши мумкин.

**Асосий қисмда** мавзу очиб берилади ва муаммо ҳал қилинади (ёки бу назарда тутилмаса, баён қилинади). Матнни ҳажмига кўра тенг бўлган қисмларга бўлиш ҳам мумкин. Матнни хатбошиларга бўлиш керак, бу маълумотни қабул қилишни енгиллаштиради. Бу моҳиятан ўқишни ва чоп қилинган ғояларни аудиторияга етказишни анча осонлаштиради.

**Муаммони қўйиш** мақолада турли усуллар билан амалга оширилади. Юридик масалалар бўйича мақолаларда муаммо ҳуқуқни қўллаш амалиётида мавжуд қонунчиликда келиб чиқаётган қийинчиликлар, ҳуқуқ илмидаги бўшлиқлар ёки давлат ва жамият олдидаги янги сиёсий-ҳуқуқий вазифаларнинг кўриниши бўлиши мумкин.

Мақолаларнинг «ядро»сини, асосини ўрганилаётган масалада **муаллифнинг шахсий қараши** эгаллайди. Мақолаларнинг қийматини мавжуд билимларнинг оддий тўплами эмас, балки муаллиф томонидан шакллантирилган янги қоидалар, хулосалар оширади, уни шунга ўхшаш барча илмий мақолалардан ажратиб туради. Мақолаларнинг муҳим қисмини муаллифга ўзининг қои-

даларини, хулосаларини асослашга ёрдам берадиган аргументлар эгаллайди.

Мақолани **хулосаларни шакллантириш** билан тугатиш керак. Ишнинг бўлғуси тадқиқотлар учун қандай аҳамиятга эгаллигини аниқлаштириш муҳимдир. Хулосалар қисқа бўлиши ва матнда ҳали айтиб ўтилмаган янги маълумотни ўз ичига олмаслиги керак. Хулосалар мантиқан юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқиши зарур.

- **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (библиография).** Библиография танланган журнал ёки илмий нашр томонидан белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда келтирилади. Чунки турли хил халқаро тан олинган стандартлар мавжуд бўлиб, улар тадқиқотчи томонидан эътиборга олиниши керак. Тажрибали муштарий фойдаланилган адабиётлар рўйхатига қарайди ва муаллифнинг тадқиқот мавзуси бўйича манбалар ҳақидаги билимини баҳолайди. Илмий мақолада сўнгги йиллар мобайнида чоп этилган ишларга ҳавола бериш ҳам мумкин.
- **қўшимча иловалар** – қисқартмалар, иллюстрациялар, жадваллар, графиклар ва шу кабилар рўйхати.

#### ИЛМИЙ МАҚОЛАНING ЭНГ КЕНГ ТАРҚАЛГАН СХЕМАСИ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР

номи;  
муаллифларнинг номи;  
аннотация;  
калит сўзлар;  
кириш;  
муаммони қўйиш;  
муаллифнинг муаммони ҳал қилиш ҳақидаги қарашлари;  
муаллиф қарор қилган фикрларни тасдиқловчи далиллар;  
муаллиф қарорининг илмий ёки амалий аҳамияти тўғрисида хулоса;  
фойдаланилган адабиётлар рўйхати (библиография)

**Мақола ўзининг предмети сифатида юридик фан ва/ёки амалиёт бўйича битта масалага эга бўлади.** Мақола ҳажмининг чекланганлиги тадқиқ қилинаётган предметни монографияга хос бўлган ҳар томонлама, комплекс кўриб чиқиш имконини бермайди. Бироқ бу мақоланинг илмий қийматини пасайтирмай-

ди. Аксинча, у бошқа нашрларга, шу жумладан, монографияга нисбатан маълум афзалликларга эга. Хусусан, мақола янги фикр ва ғояни тезда нашр этиш имконини беради.

Ҳуқуқ соҳасидаги илмий мақолаларда, одатда, қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига шарҳ берилади, ҳуқуқий ва бошқа ҳодисаларни статистик кузатиш натижалари келтирилади. Кўп ҳолларда илмий мақолаларни ёзиш диссертация ишлари (докторлик, номзодлик, магистрлик) асосига қурилади. Бу қандайдир тушунчани асослантириш (масалан, ҳуқуқий муносабатлар, юридик жавобгарлик, ҳуқуқий макон), аниқ бир долзарб муаммога муаллифнинг қараши, қонун ижодкорлиги ёки ҳуқуқни қўллаш амалиётини келажакда такомиллаштиришни талаб қилувчи алоҳида масала бўлиши мумкин.

Мақолани ёзишда умумқабул қилинган қолиплардан шаблон иборалар, яъни барқарор иборалар, сўзлар мавжуд бўлиб, улар матндаги мазмуннинг алоҳида кўринишларини фарқлашга, муаллиф фикрига эргашишга ёрдам беради. Ғоя қийин бўлиши мумкин, лекин ғояни шакллантириб олиш ва уни етказиш учун матн ёзиш қийин эмас. Шу сабабли ўзининг ёзиш стилини ривожлантириш муҳим ҳисобланади.

## ИЛМИЙ МАҚОЛАДА ҒОЙДАЛЕНИШ МУМКИН БЎЛГАН ЖУМЛАЛАР

### 1-маъновий блок – Кириш

Мавзунинг долзарблиги	Ҳозирги вақтда... энг долзарб бўлган муаммолардан бири... ҳисобланади ...масалалар катта аҳамиятга эга. ...масала муҳим аҳамият касб этади. Мавзунинг аҳамияти ... билан аниқланади. Сўнги йилларда тадқиқотчиларнинг диққат-этиборини тортаётган муаммолар орасида ... ... тўғрисида муаммо қатта аҳамиятга эга бўлди. ...муаммога қизиқиш ... билан ифодаланади. бугунги кунда ишимиз мавзусининг долзарблиги... Замонавий дунёда... муҳим аҳамиятга эга.... шу сабабдан ... Сўнги йилларда ... сўзини кўп бора эшитяпмиз ва ишлятяпмиз Кўпчилик ... қизиқади/ўйлайди/ўрганади/тадқиқ қилади/ ечим беради Бугунги кунда ... муаммоси энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади, сабаби...
-----------------------	---

Сўнги йилларда ... масаласи тадқиқотларнинг диққат марка-  
зида турибди  
Мавзу ... жонли мунозаралар предмети ҳисобланади  
Маълумки, ... бизнинг соғлигимизга/кайфиятимизга/омади-  
мизга таъсир қилади  
... муаммо ... сабабли олимлар ва жамиятнинг эътиборини  
тортмоқда  
Сўнги вақтларда ... пайдо бўлди ва одамлар ... устида бош  
қотирмоқдалар  
Шубҳасиз, ҳар бир киши умрида ҳеч бўлмаса, бир марта кўпчи-  
лик одамларда савол туғдирган... ҳақида ўйлаб кўрган бўларди.  
Бугунги кунда ... масалада иккита бир-бирига қарама-қарши  
қарашлар бор  
Бугунги кунда ... борасида баҳс-мунозалар кетмоқда/ягона  
фикр йўқ

Муаммога  
ечимини бериш  
пайтида кўп  
ишлатила-диган  
вариантлар

Маълумки, ...  
... каби усуллар маълум  
Кенг қўллаш орқали ... эришилди.  
... масаласида кўпгина илмий ишлар чоп этилган (1 – 15)  
...масалага илмий ишларда катта ўрин ажратилган (5 – 9)  
Сўнги йилларда мазкур масалага ... каби ишларда катта эъти-  
бор қаратилган (14 – 18)  
...муаммо бир қатор монографияларда (9 – 11), мақолаларда  
(12 – 18), диссертацияларда (3 – 5) ўз ечимини топган.

Ечим беришда  
афзаллигини  
кўрсатиб бе-  
радиган кўп  
ишлатила-диган  
вариантлар

Методда (19) таклиф қилинган ечим ...ни ошириб, ...ни барта-  
раф қилиб, ...дан фарқ қилади.  
Монографияда (7) баён қилинган ёндашувнинг афзалликлари  
қаторига ....ларни киритиш мумкин  
Олим Х. томонидан таклиф қилинган усулнинг устунлиги ....  
Монография (3) муаллифлари жамоаси томонидан ... концеп-  
цияси ...га имконият очиб беради

Берилаётган  
ечимнинг кам-  
чиликлари

... бўйича маълум усулларнинг камчилиги ...  
...дан фойдаланиш жиддий қийинчиликларга олиб келади  
... юқори иш ҳажми имконини бермайди  
Бироқ, ...га қарамасдан, .... тўсиқлар мавжуд.  
Афзалликлар билан бир қаторда ишнинг муаллифлари (8) томо-  
нидан таклиф қилинган ёндашув қуйидаги камчиликларга эга.  
Шунга қарамай, таклиф қилинган ечим ... имконини бермайди.  
Бироқ ... тўғрисидаги масалани ҳал қилишга бўлган ёндашув  
...га жавоб бермайди, ... имкониятларини торайтириб юборади.  
...усулига берилган таклиф (17) ... ни кескин равишда чеклаб  
юборади.

<p>Мақсад қўйиш</p>	<p>Мазкур мақоланинг мақсади... Мазкур илмий ишнинг мақсади ...дир. Ушбу ишнинг мақсади ...да ифодаланади. Мазкур нашрнинг вазифаларига ...га киради. Ушбу иш ... мақсадига эга. Тадқиқотнинг асосий вазифалари қаторига ... киради Мақоланинг асосий мақсади - ... Мақоланинг мақсади ...ни аниқлаш, чунки... Мақоланинг асосий мақсади ...саволига жавоб бериш ...ни иботлашдир</p>
<p>Вазифалар</p>	<p>Олдинга қўйилган мақсадларга эришишимиз учун қуйидаги вазифаларни бажаришимиз керак: Бу мақсадга эришишимиз учун олдимизга қуйидаги мақсад- ларни қўямиз: Ишнинг вазифалари: Ишнинг вазифаларига қуйидалилар киради: Мавзу бўйича адабиётларни ўрганиш ... атамаларнинг маъносини ўрганиш ...га мисоллар топиш/ материал тўплаш/ ...таркибини ўрга- ниш/ ... даражасини ўлчаш Сўров/ тажриба/ кузатиш ўтказиш Олинган натижаларни таққослаш/ солиштириш ... ҳақида хулосалар чиқариш</p>

**2-маъновий блок – Асосий қисм**

<p>Ечимнинг таклиф этилаётган варианти ёки кўриб чиқиш предметининг тавсифи</p>	<p>Таклиф қилинаётган шакл ...га асосланади ... метод таклиф қилинади Қуйида ...методлардан бири таклиф этилади Таклиф қилинаётган ёндашув ...га асосланади</p>
<p>Муаммони ҳал қилишга таклиф этилаётган ва- риантнинг ўзига хослиги</p>	<p>Таклиф қилинаётган усулнинг ўзига хослиги ...да кўринади Ўзига хослиги шундаки... Биз томондан таклиф қилинаётган методнинг фарқли жиҳати ...да ифодаланади Биз таклиф қилаётган методнинг ўзига хос фарқли жиҳати... Таклиф қилинаётган ёндашувнинг янгилиги ...да кўринади Биз томондан таклиф қилинаётган моделнинг асосий фарқи ва янгилиги ... Бугунги кунда ...га бағишланган ишлар мавжуд Бироқ биз ушбу мавзуни ... мисолида ўрганишга қарор қил- дик, унда тадқиқотнинг янгилиги ифодаланади.</p>

Тадқиқотнинг методи	<p>Ушбу ишда ... методидан фойдаланилади. Тадқиқотда ... каби комплекс методлардан фойдаланилган ...учун ... интервьюсидан фойдаланилди. Кузатиш ва синовдан ўтказиб кўриш биргаликда ...имокинин беради. Ушбу методлардан фойдаланиш ... имконини беради Мазкур илмий тадқиқот ишини амалга оширишишни таъминловчи методлар жумласига ... киради. ...методикасидан фойдаланилди. ... метод ...га асосланган.</p>
Мисоллар	<p>Масалан, ... ... мисолига қараймиз ... мисол келтирамиз Мазкур мисол шуни тасдиқлайдики... Мазкур мисол ... дейишга асос бўлади...</p>
Ахборотни визуал тарзда тақдим этиш	<p>...расмга қаранг: ...жадвал (график, схема)га қаранг. 1-расмда яққол кўриниб турибдики... 6-жадвалда келтирилган маълумотлар ...ни тасдиқлайди График ...га боғлиқликни кўрсатиб турибди Схемада ... яққол ифодаланган.</p>

### 3-маъновий блок – Хулоса

Натижалар	<p>Натижалар куйидагиларни кўрсатмоқда. Олинган натижалардан кўриниб турибдики... Тадқиқотнинг асосий натижалари куйидагиларда кўринади Ўтказилган таҳлилнинг асосий натижаси сифатида ...ни ҳисоблаш керак. Олинган натижалар ...ни тасдиқлашга имкон беради.</p>
-----------	--

Хулосалар	<p>Демак, хулоса қилиш мумкинки ... Ўтказилган тадқиқот ...тўғрисида хулоса қилишга имкон беради. Демак, хулоса қилиб куйидагиларга эътибор қаратишимиз мумкин. Юқоридаги мулоҳаларни умумлаштириб айтишимиз мумкинки, ... Таҳлилимыздан хулоса қилиб, ...ни белгилашимиз керак. Барча айтиб ўтилганлардан ... ҳақида хулоса қилишимиз мумкин. Шундай қилиб, хулоса қилишимиз мумкинки, ... Натижада ... деган хулосага келамиз. ... иш ... деган хулосага келишимизга имкон беради.</p>
-----------	--

<p>Таклиф этилаётган ечимнинг устунлик-лари</p>	<p>Бу усул ...да афзалликка эга. Шунинг учун ...да афзаллик бор. Таҳлил ... методининг афзаллигини кўрсатди. Таклиф қилинаётган усул ...ни ошириш, ...ни камайтиришни тезлаштириш имконини беради.</p>
<p>Тавсиялар</p>	<p>Тизимни ... учун тавсия қилиш мумкин. Ушбу метод ... учун тавсия қилиш мумкин. Муаммони келажакда ўрганиш истиқболларини ...ни чуқурроқ ўрганишда кўрамиз. Истиқболда қизиқ бўлардики... Назаримизда ...ни ўрганиш/тадқиқ қилиш/ кўриб чиқиш яхши бўларди. Мазкур ишда кўриб чиқилган ...лардан ташқари, фикримизча, ... ўрганилса мақсадга мувофиқ бўларди Мазкур иш муаммонинг фақат битта томонини кўриб чиқади. Мазкур йўналишдаги тадиқотлар яна давом эттирилиши мумкин. Адабиётларнинг назарий таҳлили шуни кўрсатадики, муаммо етарли кенг ўрганиб чиқилган. Айни вақтда, ...га оид бир қатор комплекс (услубий) масалалар ҳалигача яхши ўрганилмаган. Ушбу масалаларга, биринчи навбатда, ...ларни киритишимиз мумкин. ... бўйича деярли ҳеч қандай тадқиқот ишлари мавжуд эмас ... бўйича атиги битта (бир нечта) ишлар мавжуд Юқорида келтирилган ишларда ... зарурлиги масаласи кўриб чиқил(ма)ган. Адабиётларнинг назарий таҳлили қуйидаги масалаларни ишлаб чиқишнинг истиқболдаги йўналишини ажратиб беради: Келтириб ўтилган тадқиқот ишлари ...га ўзининг катта ҳиссасини қўшган, бироқ ... муаммоси ҳалигача долзарблигича қолмоқда. Номлари келтирилган тадқиқотчиларнинг ишлари кўплаб муамоларни ҳал қилмайди, муаммоларнинг аҳамияти ... билан боғлиқ равишда ошди. Шу тарзда, ... муаммосини ишлаб чиқишга бағишланган тадқиқотнинг ретроспектив таҳлили қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради: ...ни тушунишда ахборот технологиялари / математика / физика / информатика / ... ҳақидаги фан ва амалиёт жуда қийин йўлни босиб ўтди. Аждодларимиз томонидан қилинган ишларга ҳурмат бажо келтирар эканмиз, бироқ ўйлаймизки .... Турли хил манбаларни ўрганиш натижасида ... деган хулосага келдик. Ўрганиш натижасида олинган материалларни таҳлил қилиб, ... қуйидаги хулосага келдик.</p>

## ИЛМИЙ МАҚОЛАНИ ТАЙЁРЛАШ БОСҚИЧЛАРИ

Илмий ишларни чоп эттириш – маълум қоидаларга амал қилган ҳолда амалга ошириладиган босқич. Мақолани ёзишга тайёргарлик **ишнинг мақсади** ҳақидаги саволга жавоб беришдан бошланади.

Мақола **мавзусини танлаш** жуда муҳим. Мавзуни танлаш вақтида муаллиф масала олдинги олимлар томонидан қанчалик ўрганилганини тушуниб олиши керак. Шу сабабли танланган мавзуга алоқадор асосий адабиётлар билан танишиб чиқиш даркор. **Мақолага ном танлаш** масъулияти мақолага ўзининг фикларини киритишдан кам эмас. Тўғри танланган ном савияли ўқувчиларни тадқиқот ишига жалб қилади. Бунда ёрқин сарлавҳалардан, жаргонлардан фойдаланиш ноўрин ва бадиий услубда ёзиш тавсия этилмайди.

### ИЛМИЙ МАҚОЛАНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР

1. Мақолани қуриш учун батафсил режа тузинг.
2. Мавзу бўйича маълумот тўпланг ва диққат билан таҳлил қилинг.
3. Мақоланинг номи устида ишланг.
4. Мақолага кириш ёзинг ва унда ишни ёзишнинг зарурияти ва унинг асосий йўналишларини белгиланг.
5. Мақоланинг асосий қисмида тадқиқотнинг методикаси, олинган натижаларни ёзинг ва уларга тушунтириш беринг.
6. Адабиётлар рўйхатини тузинг.
7. Хулосалар қилинг.
8. Ишни таҳрирлаб чиқинг.
9. Фойдали бўлмаган маълумотларни қисқартиринг, ортиқча сўзларни, тушунарсиз сўзларни ва ноаниқликларни олиб ташланг.

Мақоланинг сифатига таъсир қиладиган энг муҳим ишлардан бири – мақолани ёзиш учун керакли ахборотни излаш. Бошланишига сизга иккита муҳим маслаҳатни беришни маъқул деб ҳисоблаймиз:

1. Эски тадқиқотлардан кўра бугунги кунда долзарб бўлган тадқиқотлардан фойдаланинг.
2. Рус тилидан кўра инглиз тилидаги манбаларнинг долзарблиги юқори бўлади.

Керакли адабиётларни исталган кутубхонада ёки электрон қидирув тизимлари орқали топиш мумкин. Маълумотлар базалааридаги илмий мақолаларга киришга рухсатни олиш учун регистрация ва авторизациядан ўтинг ва ўзингизнинг профилингизни очинг. Бу нафақат мазкур тизимларда жойлаштирилган илмий нашрлардан фойдаланиш, балки уларда мақолаларни жойлаштириш ва ушбу мақолаларга иқтибослар берилганлик даражасини кузатиш имконини беради.

## **МАЪЛУМОТ УЧУН: НИСБАТАН ОЧИҚ ВА КЎП ИШЛАТИЛАДИГАН ҚИДИРУВ ТИЗИМЛАРИ**

### **«КиберЛенинка»**

<https://cyberleninka.ru/>

Рунетдаги энг машҳур таълим сайтларидан бири. Тизим ўз дастури асосида қурилган бўлиб, унинг вазифаси, умуман, фанни, хусусан, илмий фаолиятни оммалаштиришдир.

Каталогда асосий фанлар берилган бўлиб, у РФ ОАК ва Россия илмий иқтибослари индекси (РИНЦ) томонидан индексланган илмий ишлар билан мунтазам тўлдириб борилади. Мақолаларнинг катта қисми рус тилида. Фойдаланиш бепул ва рўйхатдан ўтиш керак.

### **«eLibrary»**

<https://elibrary.ru/>

Бу ерда ОАК ва РИНЦ журналларидаги мақолалар мунтазам жойлаб борилади. Янгиликлар блогига ҳар доим индекслашнинг тугаши ҳақидаги сўнги янгиликлар жойлаб борилади. Мақолаларнинг катта қисмини кўриш бепул, лекин аввал рўйхатдан ўтиш керак.

Алоҳида мақолаларни кўриш учун ташкилотнинг ёки ўқув муассасининг махсус паролини олиш талаб этилади. Баъзи университетларда талабалар ва уларнинг илмий раҳбарлари томонидан ушбу сайтда илмий материалларини эълон қилиш ўқув кафедралари ва барча олий таълим муассасаларини лицензиялашда мажбурий босқич ҳисобланади.

### **«Scholar.ru»**

<http://www.scholar.ru/>

Керакли журнални излаш, оддий ва кенгайтирилган режимдан бепул фойдаланиш мумкин бўлган илмий нашрларнинг Россия электрон базаси. Сайт исталган мақола, тадқиқот иши ва монографияни индекслайди. Фойдаланиш учун сайтдан рўйхатдан ўтиш талаб этилади.

### «Онлайн университет кутубхонаси» ЭКТ»

[http://biblioclub.ru/index.php?page=book\\_blocks&view=main\\_ub](http://biblioclub.ru/index.php?page=book_blocks&view=main_ub)

Университетнинг электрон кутубхона тизими ўқув муассасалари талабалари учун бошланғич манбаларга бепул киришни тақдим этади. Журналлар, маълумотлар базалари орқали маълумотномалар, луғатлар, энциклопедиялар, шунингдек, аудио ва видео материаллардан фойданиш мумкин.

### «Россия давлат кутубхонаси»

<https://www.rsl.ru/>

Илмий сайт ўзининг каталогда турли соҳаларни ўрганиш учун кўплаб фойдали ахборотларни билиш мақсадида яқин орада қидирувнинг янгиланган алгоритмини жорий қилди. Онлайн тартибда ўқиш мумкин бўлган катта ҳажмдаги муаллифлик мақолалари ва илмий ишлардан эркин фойдаланиш мумкин.

Керакли нашрни топиш учун қидирувга калит сўзларни киритиш керак, масалан, муаллифнинг Ф.И.Ш. ёки мақоланинг аниқ номини. Афсуски, барча нашрлар ҳам электрон шаклга ўтказилмаган. Бундан ташқари, Москвадаги кутубхоналарнинг биносида айрим адабиётларнинг асл нусхасини уйга олиб кетишга рухсат берилмайди.

### «Индикатор»

<https://indicator.ru/>

Россия ва дунёдаги илм-фан ҳақида рус тилидаги халқаро лойиҳа. Мақолалар каталоги орқали портал мавзулар бўйича янгиликлар билан фаол равишда тўлдириб борилади. Рақамли энциклопедия мунозара клубларининг натижалари ва илмий фаолият ютуқлари жойлаштириб бориладиган теглар бўйича бўлиб чиқилган.

### «Google академияси»

<https://scholar.google.com/>

Бу «эркин фойдаланиш» режимдаги қизиқарли ишларни топиш, кўриш ва аниқлаш мумкин бўлган илмий мутахассисларнинг ўзига хос платформасидир. Бунда сизга яхши ишлаб чиқилган қидирув алгоритми ёрдам беради. Шунчаки фаол Google-аккаунт орқали ишларни иш столига олиш ёки аксинча ўзингизникини базага юклашингиз ва эълон қилишингиз мумкин.

### «ScienceResearch»

<https://www.scienceresearch.com/scienceresearch/desktop/en/search.html>

Тўлов асосида чет эл олимларининг ишларини излаш мумкин бўлган инглиз тилидаги сервис. Сервис библиографик тавсифни тақдим этади.

Шуни ёдда тутингки, мақолани расмийлаштириш ишни чоп қилмоқчи бўлган журнал ёки мақолалар тўпламига мувофиқ бўлиши керак. Баъзи тадқиқотчилар журнални танлаш, унинг мазмунини, услубини, мавзусини ва талабларини ўрганиб, кейин мазкур журнал талабларига мувофиқ мақолани ёзишни бошлашни тавсия қилишади. Чунки бу мақолани расмийлаштириш ва мақолани ёзиб бўлгандан кейин журнал топиш учун вақтни тежайди.

## 2.4. ИЛМИЙ ЖУРНАЛЛАРДА ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАРНИ ЧОП ЭТИШ

Мақола ёзиб бўлинганидан кейин уни чоп эттириш босқичи бошланади. Бу пайтда муаллиф олдида ўз мақоласини қайси журналда чоп эттириш керак деган савол туғилади.

**Илмий мақолалар қуйидагиларда чоп этилиши мумкин:**

- *ОАК журналларида, агар у диссертация ишини ҳимояга тайёрлаш босқичининг бир қисми бўлса;*
- *бошқа машҳур ва нуфузли босма нашрларда;*
- *олий таълим муассаларининг сайтларида ёки уларга тегишли бўлган босма нашрларнинг тўпламларида;*
- *Scopus ва Web of Science халқаро платформаларига кирувчи турли интернет сервисларида.*

Диссертация тадқиқотининг натижалари ОАК журнали ёки тўпламида чоп этилиши керак. **ОАК журналидаги илмий мақола – Олий аттестация комиссияси** томонидан белгиланган муайян юқори мезонларга жавоб берадиган нашрлар рўйхати-га киритилган журнал ёки илмий ишлар тўпламидан бирида чоп этилган мақола. Бошқача айтганда, бу ОАК томонидан тан олинган нуфузли илмий мақолалар нашри ёки тўпламидир.

Танланган нашрга мақолани кўриб чиқиш учун юборишдан олдин мақолани ортиқча қайта ишлашларсиз қабул қилиниши учун **расмийлаштириш стандартлари билан**, шунингдек, «Муаллифлар учун Қоидалар» билан **танишиб чиқиш керак**. Энг аввало, тадқиқот ишини чоп эттирмоқчи бўлган нашрнинг сайтига кириш ва мақолани расмийлаштириш қоидаларини диққат билан ўқиб чиқиш лозим.

Шуни ёдда тутингки, айрим нашрлар мақолага **тақриз талаб қилишади**. Бундай ҳолатда ушбу ҳужжатни олиш масаласини ҳал этиш керак бўлади.

Қуйида Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун **ҳуқуқ соҳасида илмий мақолаларни чоп этиш мумкин бўлган илмий журналлар** кўрсатилган<sup>37</sup>:

<sup>37</sup> Диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашрларнинг РЎЙХАТИ. Ўзбекистон Республикаси ОАК раёсатининг қарорлари билан таслиқланган. – Тошкент, 2019. – 160 б.

1. Bola va zamon. Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Sen yolgʻiz emassan» Республика болалар жамоатчилиги жамғармаси.<sup>38</sup>
2. Huquq va burch. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Конституциявий суди, Олий суди.<sup>39</sup>
3. Одил судлов – Правосудие (Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ахборотномаси). Ўзбекистон Республикаси Олий суди.
4. Халқаро муносабатлар. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети.<sup>40</sup>
5. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (ОМБУДСМАН).<sup>41</sup>
6. Жамият ва бошқарув. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.<sup>42</sup>
7. Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази.<sup>43</sup>
8. Қарақалпақ давлат университети хабаршыси Нукус. Қорақалпоқ давлат университети.
9. Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили – Uzbek law review – Обзор законодательства Узбекистана. Тошкент давлат юридик университети.<sup>44</sup>
10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ахборотномаси. Ўзбекистон Республикаси Олий суди.
11. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси.
12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг ахборотномаси. Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси.

<sup>38</sup> Журнал ҳақида батафсил маълумот учун <http://rcsad.uz/info/journal-bola-va-zamon/index.htm> га қаралсин.

<sup>39</sup> Журнал ҳақида батафсил маълумот учун <https://huquqburch.uz/uz/onlajn-urnal/> га қаралсин.

<sup>40</sup> Журнал ҳақида батафсил маълумот учун <https://uwed.uz/uz/journal> га қаралсин.

<sup>41</sup> Журнал ҳақида батафсил маълумот учун <https://nhrc.uz/uz/magazines> га қаралсин.

<sup>42</sup> Журнал ҳақида батафсил маълумот учун <https://dba.uz/jurnal-nashr> га қаралсин.

<sup>43</sup> Журнал ҳақида батафсил маълумот учун <https://ijtimoiyfikr.uz/matbuot-uchun/yangiliklar/izhtimoiy-fikr-inson-uulari-zhurnali.htm> га қаралсин.

<sup>44</sup> Журнал ҳақида батафсил маълумот учун <https://library-tsul.uz/uzbekiston-onunchilik-talili-uzbek-law-review-obzor-zakonodatelstva-uzbekistana-1-2019-jil/> га қаралсин.

13. Фалсафа ва ҳуқуқ. Ўзбекистон Миллий университети.
14. Фуқаролик жамияти – Гражданское общество. Civil society. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, ТДЮУ.
15. Юриспруденция. Тошкент давлат юридик университети.
16. Advokat. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси.
17. Қорақалпоғистон Республикаси олий таълим муассасалари олимларининг илмий тўплами Нукус. Қорақалпоқ давлат университети.
18. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти ахборотномаси.
19. Ҳуқуқий тадқиқотлар / Правовые исследования / Journal of Law Research. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги.<sup>45</sup>
20. Юридик фанлар ахборотномаси – Вестник юридических наук – Review of law sciences Тошкент. Тошкент давлат юридик университети.
21. Odillik mezoni. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши.
22. Odillik mezoni. Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби.<sup>46</sup>

Мазкур рўйхат ОАК томонидан ўзгартирилиши мумкин. Асосий илмий натижаларни чоп этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашрлар рўйхатини ОАКнинг сайти ([www.oak.uz](http://www.oak.uz))да кузатиб бординг.

<sup>45</sup> Журнал ҳақида батафсил маълумот учун <https://www.tadqiqot.uz/> га қаралсин.

<sup>46</sup> Диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашрларнинг РЎЙХАТИ. Ўзбекистон Республикаси ОАК раёсатининг қарорлари билан тасдиқланган. – Тошкент, 2019.

## ОАК ТОМОНИДАН ТАВСИЯ ҚИЛИНГАН МИЛЛИЙ ЖУРНАЛЛАРДА ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАРНИ ЧОП ЭТИШ УЧУН ТАВСИЯЛАР

1. ОАК томонидан тавсия этилган журналларни кўриб чиқинг. Бугунги кунда уларнинг кўпчилиги ўзларининг сайтларига, шунингдек, ижтимоий тармоқларда каналларига эга. Сайтларда, одатда, алоқа учун маълумотлар кўрсатилади. Ўзингизни қизиқтирган маълумотни олиш ёки аниқлаштириш учун қўнғироқ қилишдан тортинманг.
2. Мақолани расмийлаштириш қоидалари ва журнал талаблари билан танишиб чиқинг.
3. Мақолани журнал талабларига мувофиқ расмийлаштиринг. Баъзи журналларнинг сайтларида мақолани расмийлаштиришни енгиллаштириш учун мақоланинг макетлари берилган.
4. Мақолани сайтда кўрсатилган электрон почтага юборинг ёки телефон қилиб мақолани қандай шаклда юбориш кераклигини аниқлаштиринг.
5. Тақризчилар билан ишлашга ва уларнинг камчиликлар ҳақидаги изоҳларини ҳисобга олган ҳолда мақолани қайта ишлашга тайёр бўлинг.
6. Агар мақолани чоп этишга қабул қилишни рад этишса ёки қайта ишлаш учун камчиликларини кўрсатишса, ташвишланманг.
7. Рад этишларидан қўрқманг.

## ХОРИЖИЙ ЖУРНАЛЛАРДА ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАРНИ ЧОП ЭТИШ

**Хорижий илмий нашрларда чоп этиш** – ўз фаолиятингиз натижаларини илмий жамоатчилик билан таништиришнинг энг замонавий ва тезкор усули. Илмий мақолани нашрларнинг тан олинган наукометрик базасига кирган кўп ҳавола бериладиган журналда чоп этиш илмий жамоатчилик фаолиятининг кундалик қисмига айланиб улгурган.

Бироқ ўз илмий ишларингизни юқори импакт-факторли журналда чоп этиш ва «йиртқич журналлар» деб номланадиган журналларда чиқаришдан қочиш керак. Ушбу «йиртқич журналлар» ҳақида ҳам маълумотлар келтирамиз.

**Мақолани чоп этиш хорижий журнални қандай танлаш лозим? Асосий илмий натижаларни чоп этиш учун Ўзбекис-**

тон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия қилинган юқорида айтиб ўтилган Рўйхатда илмий мақолаларни чоп этиш мумкин бўлган хорижий журналларнинг рўйхати берилган.<sup>47</sup> Мақолаларингизни кўрсатилган рўйхатдаги журналларда чоп этиш тавсия қилинади.

**Импакт-фактор** журнал илмий табиатининг муҳим хусусияти ҳисобланади. Инглизчадан таржима қилганда «*impact factor*» «таъсир кўрсатиш омили» деган маънони англатади.

## АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР #5

**Импакт-фактор** – илмий даврий нашрлар машҳурлигининг миқдорий кўрсаткичи. Бошқача айтганда, бу муайян нашрда чоп этилган мақолаларнинг сўнгги йиллардаги иқтибослари сонининг ушбу журналда нашр қилинган мақолаларнинг умумий сонига нисбати.

Ушбу библиографик кўрсаткич 1960 йиллардан бери мавжуд. Ўшандан бери бу кўрсаткич Илмий ахборот институти томонидан ҳар йили ҳисоблаб келинади. Импакт-фактор журналларнинг нуфузи ва унда чиқарилаётган мақолаларнинг сифатини белгилайди. Тадқиқотчиларни молиялаштириш ва ўз илмий марказларида бундай ходимларга эга бўлиш истаги импакт-факторнинг даражасига боғлиқ.

Бироқ ҳар йили кўплаб илмий ишларнинг муаллифлари виждонсиз «йиртқич» журналларнинг қурбонига айланишмоқда. «Йиртқич» журналлар ва уларда чиқарилаётган ишлар нафақат олимларнинг вақти ва нақдини, балки профессионал мавқеини йўқотишига ҳам олиб келмоқда.

Виждонсиз журналларнинг қуйидаги белгилари мавжуд:

- *Журналда тақриз бўлмайд;*
- *Мақолалар жуда қисқа муддатда ўтади;*
- *Журнал муаллифлардан матнга тақризни ўзи тайёрлашини ёки ҳамкасбидан олишини сўрайди;*

<sup>47</sup> Диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашрларнинг РЎЙХАТИ. Ўзбекистон Республикаси ОАК раёсатининг қарорлари билан тасдиқланган. – Тошкент, 2019.

- *Журнал ўзи ҳақида ишончсиз маълумот беради (масалан, Scopus ва Web of Science илмий базаларига кирганлиги тўғрисида), иқтибосларнинг ёлғон индексини, мажуд бўлмаган ёки муҳим бўлмаган кўрсаткичларни юритади, ISSN-ни кўрсатмайди;*
- *Журнал илмий фанларнинг жуда кенг доираси бўйича матнларни чоп этади (барча тематик йўналишлар бўйича).*

Ҳозирги кунда хорижий илмий журналларда мақолаларини чиқармоқчи бўлган тадқиқотчилар учун кўплаб консалтинг хизматлари мавжуд. Мазкур хизматлар муаллифларга хорижий журнал талабларига мувофиқ мақолани расмийлаштириш ва уни чоп этиш бўйича ёрдам кўрсатади. Бироқ, фирибгарлар ва «йиртқич» журналларнинг қурбони бўлиб қолмаслик учун ушбу хизматларга мурожаат қилишда эҳтиёт бўлиш ва шартнома шартларини аниқлаштириш керак.

Шундай қилиб, муаллиф ОАК тавсия қилган таҳририятга бевожоба ўзи мурожаат этиши ёки журнал талаблари бўйича мақолаларни расмийлаштиришга ёрдам берувчи консалтинг хизматларидан фойдаланиши мумкин.

ОАК Web of science ва Scopus каби халқаро иқтибослар маълумотлар базасида тақдим қилинадиган журналларда мақолалар чоп этиш тавсия қилинади.<sup>48</sup> Бу каби базаларда мавжуд бўлишлик журналларнинг аҳамияти ва уларнинг юқори рейтингга эгаллигини тасдиқлайди.

## АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР #6

**Web of Science** – тақризланган илмий адабиётлар бир қатор библиографик ва рефератлар маълумотлар базасини бирлаштирувчи пуллик қидирув тизими. Тўғра 1960 йилларда наукометрия асосчиларидан бири Южин Гарфилд томонидан ишлаб чиқилган илмий ишлар иқтибослари индексига асосланган. WoS (Web of Science) тақризланган етакчи журналлар, илмий китоблар, тадқиқотчилик мақолалари, китоблар шарҳлари, аннотациялар, таҳририй хатлар ва бошқа адабиётларни индекслайди. 2022 йил март ойи ҳолатига кўра, WoSда 1992 йилдан бери 80 дан ортиқ мамлакатда чиққан 21 877 та журнал борлиги ҳақида маълумотлар бор эди.

<sup>48</sup> Thomson Reuters (Web of Science ва б.), Scopus каби базалар билан ишлаш бўйича фойдали маълумотларни рус тилидаги <http://wokinfo.com/russian/> сайти ва Элзивер нашрининг рус тилидаги [http://health.elsevier.ru/electronic/product\\_scopus/](http://health.elsevier.ru/electronic/product_scopus/) сайтдан олишингиз мумкин.

## АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР #6

**Scopus** – энг йирик библиографик ва реферат маълумотлари базаси ва илмий нашрларда чоп этилган мақолаларга иқтибосларини кузатиш воситаси. Унда техника, тиббиёт ва гуманитар фанлар бўйича 18 мингта илмий нашрларнинг номлари индексланган. **10 йилдан бери фаолият юритади. Elsevierга тегишли. Scopus базасидаги журналлар учун импакт-фактор ҳисобланмайди.**

**Ушбу базадаги журналларни танлашда қуйидаги илмий метрик кўрсаткичларга эътибор қаратиш мумкин: h-index (Хирш индекси), SJR<sup>49</sup> ва SNIP<sup>50</sup>.**

Мақола ва унинг тавсифи Scopus ва Web of Science томонидан индексланган илмий журналда чоп этилиши учун сифатли тадқиқотнинг ўзи етарли эмас. Мақолани нашр қилишдан аввал унинг тузилишини IMRAD илмий ишларни расмийлаштириш стандартига мувофиқлаштириш лозим.

## АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР #7

**IMRAD** – инглиз тилидаги илмий дискурс фойдаланиладиган мақола тузилиши. IMRAD қисқартмаси мақоланинг муҳим тўрпта бўлимининг инглиз тилидаги номларининг бош ҳарфидан – Introduction, Methods, Results ва Discussion сўзларидан олинган. Илмий мақолаларни расмийлаштиришнинг мазкур стандарти (шаблони) 1970 йилларда ишлаб чиқилган ва эмпирик тадқиқотларга асосланган мақолалар учун мажбурий тусга кирган.

<sup>49</sup> SJR – SCImago Journal Ranking – Гранада университети томонидан ишлаб чиқилган журналлар рейтинги бўлиб, унда нафақат иқтибосларнинг умумий сони, балки уларнинг йили ва сифати бўйича салмоқли кўрсаткичлари ҳам ҳисобга олинади – Nature журналидаги «А» журналдаги мақолага ҳаволанинг кўрсаткичи Scopusда ҳаволаси йўқ ёки деярли йўқ бўлган «N-университети ахборотномаси» журналидаги худди шу мақолага ҳаволанинг кўрсаткичидан фарқ қилади. Умуман олганда, кенг қамровли журналлар ва улардан бутунлай очиқ фойдаланиш хусусияти билан эътиборли SJR импакт-омилдан унчалик фарқ қилмайди; нашрлардан интернетда эркин фойдаланиш мумкин.

<sup>50</sup> Scopus томонидан фойдаланиладиган янада юқори кўрсаткич – SNIP Лейден университети профессори Х.Ф.Мозд томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу кўрсаткич ҳар бир илмий соҳадаги иқтибослар даражасини ҳисобга олади, шунинг учун ундан турли илмий йўналишлардаги нашрларни солиштириш учун фойдаланиш мумкин. <http://www.scimagojr.com/journalrank.php> сайтларида SNIP, IPP, SJR нашр қилинади.

Мазкур тузилишга кўра, кириш қисмида қуйидаги саволларга жавоб бериш керак:

2. Нима учун мазкур тадқиқот долзарб?
3. Объектни ўрганиш учун қандай тадқиқот амалиёти ва воситаларидан фойдаланиш керак деб ўйлайсиз?
4. Сизнинг ишингиз бошқа олимларникидан нимаси билан фарқ қилади?

**Методлар** ҳақидаги қисм сифатли тадқиқот ишини амалга оширган муаллифлар учун муаммо туғдирмайди. Бундай ҳолда тадқиқот ҳисоботини такрорлаш, тадқиқот объектини ўрганишга ёрдам берган усул ва услублар, маълумотларни келтириш кифоя қилади. Тадқиқот ишингиздаги маълумотлар яроқли бўлиши ва методларни ишончли тадқим этиш муҳим аҳамиятга эга. Буларнинг барчаси тақризчилар учун, ишингиз чоп этилганидан кейин бошқа олимлар ишингизни тасвирлашлари учун керак бўлади.

**Натижалар** – илмий мақоланинг энг қисқа, бироқ жуда муҳим бўлган асосий қисми. Муаллифдан бажарилган ишнинг натижаларини тақдим этиш, керак бўлса, маълумотларни жадвалларга, графикларга солиш талаб қилинади, иллюстрация ва маълумотлар тўпламига ҳаволалар беришга рухсат берилади.

Илмий мақоланинг **муҳокама** қисмида муаллиф ўзининг тадқиқоти натижасида олинган маълумотлар шарҳини беради. Бироқ илмий-даврий нашр учун «қуруқ» шарҳ етарли эмас: муаллиф ўзининг ёндашувининг бошқа ишлар билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини яна бир бор аниқлаштириши, бошқа олимларнинг тажрибаси билан ўзининг натижаларини солиштириш керак.

Ўзининг илмий ишларини хорижий журналларда чоп этиш илмий ишнинг ҳавола қилинганлик даражасини оширади. Ҳавола қилинганлик даражасини баҳолаш учун **Хирш индекси** ёки **h-индекс** киритилган бўлиб, ушбу илмий метрик кўрсаткич 2005 йилда америкалик физик, Калифорниянинг Сан-Диего университети ўқитувчиси Хорх Хирш томонидан таклиф қилинган.

## АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР #8

**Хирш индекси** илмий ишларнинг сони ва улардаги иқтибосларнинг сонига асосланган, олимлар самарадорлигининг миқдорий тавсифидир.

## ҲУҚУҚИЙ АСОС

### **3-§. Олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш**

Олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

- халқаро **SciVal** ахборот-таҳлил тизими ёрдамида жаҳондаги илмий-тадқиқот натижаларини таҳлил қилиб бориш асосида илм-фаннинг илғор ютуқлари билан уйғун ривожланишни таъминлаш;
- олий таълим муассасалари илмий журналларининг **Scopus, ScienceDirect** ва бошқа халқаро илмий-техник маълумотлар базаларига босқичма-босқич киритилишини таъминлаш;
- халқаро илмий-техник маълумотлар базасига кирувчи нуфузли илмий нашрларда мақолалар эълон қилиш орқали фаолиятининг илмий натижалари халқаро даражада тан олиншини белгиловчи кўрсаткич – Хирш индекси (h-индекс) юқори бўлган олимлар, профессор-ўқитувчилар ҳамда ёш илмий изланувчиларни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириб бориш тизимини жорий этиш.<sup>51</sup>

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони)

Юқорида таъкидланган барча илмийметрик маълумотлар базаларида (Scopus, Web of Science, РИНЦ, Google Scholar ва бошқалар) профил очиб, авторизация қилганидан кейин муаллиф ўзининг Хирш индексини кузатиб бориши мумкин.

Олимнинг иқтибосларини баҳолашни осонлаштириш учун ORCID тизими киритилган.

<sup>51</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019 йилдаги ПФ-5847-сонли Фармони <https://lex.uz/docs/4545887>

## АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР # 9

**ORCID** – инглизча Open Researcher and Contributor Identifier сўзларининг бош ҳарфларидан ясалган қисқартма. Ўзбекчага сўзма-сўз таржима қилганда «Тадқиқотчи ва муаллифнинг очиқ идентификатори» деб таржима қилинади. Бу илмий ишлар муаллифларини идентификациялашнинг халқаро тизимидир. Orcid 16 та рақамдан иборат код бўлиб, унинг жойлашуви маълум бир муаллифни аниқ кўрсатади. Унинг ёрдамида сиз ушбу муаллифнинг барча матнларини маълумотлар базалари бўйича индексланган ҳолда топишингиз мумкин.

Бу каби кодлашнинг устунлиги шундаки, турли манбаларда келтирилган олимларнинг илмий ишлари тўғрисидаги маълумотларни битта жойда топишингиз мумкин. Бу маълумотларни, илмий ишлар халқаро базаларида, шунингдек, Scopusда мавжуд бўлса, кўриш мумкин. ORCID идентификатори муаллиф ва унинг турли сайтларда тарқалган барча илмий ишлари ўртасидаги шубҳасиз алоқани, яъни боғлиқликни аниқлашга ёрдам беради.

Очиқ идентификатор туфайли бу ишни қилишга ҳожат йўқ. Ушбу тизимда профилга эга бўлган олим ўзининг илмий фаолияти ҳақидаги маълумотни битта жойдан олади. Хизматдан яқка тадқиқотчи сифатида ҳам, илмий муассаса, университетлар, маълумотларни сақловчи муассасалар, бошқа ташкилотлар сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Яқка тадқиқотчининг реестрга кириши бепул. Ўзининг кодини билиш учун <https://orcid.org/> га кириш ва рўйхатдан ўтиш керак. Бу ерда сақланадиган маълумотлар очиқ бўлиб, керак бўлганда муаллифлар бунинг ўзларининг профилларидаги махфийлик созиламаларидан ўзгартиришлари мумкин. Сайт рус тилида рўйхатдан ўтиш имкониятини ҳам тақдим этади, бироқ асосий тил инглиз тилидир.

## ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ТЕЗИСЛАРИ

**Тезислар** – қисқача шакллантирилган илмий қоидалар, илмий иш, мақола, маъруза, курс иши ёки диплом ишининг тайёр маҳсули. Илмий мақолаларнинг тезислари тўлиқ матнли ишнинг асосланган ва далиллар келтирилган ўзаро алоқадор ва

мантиқан қурилган асосий қоидалари тўпламидир. Тезислар бўлажак маърузанинг ёки мақоланинг қисқача мазмуни бўлиши ёки тугалланган иш сифатида қабул қилиниши мумкин.

Илмий конференциялар ва семинарларда иштирок, биринчидан, илмий ўсиш, иккинчидан, диссертация учун ишлаб чиқилаётган тадқиқот материални апробация қилиш учун муҳим қисмга айланиши керак. Тадқиқот ишини апробациядан ўтказиш учун исталган имкониятдан фойдаланиб қолиш керак.

Илмий мақолаларни ёзишдан олдин тегишли фанни ривожлантириш учун бир қатор тезислар чиқариш талаб қилинади. Ўзининг илмий иши бўйича конференцияларда тезислар билан иштирок этиш докторант ва мустақил изланувчилар учун жуда муҳимдир. Тезисларни ёзишга киришишдан олдин маърузанинг керакли шакли учун конференция кўрсатмалари билан танишиб чиқинг. Бу сизга сўзларнинг сонига қўйилган чекловни ва ишни расмийлаштиришнинг ўзига хос жиҳатларини (масалан, тузилган салавҳалар ва тузилмаган аннотация) аниқлаштиришга ёрдам беради. Шунингдек, мисол тариқасида ўтган йиллардаги баъзи тезисларни ўқиш тавсия қилинади.

**Умуман олганда, конференцияларга тезисни тайёрлашнинг иккита алгоритми бор. Биринчи усул:** агар сиз аниқ бир тадқиқот ишини амалга оширган бўлсангиз ва унинг натижалари бўйича тўлиқ ва батафсил ҳисобот ёзган бўлсангиз. Бундан кейин мазкур матндаги асосий ғояларни ажратиб олиш, маълумотлар ҳажмини камайтириш ва кераксизларини чиқариб ташлаш керак, натижада тезисларни шакллантириш (агар сиз конференцияга оғзаки ҳисобот тақдим этмаётган бўлсангиз) ёки ҳисобот резюмесини (муҳрланган чоп этилган ишни режалаштираётган бўлсангиз) шакллантириш лозим. **Иккинчи усул:** агар сиз ҳали тадқиқотингизни тугатмаган бўлсангиз ва ишнинг бошида ёки охирида турган бўлсангиз. Ғояларингиз, таклифларингиз, гипотезаларингиз, натижалар ҳақида хулосаларингиз (балки, ҳали аниқ ва тугалланмагандир)ни тезисда шакллантириш керак. Бу тезислар орқали сиз оғзаки маъруза билан ёки интернет тармоғи орқали чоп этилган ишингиз билан чиқиш қилишингиз мумкин.

Одатда, университетлар, илмий муассасалар конференция ўтказилиши ҳақида эълон берадилар. Конференция ўтказилиши ҳақидаги маълумотни университетларнинг, илмий муассасаларнинг сайтларида ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ўқишингиз мумкин. Ҳозирги вақтда бўладиган конференциялар ҳақида маълум қилувчи кўплаб манбалар мавжуд.

## ҚОНУНЧИЛИК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.05.2017 йилдаги «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ВМҚ-304-сонли Қарори

**53. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун изланувчилар фаолияти самарадорлигининг мониторинги қуйидаги мезонлар бўйича амалга оширилади:**

**б) ўқишнинг иккинчи йилида:**

диссертация мавзуси бўйича ҳисобот даврида илмий конференция материалларида **камида битта чоп этилган маъруза тезисининг** мавжудлиги.

**54. Фан доктори (DSc) илмий даражаси учун изланувчилар фаолиятининг самарадорлиги мониторинги қуйидаги мезонлар бўйича амалга оширилади:**

**а) ўқишнинг биринчи йилида:**

...

диссертация мавзуси бўйича республика ва халқаро илмий конференциялар материалларида **камида битта маъруза тезиси** чоп этилганлиги;

**б) ўқишнинг иккинчи йилида:**

...

диссертация мавзуси бўйича халқаро ва республика илмий конференциялари материалларида чоп этилган **камида битта маъруза тезисининг** мавжудлиги;

конференция ёки семинарда **маъруза билан** қатнашиш (камида бир марта).<sup>52</sup>

Таъкидлаш керакки, илмий ишларнинг муҳимлиги асосида илмий даражаларни беришга йўл қўйилади.

<sup>52</sup> Хужжат матни <https://lex.uz/docs/3213407> да мавжуд.

**2017 йилдаги Илмий даражаларни бериш тартиби тўғрисидаги Қоидалар<sup>53</sup>**

**Тадқиқотлар амалга оширилган муассаса хулосаси ва Илмий кенгаш тақдимномаси асосида ОАК раёсати қарори билан истисно тариқасида қуйидагиларга диссертация ҳимоясисиз илмий даража берилиши мумкин:**

фан ва технологияларни ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва ижтимоий соҳалар тараққиётига улкан ҳисса қўшган камида учта ихтиро ёки селекция ютуғи муаллифига фан доктори (DSc) илмий даражаси;

фан ва технологияларни ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва ижтимоий соҳалар тараққиётига улкан ҳисса қўшган учтагача ихтиро ёки селекция ютуғи муаллифига фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси;

салмоқли илмий янгиликлар олган ва **импакт-фактори тегишли даражада юқори ва халқаро тизимга кирган илмий журналларда камида 12 та** (ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича 8 та) **илмий мақола** чоп эттирган мутахассисга эксперимент тариқасида фан доктори (DSc) илмий даражаси (илмий натижани амалиётга жорий қилиш бўйича талаблар бажарилган ҳолда);

муҳим илмий янгиликлар олган ва импакт-фактори тегишли даражада юқори ва халқаро тизимга кирган илмий журналларда **камида 6 та (ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича 4 та) илмий мақола** чоп эттирган мутахассисга эксперимент тариқасида фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси.

Маъруза – монологик нутқ турларидан бири, ҳужжатли маълумотларни олиш асосланган аниқ бир масала бўйича оммавий кенгайтирилган расмий хабар. Маърузанинг мақсади кимнидир нимадир ҳақида хабардор қилишдан иборат. Бироқ маърузалар ўз ичига тавсиялар, таклифлар ва бошқа мотивацион таклифларни ҳам олиши мумкин.

Маъруза комплекс жараён бўлиб, босқичма-босқич боради ва ўз ичига тайёргарлик ва маълумотлар тўплашни, тингловчилар ёки ўқувчилар кўтарилган мавзу бўйича ўзларининг изоҳ-

<sup>53</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/4-сонли Қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 июнда 2894-сон билан рўйхатга олинган.

ларини берганида бевосита маъруза ва муҳокамани ўз ичига олади. Конференцияда ёш тадқиқотчилар ўзларининг илмий ишлари натижаларини кенг аудитория олдида ёритиб бериш имкониятига эга бўлишади. Бу уларни бўлғуси чиқишларида анча эҳтиёткор бўлишга, ўзларининг нотиклик қобилиятларини оширишга ундайди. Конференция доирасида тингланган маърузаларнинг ижодий муҳокамаси ўтказилади, саволлардан ва тингловчиларнинг чиқишларидан ҳар бир маърузачи асл ғояларни олиши мумкин.

Илмий маърузанинг ўзига хос хусусияти – унинг услуги ўқув ва илмий ишларни ёзиш учун мос бўлган академик услубдир. Маърузанинг умумий тузилиши қуйидагича бўлади:

1. Тадқиқот мавзусини шакллантириш (бундан ташқари, мавзу нафақат долзарб, балки оригинал, қизиқарли бўлиши керак).
2. Тадқиқотнинг долзарблиги (тадқиқот йўналиши нимаси билан қизиқ, унинг муҳимлиги нимада, қайси олимлар ушбу йўналишда илашган, мазкур мавзудаги қайси масала етарлича ўрганилмаган, нима учун докторант томонидан айнан мазкур мавзу танланган?).
3. Ишнинг мақсади (умуман олганда, ишнинг мақсади мавзунини шакллантиришга мос келади ва уни аниқлаштиришга имкон беради).
4. Тадқиқотнинг мақсадлари (тадқиқотни таркибий қисмларга «бўлиб», ишнинг мақсадини аниқлаштиради).
5. Гипотеза (тадқиқот ишининг натижалари ҳақидаги илмий асосланган таклиф).
6. Тадқиқот ишини амалга ошириш методикаси (натижаларни олишга оид бўлган барча қилинадиган ишларнинг батафсил баёни).
7. Тадқиқотнинг натижалари. Кузатиш ёки эксперимент қилиш давомида тадқиқотчи томонидан олинган янги маълумотларнинг қисқача мазмуни.
8. Тадқиқотнинг хулосалари. Умумлашлаштирилган. Қисқа шаклда тузилган хулосалар. Улар олинган асосий натижалар ва аниқланган тенденцияларни қисқача тавсифлайди.

Маърузани расмийлаштиришга қўйилган талаблар анчагина оддий: кириш, асосий қисм, хулоса, адабиётлар рўйхати.

Маъруза устида ишлаш босқичма-босқич амалга оширилади: мавзу бўйича асосий манбаларни танлаб олиш, библиография (адабиётлар рўйхати)ни шакллантириш, манбаларни ўрганиб чи-

қиш, материалларни қайта ишлаш ва тизимлаштириш, маърузанинг режасини ишлаб чиқиш, матнини ёзиш, хулоса ва тавсияларни тайёрлаш ва тадқиқот натижалари билан омма олдида чиқиш қилиш.

Ўз фикрларини тўплаш учун маърузачига олдиндан тайёрланган хариталар, диаграммалар, фотосуратлар ва бошқалар керак бўлиши мумкин. Ушбу материаллар жавобни шакллантириш учун қимматли вақтни тежашга ёрдам беради ва баъзида тайёр жавобни тақдим этади.

Агар маъруза аудиторияга таниш бўлган масалаларга тегишли бўлса, унда жамоатчиликка берилган саволлардан бошлаш яхшироқдир. Бундай ҳолда сиз уларнинг муҳокама қилинаётган масала бўйича позициясини баҳолашингиз мумкин. Маърузага мультимедиа тақдимоти тайёрланган бўлиши керак. Агар сизда намоёиш материаллари ва яхши ёзилган матн бўлса, ишингизни яхши баҳолашади.

Маърузага ёки чиқиш қилишга тайёрланаётганда тадқиқотчи материалларни тизимлаштириш ва умумлаштириш тажрибасини олади, илмий ижодкорлик кўникмаларига эга бўлади ва ниҳоят асослантирилган полемиканинг муҳим санъатини эгаллайди.

Бундан ташқари, маъруза билан чиқиш қилиш ва ушбу материални чоп этиш муаллифга шунчалик муҳимки, у ёш олимнинг жамоатчилик эътирофига эришишига имкон беради, шунингдек, илмий ижод натижаларига муаллифлик ҳуқуқини олишда ҳам муҳим роль ўйнайди.

## ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ДОИРАСИДА ИЛМИЙ МОНОГРАФИЯЛАР

**Монография** – битта ёки бир нечта муаллифларга тегишли бўлган битта муаммо ёки мавзу бўйича қилинган илмий китоб шаклидаги тадқиқот иши.

**Илмий монография** – битта муаммо ёки мавзуга бағишланган тўлиқ ва чуқур тадқиқотни ўз ичига олган китоб шаклидаги илмий иш.

Илмий монографиянинг анъанавий тузилиши қуйидагича бўлади: титул варақаси, аннотация, шартли белгилар (агар керак бўлса), кириш ёки муқаддима, асосий қисм, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўхати, иловалар, мундарижа.

## ҚОНУНЧИЛИК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.05.2017 йилдаги «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ВМҚ-304-сонли Қарори

**54. Фан доктори (DSc) илмий даражаси учун изланувчилар фаолиятининг самарадорлиги мониторинги қуйидаги мезонлар бўйича амалга оширилади:**

**в) ўқишнинг учинчи йилида:**

...

диссертация натижалари бўйича (ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича) **чоп этилган монографиянинг** мавжудлиги).<sup>54</sup>

Монографияни чиқаришдан мақсад олий таълим муассалаарида, бошқа илмий ва саноат муассасаларида бажарилган асл илмий ва амалий ишларнинг натижаларини умумлаштиришдир. Монографиянинг ижтимоий-функционал мақсади эса илмий изланишлар ва ютуқларнинг яқунларини чоп этиш, илмий тадқиқотларни истиқболда ривожлантиришга кўмаклашишдир.

Монографияда маълум бир масала бўйича адабиётлар умумлаштирилади ва таҳлил қилинади, илм-фанни ривожлантирадиган янги гипотезалар ва ечимлар илгари сурилади. Шунингдек, улар илмий назариялар ва гипотезалар ҳам бўлиши мумкин.

Монография, одатда, кенг библиографик рўйхатлар, эслатмалар ва бошқалар билан келади. Илмий монография нашр этилган асардир. Илмий жанр ва илмий нашр сифатидаги монографиялар мавжуд.

**Монографиянинг илмий жанр сифатида тузилиши** кириш, асосий қисм (боблар, қисмлар, кичик боблар, бўлимларга бўлинган), хулосалар, ҳаволалар рўйхатидан иборат.

Илмий монографиянинг **нашр сифатида тузилиши** иккита компонентни бирлаштиради: илмий иш (монографиянинг ўзи) ва илмий монография тузилмаси.

**Илмий монография аппарати қуйидаги элементларни ўз ичига олади:**

Чиқиш маълумотлари (муаллиф ҳақидаги маълумотлар, номи, сарлавҳа ва сарлавҳа маълумотлари, нашрнинг такрорийлиги ҳақидаги маълумотлар, чиқиш маълумотлари (жой, йил, ташкилот,

<sup>54</sup> Хужжат матни <https://lex.uz/docs/3213407> да мавжуд.

сарлавҳанинг орқа томонида – КБК (Кутубхона-библиографик классификация), УЎК (Универсал ўнлик классификация), изоҳли каталог картасининг макети (нашрнинг библиографик тавсифи, муаллифлик белгиси), аннотация (агар аннотация бўлмаса, унда монография техник, аниқ ёки табиий фанларга бағишланган бўлса, реферат), сарлавҳа саҳифасининг орқа томонида – муаллифлик ҳуқуқи (муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси).

Муқаддима (муаллифдан, ноширдан, таҳририятдан, таҳрирчидан).

Кириш мақоласи (ушбу билим соҳасидаги нуфузли мутахассис томонидан ёзилади).

Асосий қисм (кириш асосий матннинг таркиби ҳисобланади).

Библиографик аппарат – монография ёзишда фойдаланиладиган манбалар рўйхати, маълумотномалар тизими. Ҳаволаларнинг уч тури мавжуд: матн ичида (қавс ичида берилади), матндан ташқарида (квадрат қавс ичида матнда адабиёт манбаи рақами берилади) ва пастки ёзув (юлдузча билан берилади).

## ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ

Диссертация автореферати диссертация илмий ишининг «визиткаси» ҳисобланади.

### АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР # 10

**Диссертация автореферати** қўлёзма ҳуқуқи асосида белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилган илмий иш бўлиб, унда диссертация тадқиқоти бўйича умумий маълумотлар келтирилади, қисқача ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тизимли умумлаштирилган шаклда, шунингдек, нашр этилган асарлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.<sup>55</sup>

**Диссертация автореферати қуйидаги функцияларни бажаради:**

- ахборот функцияси (ўқувчиларга диссертациянинг асосий тузилиши, ишлаб чиқиладиган мавзунинг долзарблиги, тадқиқот мавзуси ва мақсади, муаллифнинг тадқиқот муаммо-

<sup>55</sup> 2017 йилдаги Илмий даражаларни бериш тартиби тўғрисидаги Низом.

сини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси тўғрисида маълумот беради);

- индикатив функция (муаллиф томонидан ишлаб чиқилган усуллар);
- сигнал функцияси (диссертация диссертация кенгашининг иш жойида тайёрланганлиги ва кутубхонасига топширилганлиги, ҳимоя қилинган вақт ва жой, оппонент сифатида иштирок этган олимлар ҳақида хабарнома);
- таништирув функцияси (тадқиқотчи томонидан илмий тадқиқот ўтказилганлиги ва олинган натижалар тўғрисида маълумотнома келганлиги учун);
- билим бериш функцияси (муаллифнинг илмий салоҳияти ҳақида тасаввур беради).<sup>56</sup>

Авторефератда диссертациянинг асосий ғоялари ва хулосалари киритилиши, муаллифнинг ўтказилган тадқиқотдаги ҳиссаси, тадқиқот натижаларининг янгилиги ва амалий аҳамияти даражаси кўрсатилиши керак.

Соф расмий ҳолатдаги автореферат ҳимоянинг якуний босқичида тайёр бўлади, кейинчалик диссертация ва автореферат диссертация кенгашига тақдим этилади ҳамда автореферат ва унинг иловаларини фикрларни қабул қилиш мақсадида чоп этиш учун (аниқроғи, кўпайтирилиши учун) рухсатнома олинади. Бироқ аслида автореферат уни чоп этишдан олдин унчалик ҳам осон бўлмаган матннинг ёзилиши билан анча илгарироқ пайдо бўлади.

Авторефератнинг ҳажми тахминан диссертация ҳажмининг 15% ни олиши керак, агар диссертацияни ёзиш бир неча йил олган бўлса, унда автореферат матнини тайёрлашга 2-3 ой вақт кетади. Аслида, бу муддатни авторефератда диссертация қисмларидан фойдаланиб сезиларли даражада қисқартириш мумкин, лекин барибир диссертациянинг ўзидан кўра унинг авторефератини ўқийдиганларнинг кўплигини, деярли 10 – 20 баробар ортиқлигини инобатга олиб ҳар бир жумлани яхшилаб ўйлаб ёзишга тўғри келиши сабабли авторефератни тайёрлашга кўп вақт кетади. Бу одамлар автореферат асосида диссертацияни муҳокама қилади.

**Одатда, диссертация уч қисмдан иборат бўлади.**

**Биринчи қисмда** тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва унинг илм-фан учун аҳамияти очиб берилади ва тадқиқотнинг объек-

<sup>56</sup> Кориков А.М., Мицель А.А. Диссертация и ученая степень. Методическое пособие для соискателей ученой степени. – Томск: ТУСУР, 2007. – С.52.

ти, предмети, мақсади, гипотезаси, вазифалари кўрсатилади; диссертациянинг методологик базаси шакллантирилади ва фойдаланилган методлар санаб берилади; олинган натижаларнинг ишончлилиги асослантирилади; ишнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти шакллантирилади; ҳимояга киритилган қоидалар шакллантирилади ва асослантирилади; диссертациянинг тузилиши берилади.

**Иккинчи қисм** диссертациянинг таркиби ва тузилишига мувофиқ унинг асосий мазмунига бағишланади.

**Учинчи қисм** диссертация тадқиқоти мавзуси бўйича муаллиф томонидан чоп эттирилган ишларнинг библиографик тавсифидан иборат бўлади.

## ҲУҚУҚИЙ АСОС

### **2017 йилдаги Илмий даражаларни бериш тартиби тўғрисидаги Низом.**<sup>57</sup>

Диссертация авторефератида илмий ишлар рўйхати хронологик тарзда қуйидаги тартибда келтирилади:

биринчи бўлимда – илмий нашрларда чоп этилган илмий ишлар ҳамда интеллектуал мулк объектларига бўлган муҳофаза (эғалик) ҳужжатлари (патентлар);

иккинчи бўлимда – диссертация мавзуси бўйича нашр этилган бошқа илмий ишлар.

Диссертация авторефератида келтирилган барча илмий ишлар диссертация мавзусига мувофиқ бўлиши керак.

Агар изланувчининг мақолалари ҳаммуаллифликда ёзилган бўлса, у ҳар бир ҳаммуаллифнинг ҳиссасини холис акс эттириши ва мақолалардан ўз диссертациясида қисман ёки тўла фойдаланиш учун ҳаммуаллифларнинг ёзма равишда билдирган розилигини олиши зарур.

Автореферат Илмий кенгашга диссертация билан биргаликда тақдим этилади. Агар диссертация ҳимояга тавсия этиладиган бўлса, автореферат тадқиқотчи ва Илмий кенгаш котиби томонидан имзоланади ва чоп этишга берилади.

<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/4-сонли Қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 июнда 2894-сон билан рўйхатга олинган.


Автореферат Илмий кенгашга диссертация билан биргаликда тақдим этилади. Диссертация ҳимояга тавсия этилган тақдирда, талабгор ва Илмий кенгаш котиби томонидан имзоланади, Илмий кенгаш раиси томонидан тасдиқланади ва чоп этишга берилади. Диссертация авторефератини тайёрлаш диссертация бўйича қилинадиган якуний босқичдир. Авторефератда орфографик хатолар, ноаниқликлар, жаргон иборалардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Диссертация авторефератининг аҳамияти шундаки, авторефератни ўқувчи ва у орқали диссертация ҳақида ўзларининг фикрларини ҳосил қилувчи шахслар доираси диссертациянинг ўзини ўқувчиларга нисбатан бир неча баробар кўп бўлади, чунки унинг чекланган сондаги нусхалари ва бошқа қўйилган чекловлар сабабли диссертацияни чекланган доирадаги шахслар кўришлари мумкин бўлади.

Автореферат диссертация кенгаши аъзоларига ва манфаатдор ташкилотларга диссертацияни ҳимоя қилишдан камида бир ой олдин юборилади. Автореферат мажбурий тартибда юбориладиган ташкилотлар рўйхати фан номзоди, фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимояси бўйича кенгаш тўғрисидаги Низом билан белгиланади. Автореферат юборилиш керак бўлган бошқа шахслар диссертация кенгаши томонидан белгиланади.

Бундан ташқари, авторефератни тақризчи ва оппонентлар ҳам ўқишади, диссертация ҳимоясига катта эътибор қаратишади, унинг ОАҚда ҳимоя қилинишига ҳам эътибор беришади. Буларнинг ҳаммаси авторефератни расмийлаштиришга жиддий қараш кераклигини кўрсатади. Диссертация автореферати юридик ҳужжат мақомига эга бўлиб, усиз диссертация ҳимояга қўйилмайди.

Авторефератнинг асосий мақсади – диссертация кенгаши аъзоларига изланувчи томонидан олинган илмий натижалар тўғрисида маълумот бериш. Авторефератда келтирилган маълумотларга бўйича диссертациянинг даражаси ва унинг муаллифининг илмий малакасини баҳолашади. Шунинг учун бунда диссертация матнининг мазмуни аниқ ва лўнда қилиб жойлаштирилиши керак. Тадқиқотчи матнни таҳлил қилиб, ўз нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ишидаги асосий нарсаларни аниқлаб олиши керак.



III БОБ

**ДИССЕРТАЦИЯНИНГ  
ТУЗИЛИШИ, МАЗМУНИ ВА  
ОҒЗАКИ ТАҚДИМОТИ**

## 3.1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ

*Эскисини такрорлаб, янгисини ўрганган  
киши одамларга устоз бўлади.*

**Конфуций, хитой донишманди<sup>58</sup>**

Классик маънода диссертация қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- титул варағи,
- мундарижа,
- диссертациядаги қисқартмалар тўйхати (агар керак бўлса),
- кириш, асосий қисм (одатда, 3-4 бўлимдан иборат бўлади),
- хулоса,
- адабиётлар рўйхати,
- иловалар.

### ТИТУЛ ВАРАҒИ


Тадқиқот ишининг биринчи саҳифаси титул варағи ҳисобланади. Титул варағини расмийлаштириш қатъий регламент асосида бўлади.<sup>59</sup> **Титул варағининг мажбурий таркиби:**

- илмий иш қилинган муассасанинг номи;
- муаллифнинг имзоси;
- диссертантнинг Ф.И.Ш.;
- тадқиқотнинг мавзуси;
- ихтисослик;
- даъвогарлик қилинаётган илмий даража;
- илмий раҳбар (илмий маслаҳатчи) тўғрисидаги маълумотлар;
- диссертация ҳимояси ўтказиладиган йил ва ҳимоя жойи.


<sup>58</sup> Антология мудрости / сост. В.Ю. Шойхер. – М.: Вече, 2007. – С.618.

<sup>59</sup> «Докторлик диссертацияси ва диссертация авторефератини расмийлаштириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси раёсатининг қарори/ <https://lex.uz/acts/3244430>

## Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси титул варагининг ШАКЛИ



## Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси титул варагининг ШАКЛИ



**Мундарижа.** Титул варагидан кейин мундарижада диссертациянинг режаси келади. Унда саҳифа рақамларини келтириш билан ишнинг барча сарлавҳалари акс эттирилади. Барча боблар рақамланган бўлиши керак. Кириш, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар рақамланмайди.

## 3.2. КИРИШ

Диссертацияда кириш бўлиши шарт. У муҳим бўлим бўлиб, унда ўқувчи иш ҳақида дастлабки тасаввурга эга бўлади. Диссертациянинг кириши диссертациянинг барча асосий маълумотларини ўз ичига олади:

**ОАК талабларига мувофиқ, диссертациянинг кириш қисмида қуйидагилар бўлиши керак:**

- диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати;
- тадқиқотнинг республика илм-фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги;
- диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларнинг қисқача баёни (фақат фан номзоди диссертацияси учун);
- муаммонинг ўрганилганлик даражаси;
- диссертация тадқиқотининг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасаси ёки илмий тадқиқот муассасаси тадқиқот режалари билан алоқаси;
- тадқиқотнинг мақсади;
- тадқиқотнинг вазифалари;
- тадқиқотнинг объекти;
- тадқиқотнинг предмети;
- тадқиқот методлари;
- тадқиқотнинг илмий янгилиги;
- тадқиқотнинг амалий натижалари;
- тадқиқот натижаларининг ишончлилиги;
- тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти;
- тадқиқот натижаларининг жорий этилиши;
- тадқиқот натижаларининг апробацияси;
- тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги;
- тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.<sup>60</sup>

Диссертациянинг кириш қисми ўқувчини тадқиқот натижалари билан қисқа ва ихчам шаклда танишиб чиқиш имконини беради. Бу ишнинг энг кўп ўқиладиган қисми бўлганлиги сабабли уни кўриб чиқиш ва текшириш керак.

<sup>60</sup> «Докторлик диссертацияси ва диссертация авторефератини расмийлаштириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси раёсатининг қарори/ <https://lex.uz/acts/3244430>

**Диссертация мавзусининг долзарблиги илмий ёки амалий билишда юқори эҳтиёжни акс эттиради.** Агар диссертация тадқиқотининг эришилаётган мақсади илм-фан ва амалий қўлланилиши учун муҳим ва ўз вақтида бўлса, ушбу диссертация мавзуси долзарб ҳисобланади.

## ТАВСИЯЛАР

### **Мавзу танлашда бир нечта қоидаларга амал қилишингиз керак:**

- Агар ёш олим бирор илмий-тадқиқот муассасасида ишлаётган бўлса, унда мавзуни иш соҳаси доирасида излаши афзалроқдир.
- Агар тадқиқотчи бирор соҳага чуқур шўнғиб кетган бўлса, унинг вазифаси мавзу излаш эмас, уни тўғри шакллантиришдир.
- Диссертант қила оладиган ишлар орасидан мавзуни танлаш керак.
- Илмий ишнинг мавзуси қисман бўлса ҳам ўрганилган бўлиши керак. Умуман ўрганилмаган мавзуни исботлаш диссертант учун қийинчилик туғдиради. Танланган мавзу бўйича назарий материаллар борлигига ишонч ҳосил қилиш керак.
- Мавзу «замонга хос» бўлиши шарт эмас, чунки бу каби тадқиқотлар ўткинчи бўлади. Кўпчилик диссертациялар бир неча йиллар давомида ёзилади. Агар диссертация вақтида ҳимоя қилинмаса, тадқиқотнинг «замони» ўтади, тадқиқотчи эса аросатда қолади.

Тадқиқотнинг долзарблиги кириш қисмининг тасодифий жойида эмас, бошида туриши керак. Исботлаш керак бўлган биринчи қоида – ўрганилаётган мавзуга бугунги кунда фундаментал ёки амалий илм-фанда эҳтиёж борлиги.

Мавзунинг муҳимлиги тадқиқотнинг объекти ва предметини аниқлаш, мақсади ва вазифаларини шакллантиришда асос бўлади. Одатда, мавзунинг илм-фандаги муҳимлигини баён этишда умумийдан хусусийга қараб борилади. Уларни қуйидаги шартли жиҳатларга бўлиш мумкин:

- *тадқиқотчи дуч келадиган муаммонинг бутун фан соҳаси учун аҳамияти;*
- *тадқиқот мавзуси билан боғлиқ ҳал қилинмаган масалаларга эътибор қаратилганлиги;*

- *миллий ва хорижий илм-фан тажрибасини сарҳисоб қилиш, унинг ривожланиш омилларига таъсир қилувчи вариантларини таҳлил қилиш (иқтисодиёт, техник ривожланиш);*
- *илм-фан ва тегишли соҳалардаги ўрганилаётган соҳадаги инновацияларнинг таҳлили.*

## ТАДҚИҚОТ МАВЗУСИНING ДОЛЗАРБЛИГИНИ ТАВСИФЛОВЧИ ИБОРАЛАР

...бугунги кунда ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Биз иккиланмасдан ...дан фойдаланамиз.

Мавзуимизнинг долзарблиги бугунги кунда ... билан белгиланади Бугунги замонавий дунёда ... катта аҳамиятга эга, чунки ...

Бугунги муаммо ... энг долзарб масалалардан биридир, сабаби ...  
... масаласи охириги йилларда тадқиқотчиларнинг диққат марказида турибди ...

Мавзу жонли мунозараларнинг предметиدير.

Бугунги кунда ... масаласига иккита қарама-қарши қарашлар мавжуд.

Бугунги кунда мазкур масала бўйича кўплаб баҳслар олиб борилмоқда / яқдил фикр мавжуд эмас.

Тадқиқотнинг долзарблиги асослантирилгандан сўнг тадқиқотнинг республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослигини кўрсатиш керак.

## НАМУНА

Тадқиқотларнинг республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Республика илм-фани ва техникасини ривожлантириш тўғрисидаги бу тадқиқот «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий-ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожланишида инновацион ғояларни шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» деб номланган биринчи устувор йўналишига тўғри келади.

Бундан кейин **диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларнинг қисқача тавсифи** келтирилади (фақат фан доктори диссертацияси учун).

**Тадқиқотнинг долзарблиги асослаб бўлинганидан сўнг муаммонинг илмий ўрганилганлик даражасини кўриб чиқиш керак бўлади.** Бунда мазкур муаммонинг турли жабҳаларини ўрганган аввалги ва ҳозирги, миллий ва чет эл олимларини санаб ўтиш, етарли ёритилмаган нарсаларни, шунингдек, агар миллий адабиётда мавзунинг яхши ёритилмаганлиги натижасидаги камчиликлар бор бўлса, уларни кўрсатиш керак бўлади.

Тадқиқотнинг бу қисмида сиз мавзуни яхши ўзлаштирганлигингиз, матнлар ва библиографик материаллар билан илмий иш методларини ўзлаштирганлигингиз, мазкур муаммони ҳал қилишда сиздан олдинги ва замондош олимларнинг қўшган ҳиссасини баҳолай олишингизни намойиш қилишингиз керак. Айниқса, ўта муҳим ишлардан шунчаки ўтиб кетмаслик, уларга асослаш, танқидий баҳо бериш, уларнинг асосий ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб ўтиш керак бўлади.

Ўзининг мавзуни ўрганишда қўшган ҳиссасини баҳолашда холис бўлиш керак. Баъзида тадқиқотчилар етарли асосларсиз уларгача ҳеч ким бу мавзуга эътибор қаратмаганлиги ва бу каби хулосаларга ҳеч ким келмаганини даъво қилишади. Агар сизда ҳам шу каби фикрлар вужудга келадиган бўлса, кириш матнида бу ҳақида маълум қилишга шошилманг. Диққат билан мавжуд адабиётларни таҳлил этинг, илмий раҳбарингиз билан маслаҳатлашинг, кейин катта масшабли баёотлар қилиш керак ёки керак эмаслигини ҳал этинг.

**Мавзунинг илмий ишлаб чиқилганлик даражаси диссертация кириш қисмининг муҳим қисми ҳисобланади.** Мавзунинг илмий ўрганилганлик даражаси ўрганилаётган соҳадаги бўшлиқларнинг қисқача рўйхати бўлиб, уларни тўлдириш эҳтиёжи тадқиқотчининг тадқиқот вазифаларини белгилаб беради.

Мавзунинг илмий ишлаб чиқилганлик даражаси тадқиқотчи томонидан ўрганилаётган масалада ўз муносабатига эга бўлган муаллифларни санаб ўтиш, улар томонидан ўрганилган мавзунинг қисқача хусусияти, шунингдек, тадқиқотчининг фикрига кўра, у томонидан тадқиқ қилиниши керак бўлган масалаларни кўрсатишда ифодаланади.

«Санъат бу – «мен»; илм-фан бу – «биз».<sup>61</sup>

Клод Бернар

Тадқиқотчилар рўйхатида машҳур олимларни кўрсатиш, бу рўйхат каттариб кетадиган бўлса, унда олимларни ҳаммасини кўрсатмасдан, «ва бошқалар» деб саноқни келтириш мумкин.

Агар муаммо биринчи маротаба кўриб чиқиладиган бўлса ва тадқиқ қилинадиган масала бўйича адабиётлар манбаси бўлмаса, унда буни албатта кўрсатиш керак. Агар диссертация тадқиқот ишида ўрганиладиган масаланинг бир нечта йўналишлари кўриб чиқиладиган бўлса, унда муаллифларни улар томонидан кўриб чиқилган масалаларни ва мавжуд бўшлиқларни кўрсатиш билан йўналишлар бўйича муаллифларни гуруҳларга бўлиб чиқиш лозим.

Одатда, мавзунинг илмий муаммо даражасини 2-3 та бўлимга бўлишади. Унда бошида илгари ушбу тадқиқот билан шуғулланган олимлар, сўнгра ҳозирги вақтдаги тадқиқотчилар таъкидлаб ўтилади. Бундан ташқари, одатда, муаммони кўриб чиққан чет эл олимлари алоҳида гуруҳга қўйилади. Тадқиқотчилар рўйхатида тадқиқотчи бириктирилган кафедра олимлари ва диссертация ҳимоя қилинадиган диссертация кенгашнинг аъзоларини киритиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

## МАВЗУНИНГ ИШЛАБ ЧИҚИЛГАНЛИГИ ДАРАЖАСИНИ ТАВСИФЛАШ УЧУН ЖУМЛАЛАР

**Мавзунинг ишлаб чиқилганлик даражасини тавсифлашда тадқиқотчилар рўйхатида, одатда, қуйидаги жумлалар ишлатилади:**

... самарадорлигини ошириш муаммосига ... муаллифларнинг бир қатор ишлари бағишланган.

... муаммосини ўрганишда ... муҳим ҳисса қўшишган.

Сўнгги йилларда ... муаммосига ... диққат қаратишган.

... муаммони ҳал қилишда ... маълум таъсир кўрсатишган.

**Мавзунинг илмий ишлаб чиқилганлиги даражасини тавсифлашда аввалги бажарилган тадқиқот ишларининг қисқача хусусиятини кўрсатишда қуйидаги жумлалардан фойдаланилади:**

Уларнинг ишлари ... фундаментал асосларини ташкил қилган.

Уларнинг ишлари ...ни ўрганишда юқори даражада ёрдам берди.

<sup>61</sup> Душенко К.В. Большая книга афоризмов. 5-е изд., испр. – М.: Изд-во ЭКСМО-Пресс, 2001. – С.488.

## МАВЗУНИНГ ИШЛАБ ЧИҚИЛГАНЛИГИ ДАРАЖАСИНИ ТАВСИФЛАШ УЧУН ЖУМЛАЛАР

Мазкур ишларда ... хусусияти ифодаланган.  
Илмий ишлаб чиқилганлик даражасини тавсифлашда соҳадаги бўшлиқларни кўрсатганда қуйидаги жумлалардан фойдаланилади:  
Бироқ ушбу олимларнинг ишларида ... кўриб чиқилмаган.  
Ушбу ишлар ...ни ҳал қилишда соф шаклда қўлланилмайди, чунки ...  
Муҳим жойида ушбу тадқиқотлар ...ни ҳисобга олмасдан, фақатгина ...ни қамраб олади.

Мавзунинг ишлаб чиқилганлик даражаси тавсифлангандан сўнг **диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассаси ёки илмий-тадқиқот муассасаси режалари билан алоқаси** кўрсатилади.

### НАМУНА

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси режалари билан алоқаси. Диссертация иши Тошкент давлат юридик университети илмий-тадқиқот режасига киритилган «Давлат ва жамият қурилиши тизимини ислоҳ қилишда қонунчилик жараёнини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» илмий-тадқиқот иши доирасида амалга оширилди.

**Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари.** Диссертация ишининг мақсади – нима учун тадқиқот амалга оширилаётганини тушунтириш: қандай долзарб муаммони ҳал қилади ва илмий фаолият натижаси нима бўлади каби саволларга жавоб беради. Яхши шакллантирилган мақсад ва вазифалар тадқиқотчига муаммони тўла ҳажмда қўйишга имкон яратади.

**Тадқиқотнинг мақсади – нима учун тадқиқот иши амалга оширилаётганига жавоб, унинг якуний натижага йўналтирилганлиги.** Мақсад қўйилган муаммодан келиб чиқади, муаммо эса диссертация мавзусидан аниқлаштирилади. Илмий тадқиқотда фақатгина битта мақсад бўлиши мумкин. Бу янги ҳодисанинг тавсифи, янги усулнинг ривожланиши ва бошқалар бўлиши мумкин. Мақсад аниқ, илмий услубда баён этилган бўлиши керак. Мақсадни шакллантиришни феъл билан бошлаш (ишлаб

чиқиш, ўрнатиш, асослаш) ва илгари сурилган илмий гипотезанинг семантик чегараларидан ташқарига чиқмаслик муҳим.

Мақсадни шакллантириб бўлгач, тадқиқотнинг вазифаларини қўйиш керак. Вазифалар қўйилган мақсадларни амалга ошириш режаси, берилган саволларга жавоб олиш учун бажарилиши керак бўлган босқичма-босқич ҳаракатлардир. Уларни амалга ошириш режаси диссертация мундарижасида, унинг боблари ва параграфларининг номларида акс этади ва улар текшириш, тизимлаштириш, топиш, тавсифлаш, ўтказиш каби феъллар билан бошланади. Битта тадқиқотда бир нечта вазифалар берилиши мумкин, уларнинг сони тадқиқотнинг мураккаблиги билан белгиланади.

*Олим тўғри жавобларни берган эмас,  
тўғри саволларни қўя олган кишидир.*

**Клод Леви-Стросс,  
француз этнографи, социолог ва маданиятшунос<sup>62</sup>**

**Диссертация тадқиқотининг объекти ва предмети. Объект** – муаммоли вазиятни келтириб чиқарадиган ва тадқиқотчи томонидан ўрганиш учун қабул қилинган жараён ёки ҳодиса. **Тадқиқот предметининг** тадқиқот объектидан асосий фарқи – предмет объектнинг бир қисмидир. **Предмет** – объект доирасида, чегарасида бўлган нарса. **Объект** – тадқиқотчи шуғулланадиган илмий билимларнинг бир қисми. Тадқиқот объекти бирламчи (кенгроқ тушунча), тадқиқот предмети иккиламчи бўлиб, унда тадқиқот объектининг маълум бир хусусияти таъкидланади.

**Тадқиқот ишининг методологик асоси**, яъни тадқиқотчи томонидан диссертация тадқиқотининг мақсадига эришиш учун фойдаланилган илмий билиш методлари тўплами автореферат ва диссертация кириш қисмининг мажбурий қисми ҳисобланади. Диссертация матнида тадқиқотчи ўзи томонидан фойдаланилган, унинг тадқиқ қилинаётган масаладаги дунёқарашини ва тадқиқот методларини тўғри танлашдаги салоҳиятини тасдиқлайдиган, диссертация тадқиқоти натижаларининг ишончлилигини белгилайдиган ҳар бир методни батафсил асослантириши керак.

Асосий методлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

<sup>62</sup> Душенко К.В. Большая книга афоризмов. 5-е изд., испр. – М.: Изд-во ЭКСМО-Пресс, 2001. – С.870.

**1. Қиёсий метод** – солиштириш мумкин бўлган ҳуқуқий тушунчалар, ҳодисалар, жараёнларни солиштириш ва улар орасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлашга асосланади.

**2. Тарихий метод** – аниқ тарихий материални ўрганишга ва ҳуқуқий ҳодисаларнинг пайдо бўлишидан ҳозирги ҳолатгача бўлган эволюциясини ўрганишга асосланади.

**3. Анализ ва синтез усули:**

- a) таҳлил – яхлитни қисмларга ажратиш ва унинг тузилиши ва тизимини аниқлаш, уни ташкил этувчи нарса ва ҳодисаларни таснифлаш. Бу ҳуқуқий давлатнинг таркибий элементларини (гипотеза, диспозиция, санкция), норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг таркибий элементларини, ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг таркибий қисмларини ва бошқаларни аниқлаш имконини беради;
- b) синтез – таҳлил натижасида аниқланган қисмларни бир бутунга бирлаштириш. Бу сизга янги тушунчаларни яратишга имкон беради. Синтез натижасида «ҳуқуқий давлат», «ҳуқуқ-тартибот», ҳуқуқий тизимлар (оилалар) ва бошқа шу каби тушунчалар келиб чиқди.

**4. Мантиқий метод** давлатлар, уларнинг ҳуқуқий тизимлари ва ҳуқуқий ҳодисалари расмий мантиқ ёрдамида текширилишини назарда тутди. Ушбу методологияда дедукция ва индукция техникаси сифатида аналогия ва ўзига хослик тамойиллари қўлланилади.

**Индукция ва дедукция методлари:**

- a) индукция – хусусий билимлар асосида умумий билим олиш. Шу тарзда бир қатор алоҳида субъектларнинг хусусиятлари орқали уларнинг умумий хусусиятларини билиб олишимиз мумкин;
- b) дедукция – умумий билимлар асосида алоҳида билимга ўтиш. А. Конан Дойл ҳикоялари қаҳрамони детектив Ш. Холмс жинойтларни очишда дедуктив методдан фойдаланганини айтиш мумкин.

**5. Ҳуқуқ фанида тизимли тадқиқот методи**

Тизимли методнинг бошида мураккаб ҳуқуқий ҳодисаларни ягона тизимнинг таркибий қисмлари сифатида ўрганиш туради. Ушбу методология ўзаро таъсир қилувчи омилларни ўрганиш зарур бўлганда қўлланилади. Масалан, ҳуқуқни турли соҳалар, муассасалар ва қоидалар тўплами сифатида кўриб чиқиш мумкин.

**6. Ҳуқуқ фанида функционал тадқиқот методи**

Функционал метод доирасида тадқиқотчилар ҳуқуқий институтлар ва ижтимоий ҳодисаларнинг турли функцияларини,

шунингдек, уларнинг бир-бири билан ўзаро таъсирини махсус ўрганадилар. Бу ўрганилаётган элементлар жамиятнинг қандай эҳтиёжларини ҳал қилишини тушунишга ёрдам беради.

## **7. Юриспруденцияда тадқиқотнинг тизимли-таркибий методи**

Юриспруденцияда тадқиқотнинг тизимли-таркибий методи давлат-ҳуқуқий элементларини яхлит тизим ва иерархик тузилма сифатида ўрганишдан иборат.

### **Ҳуқуқшунослик тарихида куйидаги махсус тадқиқот методлари алоҳида аҳамиятга эга:**

- *қиёсий ҳуқуқий метод;*
- *расмий ҳуқуқий метод;*
- *ҳуқуқий герменевтика методи;*
- *ижтимоий-ҳуқуқий эксперимент методи.*

**Шу билан бирга, замонавий шароитда тадқиқотда статистикадан фойдаланиш каби методларнинг роли ортиб бормоқда.** Ҳуқуқий статистиканинг аҳамияти шундан иборатки, у ҳуқуқий муаммоларнинг моҳиятини ва кўламини аниқлашга кўмаклашади, лекин ўз-ўзидан уларни қандай ҳал қилиш кераклиги ҳақидаги саволга жавоб бермайди.

Бундан ташқари, илмий тадқиқотларнинг энг муҳим тенденцияларидан бири барча тадқиқотларда гендер масалаларини асосий оқимга киритишдан иборат. Юридик тадқиқотларга гендер масалалари ёки гендер омилларини киритиш ҳуқуқий тадқиқотлар сифатини, айниқса, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тадқиқотларни яхшилаши мумкин. Гендер омилларини ҳисобга олиш ўрганилаётган муаммони чуқурроқ таҳлил қилишга, муаммонинг сабабларини кенгроқ аниқлашга ва янада самарали тавсиялар ишлаб чиқишга олиб келиши мумкин. Шу муносабат билан гендер омилни аниқлаш ва гендер масалаларини кўриб чиқиш ҳуқуқий тадқиқотларнинг асосий тамойил ва усулларидан бирига айланиши керак.

Қолаверса, бугунги кунда ҳуқуқий таъсир объекти тобора кўпроқ табиатан кўп қиррали ижтимоий жараён ва ҳодисаларга айланиб бормоқда. Шу муносабат билан сўнгги пайтларда ҳуқуқий масалаларни ўрганишга фанлараро ёндашувнинг аҳамияти масаласи кенг муҳокама қилинмоқда. Бу ёндашув ҳуқуқ тизимида табиатан кўп қиррали муаммоларни ҳал қилишга қаратилган мураккаб тузилмаларнинг шаклланиши шароитида, айниқса, долзарб ҳисобланади. Ушбу ёндашув мураккаб ижтимоий жараёнларни, шунингдек, чегара тармоқлари, давлат ва хусусий

ҳуқуқ институтлари кесишмасида юзага келадиган муаммоларни самарали бошқаришга эришишга имкон беради. Демак, ҳуқуқий тадқиқотлар олиб борилаётганда юридик адабиётлар билан чекланиб қолмаслик шарт. Муаммоларни яхшироқ тушуниш ва яхшироқ ечимларни топиш учун тадқиқот мавзуси билан боғлиқ бошқа соҳаларни ўрганиш муҳимдир.

**Назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг амалий аҳамияти деганда **мавзуга оид материални очиб бериш, тадқиқотнинг объекти ва предмети ҳақидаги янги маълумотларни тақдим қилиш** тушунилиши керак. Илмий-тадқиқот ишига қўйилган муҳим зарурий талаблардан бири илмий тадқиқотнинг қийматини назарий жиҳатдан тавсифлаш ҳисобланади. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти тадқиқотчига мавжуд билишга қўшган ҳиссаси нимада эканлигини аниқлаштиришда ёрдам беради.

**Илмий янгилик – илм-фаннинг аввал ҳеч ким қилмаган ёки ўрганмаган соҳаси.**

*«Илм-фан Ватаннинг энг юксак тимсоли бўлиши керак, чунки барча даврларда ҳар доим фикрлаш ва ақлий фаолият соҳасида бошқалардан устун турадиган халқ биринчи ўринда бўлади».*

**Луи Пастер,  
француз микробиологи и кимёгар олими<sup>63</sup>**

Илмий янгиликни шакллантириш ҳам диссертация матнида ёзилиши керак бўлган, ҳам ҳимояга киритиладиган энг муҳим элементлардан биридир. Яъни агар тадқиқотчи ўз ишининг хусусиятига тўлиқ асос қилиб **«биринчи марта»** тушунчасидан фойдаланади ва бу диссертация ишида илмий янгилик бор эканлигини билдиради. Бундан ташқари, тадқиқотчи унинг тадқиқот мавзуси бўйича чоп эттирган ишларидан аввал бу каби тадқиқотлар ёки натижалар мавжуд бўлмаганлигини тасдиқлаши керак.

**Диссертация ҳар томонлама янги бўлиши шарт эмаслигини эътиборга олиш керак. Ишда янгилик элементлари борлигининг ўзи** етарли. Бу каби элементлар тадқиқотчи томонидан қўлланилган янги тушунчалар, янги мустақил эксперимент

<sup>63</sup> Ершин. О. Афоризмы. Золотой фонд мудрости. – М.: Просвещение, 2006. – С.1267.

каби нарсалар бўлиши мумкин. Бу янгиликка илм-фанда эҳтиёж ҳам бўлиши керак. Шу билан бирга, диссертацияда янгилик қилинганлигини шунчаки айтиш етарли эмас. Илмий янгилик тан олинishi учун уни пухта асослаш, қонунийлигини исботлаш зарур. Одатда, ишнинг илмий янгилиги адабий манбалар, илмий ишлар, ҳимоя қилинган диссертациялар, диссертация тадқиқотлари мавзусидаги нашрларни синчковлик билан таҳлил қилиш билан тасдиқланади.

**Агар диссертация ишида қуйидагилар бўлса, диссертациянинг илмий янгилиги исботланган ҳисобланади:**

- қўйилган вазифаларнинг янги ечимлари асосланганлиги;
- муаммоларни ҳал қилишнинг янги тамойиллари ишлаб чиқилганлиги, янги ҳодисалар ўрганилганлиги;
- янги методлар тақдим этилганлиги.

Диссертация тадқиқот ишида илмий янгилигини тақдим этишда унинг бошқа мавжуд ишлардан фарқи берилиши керак. Бунда илмий янгилик тушунчасида «мавжуд тушунчалардан фарқли равишда ...»; «самарали ...га ёрдам берувчи янги метод» ва шу каби жумлалардан фойдаланилади.

Ундан кейин **тадқиқотнинг амалий натижалари ва тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ёзилиши лозим.

## НАМУНА

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Ҳар бир бобдаги хулосаларда, шунингдек, диссертациянинг хулоса қисмида қонунчилиқни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллатириш бўйича умумназарий хулосалар ва тақлифлар бўлади. Улар назарий қарашлар, ушбу соҳадаги халқаро ҳужжатлар, хорижий давлатлар қонунчилиги, миллий қонунчилик нормалари, шунингдек, уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили бўлади.

Тадқиқот базасида келтирилган ахборот базасининг ишончлилиги фақатгина расмий босма ва электрон нашрларда чоп этилган статистик маатериаллар, шунингдек, монография тадқиқотларида тасдиқланган ва чоп этилган натижалардан фойдаланиш орқали аниқланади.

Хулосалар, тақлифлар ва тавсиялар апробациядан ўтказилади, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда чоп этилади. Олинган натижалар ваколатли муассасалар томонидан тасдиқланади ва амалиётга жорий қилинади.

**Тадқиқотнинг назарий аҳамияти қуйидагиларда ифодалангани:**

- *Муаммони ёритиш, вазифалар қўйиш (масалан, зўравонликни йўқ қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ҳоказо);*
- *муаммони илгари ўрганилмаган томондан кўрсатиш. Ушбу соҳада янги ишланмаларни бошлаш;*
- *хулосалар амалий қисмини оптималлаштиришини исботлаш;*
- *назарияни ривожлантиришга, мавжуд билимни тўлдиришга ҳисса қўшиш;*
- *ушбу соҳада изланишни давом эттиришга қизиқиш уйғотиш, стимул яратиш.*

Шу тарзда муваффақиятни амалга оширилган изланишлар ушбу соҳада бўлғуси ишлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Натижаларнинг амалий аҳамияти (қиймати)** автореферат ва диссертациянинг кириш қисми учун мажбурий бўлим ҳисобланиб, унда тадқиқот натижаларини амалиётда қўллаш масалалари ифодаланади: олинган натижаларни амалиётда қўллаш ёки улардан фойдаланиш бўйича тавсиялар келтирилади.

Илмий фаолиятнинг энг муҳим жойи тадқиқот натижаларидан амалиётда фойдаланиш бўлади, чунки бунда илм-фандан халқ хўжалигининг тармоғи сифатида фойдаланишнинг якуний мақсади ётади. Албатта, барча тадқиқот ишлари ҳам амалиётга жорий этилмаслиги мумкин. Баъзи тадқиқотлар фаннинг ўзини, унинг фактлари базасини, унинг назариясини ривожлантириш учун амалга оширилади. Фактларнинг, концепцияларнинг маълум «танқидий массаси» тўпланиб қолгандагина илм-фан ютуқларини оммавий амалиётга жорий қилиш содир бўлади.<sup>64</sup>

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти автореферат ва диссертациянинг кириш қисмида қисқача кўринишда берилади. Икки ёки учта жумлада тадқиқот натижаларидан фойдаланиш ёки амалий фойдаланиш бўйича тавсиялар тавсифланади, агар мавжуд бўлса, фойдаланиш шакли ва фойдаланишни тасдиқловчи ҳужжатларнинг тафсилотлари кўрсатилади.

Тадқиқот натижаларидан амалиётда фойдаланиш диссертация ишининг амалий натижалар жорий қилинган ташкилотларнинг ишида фойдаланишда бўлган аниқ натижалари кўрсатилган жорий қилиш ҳужжатлари билан расмийлаштирилади.

<sup>64</sup> Резник С.Д. Докторант высшего учебного заведения: учеб. пособие / С.Д. Резник. – Пенза: ПГУАС, 2013. – С.114.

Натижалардан амалий фойдаланиш турли хил дастурлар, қоидалар, ривожланиш прогнозлари, норматив ҳужжатлар, инструкция ва бошқаларга киритиш орқали тасдиқланиши мумкин. Натижалардан амалиётда фойдаланилаётганини тасдиқловчи ҳужжатлар тадқиқотнинг натижалари киритилган амалиётга жорий этиш ҳужжатлари, давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, тасдиқланган норматив ҳужжатлар, тавсиялар, услубий кўрсатмалар бўлиши мумкин. Натижалардан амалиётда фойдаланиш, шунингдек, натижалар ўқув ва илмий муассасаларнинг маълумотномалари билан тасдиқланган ўқув-услубий адабиётларга (дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар ва бошқ.) киритиш орқали ҳам тасдиқланиши мумкин.

Ундан кейин **«Натижаларни жорий қилиш»** қисми келади. Ушбу қисмда диссертантнинг қандай таклифи қабул қилингани ва натижалар жорий этилгани тўғрисидаги маълумотномани кўрсатиш керак бўлади.

*Охир-оқибат барча олинган билимлардан хотирамизда биз  
фақат амалда қўллаганларимизгина қолади.*

**Иоганн Эккерман,  
немис ёзувчиси<sup>65</sup>**

Тадқиқот натижаларини жорий қилиш деганда уларни аниқ бир ташкилотлар ёки муассасалар фаолиятида фойдаланиш тушунилади. Бу тадқиқот натижалари жорий қилинганлиги ҳақидаги далолатнома ёки маълумотнома кўринишида расмийлаштирилади, ташкилот раҳбари томонидан имзоланади ва муҳрланади. Диссертация тадқиқотининг натижалари қуйидаги соҳаларда жорий қилиниши мумкин:

- ташкилотларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида;
- ташкилотларнинг илмий фаолиятида;
- олий ва ўрта таълим муассасаларининг, умумтаълим мактабларининг ва бошқаларнинг ўқув жараёнида.<sup>66</sup>

<sup>65</sup> Антология мудрости / сост. В.Ю. Шойхер. – М.: Вече, 2007. – С.618.

<sup>66</sup> Резник С.Д. Докторант высшего учебного заведения: учеб. пособие / С.Д. Резник. – Пенза: ПГУАС, 2013. – С.238.

## НАМУНА

Миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштириш бўйича диссертация таклифлари қабул қилинди:

«Эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ва тенг имкониятларнинг қафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасига гендер статистикаси ҳақидаги қоидаларни киритиш ҳақидаги таклифлар аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва аниқ ифоадаланган индикаторлар асосида қонунчилик нормаларини бажаришни таҳлил қилиш мақсадида қонун лойиҳасининг 3-моддасида «Асосий тушунчалар»ни ишлаб чиқишда фойдаланилди (2019 йил 19 мартдаги 07/411-сонли тадқиқот натижаларини жорий қилиш тўғрисидаги маълумотнома, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази). Мазкур таклифларни қабул қилиш келгусида қонунчиликни самарали мониторинг қилишда ёрдам беради.

**Натижаларнинг апробацияси.** Апробация – диссертацияни ёзиш жараёнида олинган тадқиқот натижаларига берилган холис баҳо. Апробация олиш учун маълум мавзу бўйича маъруза билан чиқиш, оммавий мунозарада иштирок этиш ёки илмий журналда натижаларни нашр қилиш керак. Апробация тадқиқотчининг илмий тадқиқотига илмий ҳамжамият томонидан берилган баҳо сифатида тушунилади.

## НАМУНА

**Илмий ишнинг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та илмий конференциялар давомида маърузалар ва тезислар шаклида апробациядан ўтган бўлиб, конференцияларнинг иккитаси халқаро, иккитаси республика доирасидаги конференциялардир.

Диссертация иши материалларини илмий жамиятга етказишнинг энг кенг тарқалган йўли тадқиқотчининг илмий конференциялар, симпозиумлар, кафедралар мажлисларида чиқишларда иштирок этиши, илмий ҳамжамиятнинг турли кўринишдаги тадбирларида қатнашиши, тадқиқот мавзуси бўйича турли органларга таклифларни тайёрлаши ва юборишидир. Тадқиқотчининг китоб, конференциялардаги маърузалар тезисини чоп этиши, илмий тадқиқотлар қисмларини жойлаштириши ҳам тадқиқот натижаларининг апробацияси ҳисобланади.

## «НАТИЖАЛАР АПРОБАЦИЯСИ» БЎЛИМИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ЖУМЛАЛАР

Диссертация тадқиқотининг асосий натижалари ... илмий-амалий конференциясига, ...симпозиумига, ... учрашувига тақдим қилинди.

Диссертация мавзуси бўйича ишнинг назарий принциплари ва натижаларини акс эттирган монография, иккита ўқув қўлланма, бешта мақола чоп этилди.

Тадқиқот натижалари ... илмий-тадқиқот иши ҳақидаги ҳисоботга киритилган.

Тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги кириш қисмининг мажбурий қисми ҳисобланади.

### НАМУНА

**Тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги.** Диссертант томонидан мазкур мавзуда 22 та илмий иш чиқарилган. Хусусан, докторлик диссертациясининг асосий натижаларини чоп этиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси тавсия қилган илмий журналларда 17 та мақола чоп этилган, шулардан 5 таси чет элда, 2 та илмий тезис республика илмий конференцияларида, 2 та илмий тезис халқаро илмий конференцияларда чиқарилган.

### ҲУҚУҚИЙ АСОС

Эълон қилинган илмий ишлар диссертациянинг илмий янгилигини акс эттириши керак. Диссертация натижалари халқаро ва республика доирасида ўтказилган илмий конференцияларда ва семинарларда апробациядан (муҳокамадан) ўтказилиши шарт.

Диссертациянинг асосий илмий натижалари даврий илмий нашрларда эълон қилиниши лозим. Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида эълон қилинган асосий илмий ишлар яқка муаллифликда бажарилган бўлиши керак (археология ихтисослиги бундан мустасно).

## ҲУҚУҚИЙ АСОС

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация бўйича эълон қилинган илмий ишларнинг умумий сони 7 тадан кам бўлмаслиги керак. Улардан камида 3 та илмий мақола (жумладан, нуфузли хорижий илмий журналларда 1 та мақола) илмий нашрларда чоп этилиши лозим. Диссертация натижаларининг халқаро ва республика илмий ва илмий-амалий конференцияларида кенг муҳокамаси асосида камида 2 та материал (мақола, маъруза ёки маъруза тезиси) халқаро конференция материаллари тўпламида эълон қилинган бўлиши шарт.

Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация бўйича эълон қилинган илмий ишларнинг умумий сони 15 тадан кам бўлмаслиги ҳамда улардан илмий нашрларда камида 10 та мақола, улардан 1 таси тегишли фан тармоғи ривожланган хорижий мамлакатларнинг нуфузли ихтисослашган илмий журналларида эълон қилинган бўлиши керак.

Диссертация натижаларининг халқаро ва республика илмий ва илмий-амалий конференцияларида кенг муҳокамаси асосида камида 2 та материал (мақола, маъруза ёки маъруза тезиси) халқаро конференция материаллари тўпламида эълон қилинган бўлиши шарт. Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳалари бўйича диссертация натижалари юзасидан монография эълон қилиниши керак.

**2017 йилдаги Илмий даражаларни бериш тўғрисидаги Низом<sup>67</sup>**

Кириш қисмининг якунида **диссертациянинг тузилиши ва ҳажми** кўрсатилади.

## НАМУНА

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Мазкур диссертация кириш, учта боб, тўққизта параграф, хулоса, шунингдек, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 148 саҳифадан иборат.

<sup>67</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/4-сонли Қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 июнда 2894-сон билан рўйхатга олинган.

### 3.3. АСОСИЙ ҚИСМ

*Билим қайтариш ва такрорлаш мевасидир.*

**Абу Райҳон Беруний**

Ҳажм бўйича ишнинг асосий қисми умумий матннинг 70 – 80% ни ташкил қилади ва тузилишиг кўра диссертация режаси билан мос келади. Ушбу қисмда тадқиқотингизнинг бориши тавсифланади, унинг оралиқ натижалари асослантирилади ва шакллантирилади. Асосий қисмга қатъий талаблар қаторига исботланганлик, кетма-кетлик, ортиқча, мажбурий бўлмаган ва баландпарвоз материал матнининг бўлмаслиги киради.

Асосий қисм иккита мазмуний қисмни ўз ичига олиши керак – назарий ва амалий. Назарий қисм илмий адабиётлар таҳлилини ўтказиши, масаланинг ўрганилганлик ҳолатини кўриб чиқади, тадқиқот олдида турган методологияни таҳлил қилади. Одатда, назарий қисм биринчи келади ва у «...нинг назарий-ҳуқуқий асослари» деб номланади.

Қолган боблар амалий қисм бўлиб, манбаларни таҳлил қилишни ва ушбу таҳлил асосида янги қоидалар ва хулосаларни ишлаб чиқишни назарда тутди.

**Биринчи боб**, одатда, адабий манбаларни таҳлил қилиш асосида тадқиқот объектининг назарий жиҳатларини ўрганишга бағишланади. Диссертация матнини ёзишда муаллиф томонидан фойдаланилган барча манбалар ҳаволалар рўйхатида кўрсатилиши шарт. Кейинги тадқиқотлар учун тегишли бўлган барча маълумотлар ушбу бобда тақдим этилиши керак.

Биринчи бобда янги таъриф ишлаб чиқиши, мавжуд таъриф тўлдирилиши, тасниф кенгайтирилиши, методика ишлаб чиқиши, шунингдек, муаммонинг ривожланиш босқичлари, қонунияти аниқланиши мумкин.

Диссертациянинг **иккинчи бобида**, одатда, ўрганилаётган соҳадаги ишларнинг ҳолати, социологик тадқиқотлар натижалари, такомиллаштирилган ёки ўрганиш мавзусига мослаштирилган усулларнинг қўлланилиши ва бошқалар ўрганилади.

Диссертациянинг **учинчи боби** ўрганилаётган объектнинг ривожланиш лойиҳалари ва сценарийлари, методология, принциплар ва қонуниятларни ҳисобга олган ҳолда кириш қисмида мақсад сифатида белгилаб олинган муаммони ҳал қилишни ўз ичига олади.

## ХУҚУҚИЙ АСОС

Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация кириш қисми, камида тўртта боб, асосий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлган шаклда расмийлаштирилади. Диссертациянинг матни 100 варақдан (варақнинг олди ва орқа томонига матн туширилади) ошмаслиги керак (фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар кўрсатилган ҳажмга кирмайди).

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация кириш қисми, камида учта боб, асосий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлган шаклда расмийлаштирилади. Диссертациянинг матни 60 варақдан (варақнинг олди ва орқа томонига матн туширилади) ошмаслиги керак (фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар кўрсатилган ҳажмга кирмайди).

Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги диссертация ҳажми кўпи билан 30 фоизга оширилиши мумкин.

**(2017 йилдаги Илмий даражаларни бериш тўғридаги Низом<sup>68</sup>)**

<sup>68</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 майдаги 239/4-сонли Қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 июнда 2894-сон билан рўйхатга олинган.

### 3.4. ХУЛОСА

*Илмга мойилликдан кўра табиийроқ интилиш бўлмайди.*

**Мишель Монтень**

Диссертациянинг хулоса қисми бутун ишнинг натижалари бўйича қилинган хулосалардан иборат бўлади. У ҳажм бўйича энг катта қисм бўлмаса ҳам, энг муҳим аҳамиятга эга бўлган қисмдир. Чунки унда ишингизнинг якуний натижалари якуний ва мантиқан мукамал шаклда илмий ҳамжамиятга тақдим этилиши керак.

*Илм-фанда ғояларни излаш керак. Ғоя бўлмаса, илм-фан ҳам йўқ. Фактларни билишнинг қиймати уларда ғояларнинг яширинганлигидандир: ғояларсиз фактлар бош ва хотира учун ахлатдир.*

**Виссарион Григорьевич Белинский,  
рус адабиёт танқидчиси<sup>69</sup>**

Хулоса нафақат эришилган натижаларни умумлаштириш, балки баён қилишнинг эксплицит ва имплицит даражаларини уйғун ҳолда бирлаштирувчи синтез тури, мавзу бўйича алоҳида натижалар, умуман, ишингизнинг умумлаштирилган якуни ҳамдир. Хулосада олинган фикрларни кириш қисмида қўйилган мақсад ва вазифалар билан боғлаш, келтирилган хулосаларни бир бутун ҳолга келтириш, ўз ишининг муваффақиятини баҳолаш керак. Баъзида хулосанинг матнини хулосаларнинг рўйхати сифатида ҳар бири аниқ бир хулосанинг асоси бўладиган пунктларга бўлиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Агар иш назарий натижалар билан бир қаторда амалий натижаларга ҳам эга бўлса, буни ҳам хулосада айтиб ўтиш керак. Бундан ташқари, натижалар асосида мазкур мавзу бўйича келгуси тадқиқотларнинг истиқболларини баҳолаш, бу борада юзага келадиган янги муаммоларни белгилаш, мавжуд иккиламчи таъсирлар ва ғояларни тавсифлаш ва уларнинг илмий истиқболларини баҳолаш керак.

<sup>69</sup> Мудрость России / авторы-составители А.Ю. Кожевников, Т.Б. Линдберг – СПб.: Издат. Дом «Нева», 2005. – С.214.

Кириш қисмида қўйилган ҳар бир мақсадга эришилиши ва бу хулоса қисмида келтирилиши керак. Диссертациянинг кириш ва хулосаси бир-бирига тўлиқ мос келиши ва қарама-қаршилиқ бўлмаслиги керак. Баъзида диссертация кенгаши аъзолари диссертантнинг малакасини баҳолаш учун фақатгина шу иккита бўлимни ўқишади. Бу асосида тўлиқ диссертация ҳақида хулоса қилиш мумкин бўлади.

Одатда, хулоса 2 қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисмда хулосалар, иккинчи қисмда қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилади.

*Муаммони у вужудга келган даражада ҳал қилиш мумкин эмас. Кейинги даражага кўтарилган ҳолда бу муаммодан юқорироқда бўлиш керак.*  
**Альберт Эйнштейн, немис физик олими<sup>70</sup>**

Хулоса асосида диссертация кенгаши диссертантга илмий даража бериш тўғрисида ҳал қилувчи хулоса қилиши мумкин, шунинг учун ушбу бўлим мавзунинг ўзига хослигини ҳисобга олиб ва ҳар бир ёзилган сўзни ўқиб, максимал даражада расмийлаштиришни талаб қилади.

<sup>70</sup> Антология мудрости / сост. В.Ю. Шойхер. – М.: Вече, 2007. – С.598.

## 3.5. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### (библиографик рўйхат)

Хулосадан кейин, одатда, фойдаланилган адабиётлар рўйхати келади. Бу рўйхат муаллиф томонидан ишни амалга ошириш жараёнида фойдаланилган адабиётлар манбасининг рўйхатидир.

Библиографик аппарат – диссертациянинг жуда муҳим қисми. Биринчидан, ўқувчилар учун тадқиқот мавзуси бўйича манбаларнинг қимматли кўрсаткичидир; иккинчидан, у муаллифнинг илмий маданиятини, унинг мавзуга қанчалик кириб борганлигини ва фойдаланилган манбаларнинг муаллифларига нисбатан позициясининг ахлоққа мувофиқлигини муҳокама қилиш имконини беради.

Ушбу рўйхатга кирган ҳар бир адабиёт манбаси диссертация қўлёзмасида акс этиши керак. Бошқа олимларнинг ишларидан олинган фактларга ҳавола қилаётганда изоҳда материаллар қаердан олинганини кўрсатиш керак. Библиографик рўйхатга диссертация матнида ҳавола берилмаган ва фойдаланилмаган манбаларни, шунингдек, энциклопедиялар, маълумотномалар, илмий-оммабоп китоблар, газеталарни келтирмаслик керак. Агар шу каби нашрлардан фойдаланишга эҳтиёж бор бўлса, уларни саҳифа остидаги ҳаволада келтириш мумкин.

Адабиётлар рўйхатида диссертант уларнинг асосида ишини бажарган барча муҳим манбаларни қайд этади. Одатда, булар китоблар, журналлар, мақолалар, даврий нашрлар, дастурлар, маълумотнома адабиётлар, статистикалардир. Адабиётлар рўйхати 100 – 600 пунктдан иборат бўлади. Одатда, гуманитар тадқиқотларда 600 га яқин манбалардан фойдаланилади. Техник тадқиқотларда эса анчагина кам бўлади.

**Ҳуқуқ соҳасидаги тадқиқотларда, қоидага кўра, адабиётлар рўйхати қуйидаги турдаги манбаларни ўз ичига олади:**

I. Раҳбарий адабиётлар. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари кўрсатилади.

## НАМУНА

### I. РАҲБАРИЙ АДАБИЁТЛАР

1.1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Тошкент, 2016. – 56 б.

1.2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. 2017 йил 14 январь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

1.3. *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2016 йил 7 декабрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.

1.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқи. *Нью-Йорк ш., 2017 йил 19 сентябрь // Халқ сўзи. 2017 йил 20 сентябрь.*

II. Халқаро ҳужжатлар

## НАМУНА

### II. ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАР

1.10. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва БМТ Халқаро Судининг Статути. – Тошкент: Оммавий ахборот маркази, 2012. – 52 б.

1.11. 1948 йил 10 декабрдаги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси // Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар / Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Тошкент: Адолат, 1998. – Б.9 – 16.

## НАМУНА

1.12. 1966 йил 16 декабрдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт // Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар / Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Тошкент: Адолат, 1998. – Б.440 – 465.

### III. Миллий қонунчилик

## НАМУНА

### III. МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

1.45. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 46 б.

1.46. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1995 й., №12 – Б.262; 2003 й., №5. – Б.67; 2004 й., №1 – 2. – Б.18; Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари тўплами, 2005 й., №49 – 50. – Б.365; 2017 й., №37. – Б.978; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. 19.04.2018 й., №03/18/476/1087.

1.47. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги ЎРҚ-760-І сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., №5. – 112 б.

1.48. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари тўплами. 2004 й., №37. – Б.408; №51. – Б.514; 2008 й., №52. – Б.510; 2012 й., №51. – Б.574; 2015 й., №52. – Б.645.

1.49. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги «Одам савдоси қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари тўплами. 2008 й., №16. – Б.118; 2017 й., №37. – Б.978.

#### IV. Махсус адабиётлар

### НАМУНА

#### **II. МОНОГРАФИЯЛАР, ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР, ПАТЕНТЛАР, ИЛМИЙ ТЎПЛАМЛАР**

2.75. Воевода Е.В. и др. Женщины-дипломаты в России: к вопросу о гендерном дисбалансе // Женщина в российском обществе. 2018. №4. – С.24 – 35.

2.76. Гнедаш А. Национальный механизм гендерного равенства в современной России и странах мира: акторы, глобальный и локальный уровни, сетевые ресурсы // Женщина в российском обществе. 2016. №4. – С.3 – 21.

2.77. Головинова Ю.В. К характеристике международно-правовых актов, закрепляющих социально-экономические права женщин // Научно-методический журнал «NovalInfo.Ru». 2017. №59. – С.241 – 244.

2.78. Гончарова Ю. Становление и развитие института защиты прав женщин в системе обеспечения прав человека // Национальный юридический журнал: теория и практика. Декабрь 2014. – С.45 – 50.

Шунингдек, тадқиқот мавзусидан келиб чиқиб ва тадқиқотчининг хоҳишига кўра тадқиқотнинг мавзуси бўйича ахборот берадиган электрон манбалар, сайтларни ўз ичига олувчи «Бошқа манбалар» бўлимини ҳам қўшиш мумкин.

**ИЛОВАЛАР.** Диссертациянинг асосий қисми матнини кўпайтириб юборадиган ёрдамчи ёки қўшимча материаллар иловага жойлаштирилади. Илованинг мазмуни жуда хилма-хил: асл ҳужжатларнинг нусхалари, ҳисобот материалларидан парчалар, ишлаб чиқариш режалари ва протоколлари, кўрсатмалар ва қоидалардан алоҳида қоидалар, илгари нашр этилмаган матнлар, ёзишмалар ва бошқалар. Иловалар рўйхатига, одатда, турли сабабларга кўра асосий қисмга киритилмаган мисоллар, графикалар, расмлар, диаграммалар киритилади.

Иловалар шаклига кўра матн, жадваллар, графикалар, хариталар шаклида бўлиши мумкин. Иловалар диссертация охирида жойлаштирилади. Ҳар бир илова янги саҳифадан, юқори ўнг бурчагида «Илова» сўзи билан бошланиши ва тематик сарлавҳага эга бўлиши керак.

Агар иловалар бирдан ортиқ бўлса, улар араб рақамлари билан (№ белгисиз) рақамланади, масалан: «1-илова», «2-илова» ва ш.к. Иловаларнинг саҳифа рақами асосий қисмнинг саҳифа

рақамини давом эттириши лозим. Асосий матн билан иловаларнинг алоқаси «қаранг» сўзи билан ишлатилувчи ҳаволалар орқали амалга оширилади. Масалан, (1-иловага қаранг).

Агар материал муаллифнинг шахсан ўзи томонидан тайёрланган бўлса, иловада тестлар ёки анкеталар келтирилади. Барча иловалар тартиб бўйича рақамланади. Агар битта илова бир нечта саҳифадан иборат бўлса, илованинг биринчи саҳифасига «1-илова» деб ёзилади, кейинги саҳифага эса «1-илова (давоми)» деб ёзилади. Агар иловалар жуда кўп саҳифаларни эгаллайдиган бўлса, уларни алоҳида материал сифатида чиқариш мумкин.

## ҲУҚУҚИЙ АСОС

Диссертация тадқиқотида замонавий талабларга жавоб берадиган адабиётлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Диссертацияда фойдаланилган адабиётлар рўйхати изланувчининг хоҳишига кўра алифбо тартибида, систематик ёки матнда ҳавола қилиниш кетма-кетлиги тартибида келтирилади. Фойдаланилмаган ва ҳавола қилилмаган адабиётларни рўйхатга киритиш тақиқланади.

Диссертацияда фойдаланилган материалларнинг манбаси, уларнинг муаллифи ва номи тўлиқ кўрсатилиши, шунингдек, ҳаммуаллифларнинг ғоя ёки ишланмаларидан фойдаланилган тақдирда, диссертация ва диссертация авторефератида бу ҳақда қайд этилиши шарт.

Изланувчи ҳаммуаллифликда яратилган (ёзилган) илмий ишидаги фақат ўзининг ҳиссасини диссертациясига киритиши мумкин.

Ўзганинг материалдан унинг муаллифи ва манбасини кўрсатмасдан фойдаланилган ҳолларда диссертация, у қайси босқичда кўрилатган бўлишидан қатъи назар, муҳокамадан олиб ташланади ва талабгор ушбу мавзу бўйича диссертацияни қайта ҳимоя қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

**(2017 йилдаги Илмий даражалар бериш тўғрисидаги Низом<sup>71</sup>)**

<sup>71</sup> Утверждено Постановлением Президиума Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан от 31 мая 2017 года №239/4 ЗАРЕГИСТРИРОВАНО Министерством юстиции Республики Узбекистан 23 июня 2017 года, №2894.

## 3.6. ҲИМОЯДА ОҒЗАКИ ТАҚДИМОТ

*Файласуфлик қилишни истовчи аввало ҳамма  
нарсга шубҳа билан қарамоғи жоиз.  
Жордано Бруно*

Илмий даража олишга даъвогар бўлган кўплаб тадқиқотчилар уларнинг асосий вазифаси яхши диссертация иши ёзиш эканлигига ишонишади. Аслида, битта эмас, балки камида иккита вазифани ҳал қилиш керак. Биринчидан, яхши иш тайёрлаш керак бўлса, иккинчидан, уни муваффақиятли ҳимоя қилиш керак бўлади. Лекин бу илмий эмас, балки ўзининг ҳал қилиш йўллари ва усулларини талаб қиладиган бошқарув масаласидир.

*Илм-фанда шон-шухратга ғояни биринчи бўлиб олиб  
келганга эмас, балки ушбу ғояга дунёни ишонтиролган  
киши эришади.  
Фрэнсис Дарвин,  
инглиз ботаниги, Ч. Дарвиннинг ўғли*

Диссертация ҳимояси – сўнги босқич ва унга жиддий ёндашиш керак. Барча экспериментлар, натижалар таҳлили, кўплаб адабиётларни ўрганиш тадқиқотингизнинг моҳиятини қанчалик тушунишингизга олиб боради. Мақсад – фалсафа доктори ва фан доктори даражасини олиш учун комиссия ва академик жамоатчиликка тадқиқотнинг сифатли бажарилганини ва ишни тўлиқ тушунгани ҳақида ҳеч иккиланмасдан гапира олишини, исталган эҳтимолий саволларга жавоб бера олишини намойиш қилган ҳолда натижаларни тақдим этиш.

### ТАВСИЯЛАР

#### 1. Тайёрланинг ва машқ қилинг

Диссертация ҳақидаги ҳужжатни комиссияга тақдим қилгунингизгача, шунингдек, ҳужжатни топширгандан кейин ҳимояга бўлган оралиқ даврда ҳар бир дақиқани диссертация ҳимоясига тайёрланиш ва машқ қилиш билан ўтказинг.

## ТАВСИЯЛАР

### 2. Турли тақдимотларда қатнашинг

Диссертация ҳимоясини хотиржам қабул қилиш учун бошқа диссертация ҳимояларини кузатиб боринг, бошқа тадқиқотчиларнинг чиқишларни олиб бориш тактикасини ўрганинг ва диссертация ҳимоя қилишнинг жамият учун аҳамиятини ангаб олинг. Чиқиш қилишга тайёрланар экан, тадқиқотчи ҳеч бўлмаса бир марта ўзининг диссертация ҳимояси режалаштирилаётган кенгашдаги диссертация ҳимоясида иштирок этиши керак. Бунда нафақат бошқа даъвогарлар ўз чиқишларини қай тарзда амалга оширганлигига, балки кенгаш аъзолари ўзларини қандай тутганликларига, диссертантлар жавоб берган саволларга ҳам эътибор қаратишлари керак.

### 3. Тақдимнома тайёрлаш учун ўзингизга етарлича вақт ажратинг

Диссертация учун мукамал слайдлар тайёрлашга қўшимча вақт сарфланг. Тақдимотнинг мантиқий оқимини яратиш учун слайдларда керакли маълумотлар борлигини ва таклифларингиз ишончлилигини текширинг.

### 4. Яхши чиқиш қилишга эътибор қаратинг

Биринчи яхши таассурот қолдириш жуда муҳим, шунинг учун нутқингиз энг муҳим нарсаларга қаратилганига ва ишингиз ҳақида кўпроқ билишга қизиқиш уйғотишига ишонч ҳосил қилинг.

### 5. Кераксиз мавзулардан қочинг

Ортиқча гапларни айтишдан қочиш керак. Ўз ишингизга, ажойиб тадқиқот ишини тақдим этишга эътибор қаратинг. Профессионал ва аниқ хатти-ҳаракатларни сақланг.

**Диссертация** ҳимоя қилиш, шу жумладан, юриспруденция бўйича ҳимоя қилиш илмий даражаларни олиш учун диссертация ҳимояси бўйича давлат даражасида тегишли вазирликнинг буйруғи билан белгиланган. У кенгаш йиғилишидан бошланади, у ерда кириш қисмида раис диссертация ҳимоясини эълон қилади, иш мавзуси ва талабгор-тадқиқотчининг исми эълон қилинади. Унга расмий оппонентлар, раҳбар ва етакчи ташкилотнинг маълумотлари кўрсатилади.

Шундан кейин илмий кенгашнинг илмий котиби кириш сўзини олади, унда муаллиф томонидан тақдим этилган материалларни ўз ичига олувчи маълумотни эълон қилади. Диссертация ва автореферат ҳақида, илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий

қилиш ҳужжатлари бўйича кенгашга берилган, сайтга жойлаштирилган ва электрон почтага келиб тушган изоҳлар маълум қилинади. Илмий котибнинг нутқидан кейин унга миннатдорчилик билдирган ҳолда изланувчи ўзининг ҳимоя нутқини бошлайди.

Ҳар бир диссертациянинг ҳимояси ўзига хос, бироқ бу каби муҳим ва аҳамиятли воқеага тайёрланиш стратегиялари мавжуд. Амалиёт кўрсатиб турибдики, ҳимоя нутқи ихтиёрий шаклда амалга оширилади, тадқиқотчи томонидан тадқиқотнинг асосий илмий ва якуний қоидалари тақдим қилинади. Айтилаётган сўзлар авторефератдаги сўзлар билан бир хил бўлмаслиги керак, чунки автореферат тадқиқотчининг нутқи бошланишидан олдин ёки нутқи вақтида кенгашнинг кўплаб аъзолари томонидан ўрганган бўлади.

### **Диссертация ҳимоясида нутқнинг тузилишига мисоллар**

Шартли равишда диссертация ҳимояси нутқини учта асосий қисмга бўлиш мумкин:

1. кириш қисми;
2. асосий қисм;
3. якуний қисм.

**Кириш қисмида** муаллиф нутқини танланган мавзунинг долзарблигини кўрсатиш ва бунга тасдиқ келтиришдан бошлаши керак. Бунда тадқиқотчи томонидан диссертация ишининг объект ва предмети фойдаланилган методологияга эътибор қаратилган ҳолда тавсифланиши керак. Кириш қисмининг якуни ҳимояга киритилган аниқ шакллантирилган илмий қоидалар ва уларнинг илмий янгилигини очиб бериш бўлади.

**Асосий қисмда** ҳажм жиҳатидан энг катта бўлган назарий ва амалий ишланмаларининг натижалари, ҳимояга киритилган қоидаларни тасдиқловчи ўтказилган таҳлиллар акс эттирилади. Ўзининг нутқида диссертант ҳар бир бобнинг якунида акс эттирган натижалари ва хулосаларига асосланиши лозим. Бу билан у барча тинловчиларда ишнинг натижалари ҳақида яхши таассурот шакллантиради. Тасвирий материалларни танлаб, турли хил графикалар ва жадвалларга эътибор қаратишингиз, уларнинг парчаларини илмий тадқиқотнинг ўзидан бирлаштиришингиз мумкин.

*Диссертант жавоб бериши мумкин бўлмаган саволлар юзага келмаслиги учун нутқининг барча тезисларини олдиндан ўйлаб олиши зарур.*

Кенгаш мажлисининг якунида изланувчи барча иштирокчиларга миннатдорчилигини билдириши керак.

**Якуний қисм** тадқиқотчининг хулосаларига асосланади. Ушбу қисмда муаллифнинг эришган барча муҳим натижалари, илм-фан ва амалий соҳалар учун назария ва амалиёт нуқтаи назаридан келиб чиқиб тадқиқотнинг аҳамияти айтилиши керак. Муаллифнинг эришган ютуқларидан юриспруденцияда ўқитиш методикасида акс эттирилиши бунга мисол бўлади. Агар диссертация бўйича қандайдир ишланма жорий қилинган жой бўлса, унда муаллиф бунинг қайси ташкилот ёки корхонада бўлганлигини, муассасанинг номини ва амалиётда қўллаш истиқболларини кўрсатган ҳолда айтиши фойдали бўлади. Муаллиф томонида ёзилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар шундай материаллар бор бўлса, диссертант учун катта самара беради. Илмий-тадқиқот институтлари ва университетларнинг, шунингдек, чет эл илмий-тадқиқот ишлари ва илмий ишлари тўпламларида монографиялар, илмий журналларда ва чет элда чиқарилган нашрларнинг мавжудлиги талабгорнинг илмий жамоатчиликка маълум бўлган юқори ютуқларга эга эканлигидан далолат беради. Шунингдек, агар диссертантда педагогик тажриба бўлса, буни ҳам эслатиб ўтиши керак.

*Илм-фан ҳеч қачон муаммони ўнта янгисини яратмасдан  
туриб ҳал этмайди.*

**Бернард Шоу,  
ирланд драматурги, файласуфи ва ёзувчиси<sup>72</sup>**

**Диссертация натижаларининг оммавий ҳимояси** – диссертант учун ҳаяжонли воқеа. Фан доктори илмий даражасига даъвогар тадқиқотчида фалсафа доктори илмий даражасига даъвогар бўлган тадқиқотчига нисбатан омма олдида нутқ сўзлашда тажриба кўпроқ бўлишига қарамай, қилинадиган ишнинг кўплиги ва чарчоқ даражаси кўпинча тажрибали маърузачининг нутқ хатти-ҳаракатларига жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун биз нутқнинг бутун матнини олдиндан тайёрлашни бошлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу қуйидагиларда ёрдам беради:

1. вақтни тўғри тақсимлашда;
2. кучли ҳаяжонланиш қоғоздан фойдаланмасдан гапиришга йўл қўймайдиган ҳолатларда.

<sup>72</sup> Антология мудрости / сост. В.Ю. Шойхер. – М.: Вече, 2007. – С.591.

Чиқишнинг тезислари нутқнинг асосидир. Айнан унинг мазмуни тадқиқот натижаларини омма олдида оғзаки етказиб беришда муҳим ва етарли ҳисобланади.

Ҳимояда илмий даражага даъвогарнинг нутқи хотиржамлик, шошилмаслик, аниқлик, саводхонлик ва ишонч билан ажралиб туриши керак, бу эса нутқни ҳозир бўлганлар учун янада расмий ва тушунарли қилади. Шошқалоқлик, охирини «ютиб юбориш», дудуқланиш ва сўзларни такрорлашга йўл қўйилмайди. Ёзма ҳисобот жуда содда ёзилмаслиги керак. У илмий қатъийлик элементларини кенгаш мутахассислари томонидан ҳимояда қўриб чиқилган масалаларни тушуниш имконияти билан кесиб ўтиши лозим.

Оммавий нутқ матни ўзингизни ва маърузангизни тингловчиларни сизнинг илмий етуклигингизга ва илмий ишнинг амалий қўлланилиши нуқтаи назаридан муҳимлигига ишонтирадиган тарзда тақдим этиш қобилиятига асосланган бўлиши керак. Бундай ҳисобот учун диссертантга 15 – 20 дақиқа вақт берилади. Берилган вақтдан камроқ ёки кўпроқ гапириш тавсия этилмайди. Маслаҳат сифатида илмий раҳбарингизнинг ҳимоя нутқи билан танишишингизни тавсия қилиш мумкин.

Шундай қилиб, диссертантнинг кириш сўзи ва малакали тузилган нутқи диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилишнинг кафолатидир.

### МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲИМОЯ УЧУН БИР НЕЧТА МАСЛАҲАТЛАР

Оғзаки ҳимоя вақтида диссертация мазмунини кераксиз такрорлаб ўтириш берилган вақтнинг тугаб қолиши, оқибатда натижа ва хулосаларни мужмал қилиб айтишга олиб келади. Тафсилотларни билмоқчи бўлган киши ўзи савол беради. Умумий манзара, муаммо ва эришилган натижаларни тасвирлаб беринг, қолганини **«саҳна ортида»** қолдиринг.

Вақт масаласига жиддий эътибор қаратинг. Маърузангиз 20 минутдан бир минут ҳам кўп бўлмасин, яхшиси, 15 минут маъруза қилинг. Агар гапиришни жуҳа хоҳласангиз, нутқингизни тугатганингиздан кейин кенгаш аъзолари ва ҳимояда ҳозир бўлганлар томонидан берилган саволларга жавоб беришда айтишга улгурмаган фикрларингизни айтинг.

## МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲИМОЯ УЧУН БИР НЕЧТА МАСЛАҲАТЛАР

